O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * مجلة معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 25-iyun, chorshanba | № 51 (7556)

Da'vat

Har qanday mushkul ish aql egalari tufayli isloh qilinur.

Az-ZAMAXSHARIY

Ibrat

Poytaxtimizning Akmal Ikromov tumanidagi "Oqtepa" mahallasida hashar yo'li bilan yangi bolalar sport majmuasi qurildi. Bu yerda sport zali, shaxmat-shashka klubi, stol tennis xonasi va zamonaviy mashq uskunalari mavjud.

ОРЗУЛАРИНГИЗ РЎЁБГА ЧИҚСИН, АЗИЗ БИТИРУВЧИЛАР!

"Biz hech kimdan kam emasmiz va kam bo'lmaymiz!"

Ўқувчилар ва ўқитувчилар учун ҳаяжонли кунлар поёнига етди — битирув имтиҳонлари якунланди. Битирувчиларнинг мустақил ҳаётга йўл олаётганликларини қутлаш ва уларга самимий тилаклар билдириш мақсадида пойтахтимиздаги "Пахтакор" марказий стадионида Тошкент шаҳри мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг "Истиқлол умидлари — 2003" битирув кечаси ўтказилди. "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!" шиори остида ўтган тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ишлари вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзтелерадиокомпания, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳамкорликда ташкил этишди.

— Фестивал шаклида ташкил этилган пойтахт илм масканлари битирувчиларининг битирув кечаси иштирокчиларнинг қалбларини энтиктиргани рост, — деди Сирғали туманидаги 237-мактаб директори Асқар Сулаймонов. — Сабаби юксак савияда ўтказилган ушбу тадбирдан 43 йиллик иш стажига эга муаллим сифатида мен ҳам ҳаяжонландим. Айниқса, устоз ва шогирдларнинг биргаликда даврага кириб келиши, етти юз нафар аълочи ўқувчиларнинг эндигина мактаб остонасига қадам қўяётган болажонларга эстафета таёқчаларини топшириши, ёшлар севган хонандаларнинг эзгулик мавзусидаги қўшиқлари ҳар бир битирувчининг эзгуликка бошлагани шубҳасиздир.







— Битирувчилар учун тайёрланган байрам тадбиридан ғоят таъсирландим, — деди Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейи битирувчиси Шерзод Содиқов. — Аниқроғи, тадбирда бир нарсани — муқаддас озодлик ҳиссини, юртимнинг порлоқ келажагини, миллат бирлиги ва дўстлик қудратини ҳис этдим. Қисқаси, мен келажакда мустақил юрт иқтисодини янада юксалтиришга ўз ҳиссамни қўшишни ният қилиб қўйдим.

Яккасарой туманидаги 127-умумий ўрта таълим мактаби битирувчиси Муқаддас Худойберганова эса ўз устозларига эҳтироми ўзгачалигини баён қилди:

— Ватан келажаги — ёшлар қўлида. Уларни тарбиялаб вояга етказишда устоз-мураббийларнинг хизматлари беқиёс. Алқисса, байрам тадбирида "Хайр, мактабим!" қўшиғи янграганида жонкуяр устозларим кўз ўнгимдан бир-ма-бир ўтди ва устозлик касби этагидан тутиш борасидаги қарорим қатъийлашди.

Биз "Истиқлол умидлари — 2003" фестивали қатнашчиларининг қай бири билан мулоқотда бўлмайлик, уларнинг қалби олам-олам орзуларга тўлиқлигини ҳис этдик.

Барча орзуларингиз рўёбга чиқсин, азиз битирувчилар!

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, "Ma'rifat" мухбири Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

БОЛАЖОНЛАРГА ДАРСЛИК
2-бет

ТАРИХИЙ - МАДАНИЙ МЕРОС ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ
3-бет

СУБЪЕКТ ВА ОБЪЕКТ ТУШУНЧАСИ
ЁХУД ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИ МАВҚЕИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?
4-бет

ҲУНАРСИЗ ОДАМ
ДОИМ МАШАҚҚАТ ЧЕКАДИ
5-бет

«ОҚ АЖАЛ» АСОРАТИ АБАДИЙМИ?
7-бет

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

INSON HUQUQLARI VA DEMOKRATIYA

Buxoroda inson huquqlarini himoya qilish — O'zbekistondagi ijtimoiy jarayonlarni demokratlashtirish va erkinlashtirishga bag'ishlangan anjuman bo'lib o'tdi. Unda mamlakatimizdagi demokratik institutlar, xalqaro tashkilotlar hamda nodavlat tashkilotlari vakillari ishtirok etdi. Anjumanda so'zga chiqqanlar istiqlolning dastlabki yillaridanoq mamlakatimizda hayotning muhim sohalarini erkinlashtirish, fuqarolarning huquq va erkinliklarini ta'minlash, davlat tuzilishini demokratlashtirish, bozor islohotlarini chuqurlashtirish, xususiy mulk, tadbirkorlar, o'rta va kichik biznes manfaatlarini himoya qilishning qonuniy asoslarini mustahkamlash yo'lida aniq tadbirlar amalga oshirilayotganini ta'kidladi. Anjumanda Oliy Majlisning Demokratik institutlar, nodavlat tashkilotlar va fuqarolar o'z-o'zini boshqarish organlari qo'mitasining raisi, inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi direktori Akmal Saidov, Oliy Majlisning inson huquqlari bo'yicha vakili (Ombudsman) Sayyora Rashidova ishtirok etdi.

SAMARQANDDA "KIOKA" VAKOLATXONASI OCHILDI

Samarqand davlat chet tillari institutida Janubiy Koreyaning ta'lim tizimi masalalari bilan shug'ullanuvchi "Kioka" tashkilotining vakolatxonasi ochildi. Mamlakatlarimiz o'rtasidagi ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan hamkorlik aloqalarini yanada mustahkamlash maqsadida tashkil etilgan mazkur vakolatxona zamonaviy o'quv texnikalari, adabiyotlar bilan ta'minlangan. Ochilish marosimida Janubiy Koreyaning O'zbekistondagi Favqulodda va Muxtor elchisi janob Kim Son Xuan ishtirok etdi.

(Давоми 2-бетда)

НАВБАҲОРДА «МАКТАБЛАР КУНИ»

У ХАТИРЧИДА КЎРИЛГАН МАСАЛАЛАР ЕЧИМИ ТАҲЛИЛИ БИЛАН БОШЛАНДИ

Dolzarb mavzu

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида «Мактаблар куни» ўтказилгани ҳақида газетамизнинг ўтган сонларида ўқиган эдингиз. Тадбир куни вилоят ҳокими туманда бўлиб, ўқув масканларидаги аҳвол билан яқиндан танишган ва турли ташкилотлар эътибори мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган эди. «Мактаблар куни» туртки бўлиб, ўқув масканларида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан ҳудуддаги 4-, 11-, 12-, 13-, 42-, 51-, 54-, 53- таълим масканлари ихтиёрига суғориладиган майдонлардан ер ажратиб берилди. Қолган мактабларга ҳам 0,5 гектардан ер, ўқитувчиларга ёрдам тариқасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, пахта ёғи бериш режалаштирилган. Табиий офат туфайли зарар кўрган 47-, 71-мактаблар учун бюджет ҳисобидан 10 миллион сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Тумандаги таълим муассасаларида ўқув парталарига эҳтиёж 3 минг дона экани «Мактаблар куни»да қайд этилган эди. Муаммони ҳал этиш гарчи, икки ой ўтса ҳамки ҳанузгача ҳал этилмагани боис вилоят таълим-таъминот корхонаси С.Тошевга бу вазифани ниҳоясига етказиш қайта топширилди. Хатирчида ўтказилган тадбирдан сўнгги ўтган муддат ичида вилоят электр тармоқлари идораси 79-мактабни тўлиқ электр энергияси билан таъминлади. Вилоят спорт қўмитаси 10-мактабга 120 минг сўмлик спорт жиҳозлари олиб берди. Навоий давлат кончилик институти 46-мактабга иккита компьютер ҳадя этган бўлса, Навоий педагогика институти 9-мактабга лаборатория жиҳозлари совға қилди. Вилоят алоқа тармоғи 14-, 24-мактабларнинг узоғини яқин қилиб, телефон тармоғини ўтказиб берди. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Хайрли тадбир сабаб айрим мактабларнинг ўқув қўлланмалари, адабиётларга бўлган талаби қондирилди. Қайсидир ўқув гўшасининг ҳовлиси асфальтлаштирилди. Яна бир таълим масканини газлаштириш чора-тадбирлари кўрилди...

Амалий ишлар таҳлил этилганда, афсуслианарлиси, «Навоийазот» очиқ турдаги акциядорлик жамияти, «Навоийсавдо», «Матлуботсавдо» акциядорлик жамиятлари, «Лада» корхонаси каби ташкилотлар ўзларига бириктирилган мактаблардаги аҳволни ўрганиб, ёрдам қўлини чўзишга вақт ҳам, хоҳиш ҳам топишолмаётгани қайд этилди.

Шу боис, Навбаҳор туманида бўлиб ўтган бу галги «Мактаблар куни»да вилоят ҳокими Б.Рўзиев гарчанд айни пайтда қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида иш ниҳоятда қизғин давом этаётган бўлса-да, ўқув масканларига «кун» ажратиш ташаббускори бўлди. Тадбирга вилоят ва тумандаги барча ташкилотлар, хўжаликлар, корхона раҳбарлари таклиф этилди. Хатирчида бўлиб ўтган «Мактаблар куни»дан сўнгги ишлар алоҳида таҳлил этилиб, мактаб ташвишидан ўзини «олиб қочаётган» мутасаддиларга қайта жиддий топшириқлар берилди. Мавжуд муаммо ва имкониятлар яна бир марта муҳокама этилди.

Ойбуви ОЧИЛОВА, «Ma'rifat»нинг махсус мухбири

ИЖОДИЙ ИШЛАР ҲИМОЯ ҚИЛИНМОҚДА

Айни кунларда мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида битирувчи ўқувчиларнинг орзиқиб кутган дамлари — диплом иши ҳимоялари қизғин кетмоқда. Йиллаб тўплаган билим ва ҳунарнинг қай даражада эгалланганлиги сарҳисоб бўлмоқда. Шу боис мазкур жараённи кузатиш мақсадида пойтахтимиздаги А.Ҳўжаев номидаги тасвирий ва амалий санъат билим юртида бўлдик. Ташриф буюрган кунимиз либос дизайни ва ёғоч ўймакорлиги гуруҳлари битирувчиларининг диплом иши ҳимоясига тўғри келди.

— Бу йил билим юртини ганч ўймакорлиги, кулолчилик, заргарлик, наққошлик, попопчилик, либос дизайни, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик ва мебелсозлик йўналишлари бўйича 110 нафар ўқувчи битирмоқда — деди илм маскани директори Ш.Муродов: — Улар диплом иши ҳимояси билан бир қаторда "Иқтисодий билим асослари" фанидан давлат имтиҳонини ҳам топширмоқдалар. Шуни қувонч билан айтишим керакки, ҳар йили Маданият ишлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ва Бадиий Академия томонидан ўтказилиб келинаётган кўрик-танловда либос дизайни гуруҳи ўқувчиси Зебо Юсупова ғолиб деб топилиб, мазкур йўналишдаги олий ўқув юртига имтиҳонсиз қабул қилинди. Шунингдек, шу гуруҳдан Сурайё Иноятова ва Олеся Хен II ва III ўрин ҳамда мебелсозлик гуруҳи ўқувчиси Шерзод Сатторов II ўринга лойиқ деб топилди.

— Мана бир неча кундирки, коллеж ўқувчилари диплом иши ҳимояси орқали ўз билимлари ва ҳунарларини намойиш қилмоқдалар, — дейди К.Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти проректори, академик Саъдулла Абдуллаев. — Уларнинг ишлари бир-биридан ўзига хослиги, фантазияга бойлиги билан ажралиб турибди. Ишларида интилувчанлик ва изланувчанлик сезилади. Масалан, Н.Расуловнинг "Уйма сервис" номли диплом иши ва ишлаган сервизидаги нақшлар нафислиги, жозибадорлиги билан ажралиб туради. Ниҳоятда мукаммал ишланган. Зебо Юсуповнинг "Темурий маликаси Зебунисо" номли диплом ишини олайлик. Зебунисо Ҳиндистонда яшаганлиги туфайли унинг либосида қадимги ўзбек ҳамда ҳинд халқлари либосига хос бўлган анъаналар уйғунлашиб кетган. Ўқувчи кўп изланиш асносида ана шу тарихий либосни кўз олдимизда гавдалантириб бера олган.

Jarayon



Фурсатдан фойдаланиб битирувчи ёшлар билан ҳам суҳбатлашганимизда уларнинг ҳаяжонлари чексиз, бир олам орзулар қанотида юксакликни кўзлаб, парвозга шай бўлиб турганлигини ҳис этдик.

Кўзлаган манзилингизга етгунча қанотингиз толмасин, азиз битирувчилар.

Дония ЗОКИРОВА.

Суратда: касб-ҳунар коллежи битирувчиси Н.Расуловнинг миллий услубда ишланган ўйма сервиси.

«СУЯК СУРАЁТГАН» АНЪАНА

АБИТУРИЕНТ ВА РЕПЕТИТОР

Илм эгаллашга нисбатан рағбатнинг кучайиб бораётганлиги Ўзбекистон ёшлари ҳаётида қайд қилинаётган ижобий ҳодиса сифатида баҳоланмоқда. Таъбир жоиз бўлса,турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган турли ёшдаги олий маълумотли кадрларга нисбатан ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Инсоннинг илм-маърифатга интилиши, ўз салоҳияти билан жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилиши ҳам ҳаётий мезондир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари билим эгалламоқчи бўлган ҳар бир кишининг мақсадлари билан муштарак бўлиб кетган.

Яқинда қўлимга Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида чоп қилинадиган илмий-назарий ва методик «Педагогик таълим» журнали тушиб қолди. Ундаги мақолалардан бирида кишини бефарқ қолдирмайдиган маълумот берилибди: **«15 ва ундан катта ёшдаги 1000 кишига нисбатан ҳисоблаганда, олий ва тўлиқсиз олий маълумотлилар сони 143 кишини ташкил этади. Таълим олиш 11,4 йилга етди. Ҳар 1000 кишининг 200 нафари ўрта махсус маълумотли мутахассислардир. Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган 4 кишининг биттаси олий ва ўрта махсус маълумотга эга. Демак, Ўзбекистонни ўқимишли мамлакатлар сирасига киритиш мумкин».**

Бу маълумотни кимдир қониқиш билан эътироф этар. Кимдир унчалик юқори кўрсаткич эмас-ку, дея беътибор бўлар. Нима бўлганда ҳам илм-фан эгаллашга, бирор касбу корни ўзлаштиришга нисбатан хоҳиш-истак ҳар бир шахс томонидан мажбурий тарзда эмас, балки ихтиёрий равишда шаклланиб боради. Фикр асоси билан бўлса, яхши. Ҳар йили мамлакатимиз олий таълим муассасаларига «оқиб» келаётган абитуриентлар миқдори юқоридаги фикримизни мазмунан тўлдиради. Агар 2001 йилда 280 минг абитуриент олий касбий таълим олиш ниятини дилига тугиб, институт ва университетларга ҳужжат топширган бўлса, 2002 йилдаги бу ҳолат сал бошқачароқ. Ўтган йили умумтаълим мактабларининг XI-синфини 36 минг, лицей ва касб-ҳунар коллежларини эса 30 минг нафар ўқувчи битирган. Шунга қарамай, 2002 йилда жами абитуриентлар миқдори ўтган йилларда битирганлар ҳисобига (80 фоиз) кўпайиб, 231 минг кишини ташкил этди. Давлат тест марказининг абитуриентлар ҳақидаги таҳлили шуни кўрсатадики, ариза топширувчиларнинг 60 фоизини қишлоқ мактабларининг битирувчилари ташкил этаётир. Агар абитуриентларни ижтимоий келиб чиқиши нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, ўтган йилги натижа бўйича 75,13 фоизи қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашларининг, 22,24 фоизи зиёлиларнинг,2,63 фоизи эса ишбилармон ва тадбиркорларнинг фарзандларига тўғри келади.

Абитуриентлар сони, ижтимоий келиб чиқиши, билимдонлик даражаси ва бошқа жиҳатларидан қатъи назар, кишини яхлит бир хулосага олиб келади: ёшлар ўз ота-оналаридан, устозу мураббийларидан илм уларнинг келажагини нурафшон этувчи омил ва восита эканлигини англаб етишмоқда. Бу, яхши. Зеро, бугунги авлод ўз аждодларидан «суяк суриб» ўтиб келаётган анъаналарни асл ҳолида ўзларига қабул қилиб олаётганидан ҳурсанд бўлиш керак.

(Давоми 6-бетда)

Bugungi kun mavzusi

Sobiq bitiruvchilarimiz orasida hozirgi kunda tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanib, el nazariga tushgan, ularning e’zoziga sazovor bo‘layotganlari ham talaygina.

Boladagi bunday har tomonlama qobiliyatlarini yuzaga chiqarish ulardagi imkoniyat qirralarining rivojlanishini yuzaga keltiradi.

SO‘NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

FERMERLAR YIG‘INI

Qishloq va suv xo‘jalik vazirligida Respublikaning bir qator ilg‘or shirkat va fermer xo‘jaliklari rahbarlarining ochiq muloqoti bo‘lib o‘tdi. Buxorodan sport anjomlari, Buxoro mexanika ta’mirlash zavodida gimnastika jihozlari, trenajyorlar, basketbol shitlari, voleybol ustuni, turli og‘irlikdagi gantellar, xullas, 18 turdagi sport anjomlarini ishlab chiqish yo‘lga qo‘yildi. Respublika ko‘chmas mulk birjasi Samarqand viloyati bo‘limida elektron savdo yo‘lga qo‘ydi.

TAQDIMOT

Poytaxtimizdagi “Le Meridian Toshkent Palas“ mehmonxonasining taqdimoti bo‘lib o‘tdi.

YURTIMIZ TIBBIYOTIDA YANA BIR MUVAFFAQIYAT

Xorazm viloyatidagi 1-sonli shifoxona qoshidagi yurak-qon-tomir jarrohligi markazida ikkita noyob operatsiya o‘tkazildi. Tibbiyot fanlari doktori Qalandar Bobojonov va uning kiyevlik hamkasbi Ukraina Tibbiyot fanlari akademiyasini Yurak-qon-tomir jarrohligi instituti professori Anatoliy Rudenko ishlab turgan yurakda aorto-koronar shuntlashni amalga oshirdi. Bu yurtimizda yurak-qon-tomir sohasida erishilgan ilk muvaffaqiyatlardan biridir.

ЯНГИ ТАЪЛИМ КЕНГЛИКЛАРИ

У БОЛАНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРАДИ

Бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири — ҳар бир бола учун сифатли ва мазмунли таълим олиш имкониятларига йўл очиб берадиган таълим кенгликларини барпо этиш, сақлаш ва ривожлантиришдан иборатдир. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда таълим жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар таъсирида кенг қамровли, кўп қиррали бўлиб бормоқда. Зотан, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган хилма-хил, кенг қамровли, айни пайтда индивидуал талабларини қондиришга бусиз эришиш амримаҳол.

Республикамизда таълимнинг вариативлиги кенгайиб, унинг инновацион ҳаракати тобора ривожланиб бормоқда. Мамлакат таълимида ихтисослашган мактаблар билан бир қаторда лицей, гимназия, боғча-мактаб мажмуалари каби янги турдаги ўқув-тарбия муассасалари бунёд этилаяпти. Табиийки, таълимнинг бундай истиқболли тармоқларини янада ривожлантиришни давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватланиши фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, ўтиш даврининг мураккаблигига қарамай «мактаб-болалар боғчаси» мажмуаларининг барпо этилиши, янги, илғор педагогик технологияларнинг жорий этилишига майдон бўлиб хизмат қилмоқда. Шунга кўра, мактабгача таълим ҳамда мактаб таълимидаги энг яхши анъаналар, шаклланган ва шаклланаётган илғор иш услублари сақлаб қолинмоқда. Бунга бизнинг таълим муассасамизда олиб борилаётган ишлар ҳам мисол бўла олади. Жумладан мактаб-боғча марказимизда педагогик жараёнларнинг яхлитлигини сақлаган ҳолда бола ривожланишини таъминловчи асосий омиллар билан биргаликда болалар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича туркум мақсадли тадбирлар амалга оширилаяпти.

Тарбияланувчиларни хореография ва ритмика, хор санъати, миллий рақсга ўргатиш уларда миллий мусиқа асбобларида чалиш кўникмаларини шакллантиришда ноанъавий усулларни қўллашга эътибор берилмоқда. Бу болаларни санъатнинг миллий ва замонавий турларидан воқиф қилишга ёрдам бериши тайин.

Шунингдек, болаларни ўзини синаб кўриш, мустақил фаолият кўрсатиш, эркин мушоҳада юритишга, изланишга йўналтирадиган иш жараёнларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўз ички шароитимиз ҳақида айтадиган бўлсам «Ором» ўқув-тарбия маркази мактаб, болалар боғчаси базасида 1998 йилда ташкил этилган. Бу таълим масканида болалар 2 ёшдан то 11 синфгача таълим-тарбия оладилар. Бугунги кунда «Ором» мактаб-болалар боғчаси марказида 1973 нафар тарбияланувчилар ва ўқувчилар бор. Улардан 352 нафари мактабгача таълим ёшидаги болалар, 1621 нафари мактаб ўқувчиларидир.

Бизнинг таълим муассасамиз тажрибаси бундай мажмуаларни яратиш фавқулодда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Бундай муассаса таълимнинг турли шаклларидан фойдаланишдан ташқари унинг мазмунини яхшилашда ҳам, янги педагогик технологиялардан вариатив фойдаланишда ҳам, ўрта-махсус ва олий маълумотли педагоглардан ўринли фойдаланишда ҳам кам харж ва ҳаракат сарфлаб салмоқли фойда олиш манбаи дейиш мумкин. Турли самарали омилларни жалб этган ҳолда у ёки бу янгиликларнинг самарасини аниқлаш мақсадида турли тадқиқотлар ўтказишда эса бу анъана муайян қулайликларни келтириб чиқаришини тажрибалар исботлади. Болаларнинг илк давриданоқ ўқув-тарбиявий ишларни уларнинг ёши ва қобилиятига таянган ҳолда предметли муҳитга мослаштириб бориш, болаларни боғчадан мактаб таълимига олиб ўтиш жараёнини осонлаштиради. Бу пайтда катталар ва тенгдошлари билан ўзаро мулоқот малакаси ривожланади. «Ором» ўқув муассасасидаги бу ислоҳотлар айни шу жиҳатларга жиддий эътибор қаратяпти. Боладаги бундай ҳар томонлама қобилиятларини юзага чиқариш улардаги имконият қирраларининг ривожланишини юзага келтиради.

Биз болаларга турли фаолият турларини, яъни рақс, бадиий-мусиқали, жисмоний тарбия, тил ўрганиб олишларига имкониятлар яратмоқдамиз. Бу амалиёт тавсифида болаларнинг кенг мушоҳадали бўлиш жараёни сезиларли даражада тезлашди.

Бу фикрнинг исботи мактабгача таълим ёшидан то 11 синфни тугатгунига қадар уларнинг асосий диққат-эътибори табиий-математик, гуманитар фанларни пухта ўзлаштириш, бадиий эстетик қобилиятларини ўстиришга ҳаракат қилиняпти. Бу албатта педагоглар жамоасидан масъулиятли ва машаққатли меҳнат талаб этади.



Гулнора ҚЎЧҚОРОВА
«ОРОМ» ўқув-тарбия маркази директори.

Яқинда “Маънавият” нашриёти илк бор мактабга қадам қўядиган болажонларимиз ва уларнинг меҳрибон устозлари учун ажойиб совға — “Алифбе” дарслигини чоп этди. Ушбу дарслик Халқ таълими вазирлиги томонидан 1-синф ўқувчилари учун дарсликларнинг янги авлодини яратиш мақсадида эълон қилган танловда ғолиб бўлгани қувонарлидир.

Bu sizning kitobingiz: o‘qing, o‘rganing, asrang, avaylang!

БОЛАЖОНЛАРГА ДАРСЛИК



Маълумки, “Алифбе” дарслигини яратиш муаллифдан катта меҳнат ва масъулият талаб этади. Қувонарлиси шундаки, муаллифлар ана шундай нозик ва шарафли ишни уддалай олганлар. Дарслик мазмунидан кўриниб турибдики, муаллифлар ушбу китобни ёзишдан аввал, “Алифбе” яратиш соҳасидаги мавжуд тажрибаларни синчиклаб ўрганганлар, бу соҳанинг барча мутахассислари билан бамаслаҳат ишлаганлар.

“Алифбе” тузилиши, ундаги ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимларнинг ҳажми жиҳатидан давлат таълим стандартлари талабларига жавоб беради. Савод ўргатиш жараёни дарсликда икки даврга бўлиб берилади: а) Тайёргарлик даври; б) Алифбо даври. Савод ўргатиш таҳлил-таркиб товуш усули асосида амалга оширилган. У ўзаро боғланган икки жараёндан (дастлабки ўқиш ва ёзишни ўргатиш) ташкил топган ва нутқ ўстиришда муҳим ҳисобланган товуш, сўз, гап, боғланишли нутқ тузиш машқлари билан мустаҳкамланган. Матнлар ўқувчилар билим даражаси ва ёшига мос. Дарслик педагогика, психология фанлари ва миллий истиқлол мафкураси соҳасида эришилган ютуқларга таянган ҳолда яратилган.

Дарсликда товуш ва ҳарфларни ўзлаштириш, савод чиқариш жараёнида ўқувчиларни фаоллаштиришга жиддий эътибор қаратилган. Унда ўқувчиларни фикрлашга ўргатувчи туширилган зарур сўзлар, бўғинлар ва сўз, бўғин таркибидаги товушларни ўз ўрнига қўйиб ўқиш каби осон усуллардан, катакчалардан самарали фойдаланилган. Товушлар ва ҳарф ҳақидаги билимни мустаҳкамлаш мақсадида алифбогача бўлган алоҳида саҳифа ажратилган.

Дарсликнинг яна бир афзал жиҳати шундаки, у ўқувчи шахсини шакллантириш имкониятига эга. Унда атроф-муҳитни авайлаш ва тоза тутиш, яъни экологик, ахлоқий ва жисмоний тарбияга оид тушунчалар, матн, мазмунли расмлар ва бошқа таълимий унсурлар орқали берилган. Демак, бола савод чиқариш баробарида турли тарбиявий тушунчалардан баҳраманд бўлади. “Алифбе”да ўқувчининг мантиқий фикрлашига катта аҳамият берилган. Унда ребус, топишмоқ, ўқувчиларни фикрлашга ундовчи топшириқлар талайгина.

Маълумки, “Алифбе” дарсларининг каттагина қисми болаларни тўғри ва чиройли ёзишга ўргатишдан иборат. Дарсликдаги ҳарфларнинг ёзма шакллари, шунингдек, тагсаҳифадаги унсурлар, ҳарфлар, сўзлар ва жумлаларнинг ёзилиши ҳусниҳат бўйича таниқли мутахассис, хаттот Мирҳабиб Ғуломов томонидан амалга оширилган.

Дарсликдаги бадиий безак дизайни масаласи ҳам муваффақиятли ҳал этилган. Бу ишга Анвар Мамажонов каби таниқли мўйқалам усталарининг жалб этилиши “Алифбе”нинг миллий, замонавий руҳда безатилишига имкон берган. Ундаги ҳар бир сурат, нақш ёки бир кичик тасвирий унсур бирор-бир таълимий, тарбиявий мақсадга хизмат қилган. Расмлар учун ёқимли ранглар танланган. Улар шу маънода аввалги дарсликларни такрорламайди. Натижада китобнинг кўргазмалилик даражаси ошган. Агар дарсликда мингдан ортиқ катта-кичик суратлар келтирилганлигини инобатга оладиган бўлсак, ўқувчиларнинг янги товуш, ҳарфни қанчалик осон ўзлаштиришлари мумкинлигини ҳис қиламиз.

Дарсликда келтирилган шеърий ва насрий матнлар ўринли ва дид билан танланган. Айниқса, Зафар Диёр, Эркин Воҳидов, Истиқлол Мўмин каби шоирларнинг Ватан, унинг жозибали табиати, китоб ҳақидаги шеърлари “Алифбе”ни эстетик, маърифий жиҳатдан бойитган.

Мазкур дарслик 2002 йилги танловда ғолиб деб топилгач, муаллифлар уни тўлақонли, мукаммал дарсликка айлантириш учун тинимсиз изланишлар, етук бошланғич синф мутахассислари, амалиётчи ўқитувчилар, таниқли график-рассомлар билан бамаслаҳат иш олиб бордилар, мактабларда, тажрибасинов марказларида, илмий-тадқиқот муассасаларида семинарлар, баҳс-мунозаралар ўтказдилар. Китоб нашр этилишидан олдин йигирмадан ортиқ олим, услубчи, ўқитувчилар томонидан тақриз қилинди, махсус тузилган бир неча ишчи гуруҳларининг хулосалари олинди. Уларда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар дарсликка татбиқ қилинди. Шу боис бир нарсани аниқ айта оламиз: муаллифлар, нашриёт таҳририяти ушбу маслаҳатлар, таклиф-мулоҳазаларнинг деярли барчасини эътиборга олганлар. Китобнинг ҳозирги савияси бундан далолат беради.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
педагогика фанлари номзоди, доцент,
Холида ҒУЛОМОВА
доцент

Milliy dastur — amalda

БУГУННИНГ ЁШЛАРИ

ҲАМ ЗУККО, ҲАМ ТАДБИРКОР

Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган Оқёр саноат касб-ҳунар коллежи 1999 йилда ишга тушган булиб, у мамлакатимизда илк барпо қилинган замонавий ўқув иншоотларидан бири саналади. У 300 ўқувчи ўрнига мўлжалланган. Айни пайтда унда нафақат туман аҳолисининг истеъдодли фарзандлари, балки унга қўшни бўлган туманлардан, ҳатто Фарғона ва Наманган вилоятларидан келган ёшлар билим ва касб-ҳунар ўрганмоқдалар.

Коллеж асосан мамлакатимиз саноатини юксалтириш учун ҳисса қўшишга умид боғлаган ёшлар билан иш олиб боради. Бу ерда ўқувчиларга бугунги кунда энг замонавий санаалган мутахассисликлар — саноат буюмлари дизайнерлиги, тикувчилик ишлаб чиқариши, компьютер ва офис жиҳозларини таъмирлаш ва ишлатиш, бухгалтерия ҳисоби, банк иши, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, ҳуқуқий ҳужалик фаолияти сингари соҳалар буйича билим берилади. Гарчи, юқорида санаб ўтилган сўнгги иккита мутахассисликлар коллежнинг асосий йўналишига монанд келмаса-да, аммо туманнинг ушбу соҳадаги кадрларга булган эҳтиёжининг юқорилиги ушбу касб турларини таълим муассасасида ўқитишни ташкил этишни талаб қилди.

Таъкидлаш лозимки, кўпгина ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари қатори Оқёр саноат касб-ҳунар коллежи ҳам бир қатор халқаро нодавлат, нотижорат ташкилотлари билан таълим сифати ва самарадорлигини кутариш, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш соҳасида ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда. Чунончи, коллеж жамоаси Европа ҳамжамиятининг TACIS дастури доирасида “Узбекистонда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига кўмак” лойиҳасида иштирок этиб, махсус грант совриндори бўлдилар. Бунинг натижасида бугунги кунда хорижлик илғор мутахассислар билан ҳамкорликда намунавий ўқув адабиётлари яратмоқдалар. Шунингдек, лойиҳа доирасида бир қанча ўқитувчилар хорижий давлатларда саноат буюмлари дизайнерлиги, тикувчилик ишлаб чиқариши мутахассисликлари бўйича касбий тайёргарлик малакаларини ошириб қайтдилар.

КОЛЛЕЖДА МОДАЛАР УЙИ

Шуни алоҳида айтиш керакки, коллежда ўқув жараёни билан бир қаторда ишлаб чиқариш ишлари ҳам изчил ва самарали йўлга қўйилган. Бу ерда ўқувчилар ташаббуси билан ташкил этилган дизайн лабораторияси айни пайтда самарали фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, «Наргиз» модалар уйи ёшларнинг энг гавжум масканига айланган. Бу ерда ўқувчилар бичиш ва тикиш ишларини машқ қиладилар уларни намойиш қиладилар, ҳатто кўпчиликка манзур бўлган маҳсулотларни кўпайтириб, уни савдо расталарига чиқариш имкониятига ҳам эгалар.

— «Наргиз» модалар уйи дастлаб фаолият бошлаган чоғда, фақатгина ўқув жараёни учун хизмат қилган, айни дамда бу ерда коллеж моддий базасини мустаҳкамлашга сезиларли ҳисса қўшувчи ишлаб чиқариш тизими ташкил этилган, десам муболаға бўлмайди, — дейди биз билан суҳбатда коллеж раҳбари Мавлуда Юнусова. — Ҳозирги кунда бу ерда ўнлаб ўқувчиларимиз дарсдан бўш вақтида тикувчилик билан шуғулланмоқдалар. Бу ерда фаолият кўрсатаётган булғуси модельер ва тикувчилар аввало бозорнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб, сўнг маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Бунда уларга Германиянинг «Пфафф-Зингер» тикув машиналари ва тажрибали ўқитувчилар, муҳандис-педагогларимиз кўмак бермоқдалар. Кейинги пайтларда модалар уйида тайёрланаётган маҳсулотларимизнинг сифати ва ассортименти тобора ошиб бормоқда. Шу боис, яқинда Андижон «Жаҳон бозори»нинг энг сергавжум нуқтасида янги савдо растасини ташкил этдик ҳамда ўқувчиларимиз томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг савдосини йўлга қўйдик.

Коллеж раҳбариятининг шу тариқа иш юритиши биринчидан, ўқувчи-ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини ҳосил қилишда кўмаклашса, иккинчидан ишлаб чиқаришдан топилган фойда ҳисобидан ўқувчиларни моддий рағбатлантириш имконияти яратилмоқда. Шунингдек, коллеж молиявий аҳволи ҳам анча мустаҳкамланмоқда.

КЕЧА —ЎҚУВЧИ, БУГУН — ТАДБИРКОР

Коллежни ўтган 2001-2002 ўқув йилида жами 225 нафар ўқувчи тамомлаган эди. Хўш, айни пайтда ушбу қалдиргоч мутахассислар қаерда, қандай фаолият билан шуғулланмоқдалар? Ушбу саволга таълим муассасаси директори Мавлуда Юнусова шундай жавоб беради:

— Битирувчиларимизни ишга жойлаштириш масаласида вилоятимиздаги етакчи саноат корхоналари билан шартномалар имзолаганмиз. Улар орасида «Бобур» номидаги ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Холис» савдо-саноат бирлашмаси, «Намуна» ишлаб чиқариш корхонаси, «УзДЭУавто», «УзДонгЖу», «УзДонгЯн», «УзСемЮнг». «УзКорамКо», «Анконтекс», «Антекс» каби қушма корхоналар бор. Ушбу ижтимоий ҳамкорларимиз булган ташкилотларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжи асосида утган йили 200 га яқин битирувчиларимиз йўлланма олиб, бугунги кунда ташкилотларда ўз ўрнини топиб, самарали меҳнат қилмоқдалар. Коллежимизни тикувчилик ишлаб чиқариши йўналиши бўйича 2002 йилда тамомлаган собиқ ўқувчиларимиздан Нодира Аҳмедова айни пайтда вилоятимиздаги илғор қушма корхоналардан бири ҳисобланган «Анконтекс» қушма корхонасининг тажриба-синов цехида бичувчи лавозимида ишламоқда. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай олий маълумотга эга бўлган мутахассисни ҳам йирик корхонанинг тажриба-синов цехида ишга қабул қилиниши ва бу ерда фаолият кўрсатиши мушкул. Бунинг учун мутахассисдан юқори билим, малака ва кўникмалар талаб этилади. Нодира узининг иқтидори ва салоҳиятини коллеждаги ўқиш ва иш фаолияти жараёнида тўла намоён этганлиги боис, унинг харидори ошди ҳамда танлаш имкониятлари кўпайди. У “Анконтекс”ни танлади ва кўп ўтмасдан бу ерда уз ўрнини топди.

Собиқ битирувчиларимиз орасида ҳозирги кунда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, эл назарига тушган, уларнинг эъзозига сазовор бўлаётганлари ҳам талайгина. Улар орасида Санжар Остонов ўқиш жараёнидаёқ узининг қобилияти, иқтидори, тиришқоқлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. У бугунги кунда эркаклар уст кийимларини ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. У ушбу йўналишда фаолият кўрсатувчи хусусий кичик корхонага асос солди ва айни пайтда унга раҳбарлик қилмоқда. Бозор эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда у тери маҳсулотларидан тайёрланган кийим-бошлардан тортиб, эркаклар кўйлагигача ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Шу билан бирга, 2002 йил битирувчиларимиздан Абдурасул Аҳмаджонов эса саноат буюмлари дизайнерлиги мутахассислигини эгаллаган. Айни пайтда у ҳам хусусий кичик корхона раҳбаридир. У бугунги кунда бозори чаққон бўлган замонавий мебеллар ишлаб чиқармоқда. Кичик корхонада тайёрланган маҳсулотлар бозорларимизда энг харидоргир молларга айланган.

Бундан ташқари, коллежимиз битирувчиларининг Жанубий Корея билан ҳамкорликда ташкил қилинган вилоятимиздаги ўнга яқин қўшма корхоналарда меҳнат қилаётганлиги ҳам қувонарли ҳол, албатта.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,
«Ma`rifat» мухбири





Куёш нурларини ер юзига қизғанмасдан сочаётган мана шундай жазирама иссиқ кунларда ҳар бир кишининг салқин боғлар, баҳаво тоғларга боргиси, шилдираб оқаётган сойларда мириқиб чўмилгиси келади. Жиззах вилояти ХТБга қарашли Зомин туманидаги 29-“Лочин” номли оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган 80 нафар болажонлар мана шундай шодон кунларни бошларидан кечирмоқдалар. Бу ернинг тоғлар билан ўралганлиги, турли спорт тўгараклари, беллашувлар ташкил қилинганлиги таътилнинг янада мазмунли ўтишини таъминламоқда.

Бурҳон РИЗО олган суратлар.



Бухоро вилояти Олот шаҳри, Пахтакор кўчаси 26-уйда яшовчи Эгамберди ЧОРИЕВдан

САВОЛ: — Ўғлим иқтидорли болалар мактаб интернатининг 9-синфида ўқийди. Ўғлим 9-синфни битириб коллежга ўқишга кирмоқчи. Мабодо коллежга кира олмаса, ўзи ўқиган билим даргоҳида 11-синфгача ўқишни давом эттириши мумкинми?

Ўғлим бу ҳақда ўқитувчиларидан сўраб-суриштирса, 9-синфни тугаллаб коллежларга ўқишга кетганлар, мабодо кириш имтиҳонларини топшира олмасдан қайтиб келишса, улар мактаб интернатга қайта олинмайдилар, деб тушунтиришган, шу тўғрими?

ЖАВОБ: Иқтидорли болалар мактаб интернатининг 9-синфини битириб ўқувчи коллежга ўқишга кира олади, бирок шундай иқтидорли ўқувчи коллежга ўқишга кира олмаса, 11-синфгача ўқишни давом эттириши мумкин.

Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани А.Яссавий жамоа ширкат хўжалиги Хушали қишлоғида яшовчи Азамат КЕНЖАЕВдан

САВОЛ: — Мен 1992 йил Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти (ҳозирги ЎзДЖТУ)ни тугатиб, бугунга қадар Чироқчи туманидаги 120-ўрта мактабда I тоифали ўқитувчи сифатида француз тилидан дарс бериб келаман. Мендан бошқа хорижий тили ўқитувчиси бўлмаганлиги сабабли дарсларни гуруҳларга бўлмай ўтаман. Ҳар синфда 25-33 тадан ўқувчилар бор. Менга гуруҳларга бўлмай ўқитганим учун қандай имтиёзлар бор?

ЖАВОБ: Агар ўқув йили бошида тарификация қилинаётганда синф 2 ўқитувчига мўлжалланиб, 2 гуруҳга бўлинса ва ўқитувчилардан бири касаллиги ёки бошқа сабаб билан кетиб қолса, унинг гуруҳи қўшиб дарс ўтилса бундай ҳолларда дарс ўтмаган ўқитувчининг ҳақи ҳам гуруҳларни қўшиб дарс ўтган ўқитувчига қўшиб берилади. Хорижий тил ўқитувчиси ўқув йили бошида битта бўлса у синфни қўшиб ўқитса ҳам 1 та ўқитувчи иш ҳақини олиши мумкин. Бундай ҳолларда мактаб маъмурияти бу ўқитувчини рағбатлантириб туриши керак (15 % махсус рағбатлантирув мукофот фонди ёки бошқа манбалар орқали).

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси бош мутахассиси

Ular bir yo'la 30 nafar kishini o'qitish imkonini beradi. Bilasizmi, bu texnikani birinchi marta ko'rganimda, uni ishlatish qiyin bo'ladi, deb o'ylagandim.

A.A. Kurtovning fikriga ko'ra, Qirg'iziston va Qozog'istonda ham tarixiy haqiqatni soxtalashtirish anchayin ommalashgan.

TАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Talqin

Ҳар бир халқнинг ўз тарихини ўрганишга интилиши, унинг чуқур илдизларига мурожаат этиши табиий жараёндир. Тарихнинг ўзига хос хусусияти ва муҳим аҳамияти шундаки, у тарихий сабоқлар, бой маънавий, юксак ахлоқий-умуминсоний қадриятлар мисолида яратувчилик ва эзгуликка интилиш туйғуларини тарбиялайди.

Умумжаҳон тарихий жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи инсондир. У ёки бу воқеаларнинг рўй бериши жамиятдаги ўзаро муносабатларга, инсоннинг ютуқ ва камчиликларига, умуман кишилик жамиятига боғлиқ. Жаҳон тарихи инсонпарварлик ва аксинча, шовинизм туфайли юз берган уруш ва қирғинларга оид мисолларга тўла. Вайрон қилувчи мафкура инсонларни ўтмиш хатоларни такрорламаслик, тарихдан ғразли мақсадларда фойдаланмаслик ҳақида огоҳлантирувчи тарих сабоқларини нотўғри англашга асосланган.

Мазкур мақолада Марказий Осиё мамлакатларида тарихнинг ривожланиши ва тарихий-маданий меросга мурожаат муаммолари таҳлил қилинади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Марказий Осиё мамлакатлари олдида давлат қурилиши ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш билан боғлиқ айнан бир хил сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий вазифалар турган эди. Янги суверен давлатлар ташқи сиёсатида битта минтақада яшовчи халқларда яхши қўшничилик муносабатларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ умумий манфаатлар мавжудлигини уқтирувчи минтақавий ҳамжамият қонунини англаш биринчи даражали аҳамиятга эга эди.

Марказий Осиё мамлакатларининг ички интеграцияси минтақада барқарорликни сақлаб қолишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланарди. Минтақа халқлари кўп жиҳатдан умумий тарих ва маданиятга эга. Шундай вазиятда тарихга ҳамда тарихий-маданий меросга мурожаат мавзуси қонунан муҳим масалага айланди. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида тарих фанининг турли муаммоларига холис ёндашиш руҳидаги мақолалар билан биргаликда бир қатор Марказий Осиё республикаларида шундай мақола ва китоблар пайдо бўлдики, уларнинг муаллифлари тарихни "ўз хоҳиш ва истаклари" асосида ёза бошладилар. Б.Ғ.Ғофуровнинг 1989 йилда чоп этилган машҳур "Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история" ("Тожиклар. Энг қадимги, қадимги ва ўрта асрлар тарихи") номли монографиясининг кириш сўзида ўзбеклар ва тожиклар тарихан бир-бирига жуда яқин эканлиги ҳамда бу тарихий тараққиёт ягона ҳудудда кечганлиги алоҳида таъкидланган эди. "Тожик халқининг маданий хазинаси ўзбекларнинг ютуғи бўлганидек, ўзбек маданиятининг ютуқлари тожиклар томонидан кенг суратда ўзлаштирилгани" ушбу асарда ҳаққоний ёритилган эди. Аммо орадан атиги икки-уч йил ўтиб, айрим тарихчилар томонидан ушбу масалага муносабат кескин ўзгарди.

Тожик тарихчилари "Тарихий Тожикистон" ҳақидаги масалани кўтариб чиқдилар, унга кўра, тожикларнинг аждодлари Марказий Осиёнинг энг қадимий аҳолиси бўлганлар ҳамда улар Сўғд, Хоразм, Бақтрия ва шу сингари давлатларга асос солганлар. Ушбу мавзуга оид турли китоб ва мақолаларда минтақанинг тарихий ҳамда маданий мероси фақат ҳозирги алоҳида бир халқ аждодларининг ютуғи сифатида талқин қилина бошланди. Кейинчалик шу мазмундаги фикрлар қўшни мамлакатларнинг айрим тарихчилари ишларида кўрина бошлади. Ушбу муаллифлар гўёки сосонийлар давлатчилиги анъаналарини ўзида давом эттирган, "биринчи мустақил тожик давлатига асос солган — сомонийлар феномени" ҳақида гапира бошладилар. Ваҳоланки, сосонийлар давлатчилиги Эрон ҳудудида вужудга келган бўлиб, унинг Марказий (Ўрта) Осиёга ҳеч қандай генетик (келиб чиқиши жиҳатдан) алоқаси йўқлиги кўпчиликка яхши маълум. Бу ҳол "Улуғ Хуросон" ғоясига ҳам тааллуқли. Тожик олимлари Эрон лисонли халқнинг қадимийлигини алоҳида таъкидлайдилар ва гўё сомонийлар ўз фаолиятида аҳолини тарбиялашда "Орий халқларининг тарихий тақдири бирлиги туйғусига" таянганлар.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида баъзи тарихчи ва журналистлар милоддан аввалги VI-V ёки IX-VIII асрларда Ўғузхон томонидан асос солинган қадимги Турон давлати ҳақидаги тахминни асослашга ҳаракат қилдилар. Аммо ушбу назария илмий асосга эга эмас. "Авесто"да, Геродотнинг ва бошқа қадимги тарихчиларнинг асарларида Ўғузхон ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ, у ҳақдаги хабарлар анча кейинги даврга оид достонларда мавжуд. Фақат достон ва афсоналарга асосланган ҳолда давлатчилик сингари муҳим масаланинг ечимини муваффақиятли ҳал қилиш мумкин эмас. Юқоридагилардан фарқли ўлароқ, тарихий воқеа ва далилларда афсонавий элементлар мавжуд бўлмайди.

Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда ҳам тарихий-маданий мерос муаммоси худди шундай долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан Туркманистонда Парфия подшолигининг туркманлар тарихий-маданий меросига расман боғланиши тасодиф эмас. Ушбу меросга Эрон ҳам даъвогарлик қилиши мумкин, чунки кўплаб Парфия шаҳарлари ҳозирги Эрон ҳудудида жойлашган.

Ҳозирги пайтда Туркманистонда цивилизация тараққийси ва туркман этногенези масаласи энг қадимги даврларга боғланмоқда. Бу ерда ҳам яна, гўё сал кам милоддан аввалги учинчи минг йилликда яшаган ҳамда "ўғуз-туркман давлати"га асос солган Ўғузхоннинг ўрни алоҳида қайд қилинади. Аммо ёзма манбалар туркманлар этногенезида муҳим ўрин тутган ўғузлар тарихи аслида ўрта асрлар даврига тааллуқли эканлигидан гувоҳлик беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, Туркманистоннинг қадимги тарихи ва маданиятини ўрганишга 1945 йил охирида собиқ (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) ТошДУ археология кафедраси базасида ташкил қилинган Жанубий Туркманистон археологик комплекс экспедицияси катта ҳисса қўшди. Қўҳна Нисо шаҳри ва Қадимги Марвдаги, шунингдек, Жойтун, Олтинтепа ва бошқа қадимий деҳончилик манзилгоҳларига оид машҳур археологик кашфиётлар айнан Тошкент археология мактаби вакилларига тегишлидир. Экспедициянинг археология тадқиқотларига бағишланган кўп жилдлик илмий ишларида, илмий тўплам ва монографияларда энг аввало "Ўрта Осиё цивилизацияси" ҳамда умуммингақавий маданий мерос ҳақида сўз юритилган. Буларнинг бари яқин йилларда бўлган эди. Бугунги кунга келиб қадимий манзилгоҳлардан топилган айрим археологик топилмалар, масалан, ҳўкизнинг олтиндан ясалган боши, лойдан ясалган аравача (Олтинтепа), мис ва бронза буюмлар (Геоксюр, Номозгоҳ манзилгоҳи ва бошқалар) гўё маҳаллий халқ вакиллари биринчилардан бўлиб аравани ва табиийки, ғилдиракни ҳам кашф қилганлар, шунингдек, минтақада ҳаммадан аввал металл эритишни ихтиро қилган металлсоз бўлганлар, каби фикрлар учун асос қилиб олинмоқда. Ваҳоланки, инсоният тарихидаги арава, ғилдирак ва шу каби бошқа муҳим кашфиётлар қадимги дунёнинг турли мамлакатларида бир-бирига боғлиқ бўлмаган тарзда юз берган. Жумладан, ер юзидаги дастлабки зироаткор ҳамда кулол ҳар ҳолда Туркманистон ҳудудида вужудга келмаган. Аммо бу нимани ўзгартиради, ўтмишними ёки бугунги кунними?

2002 йилнинг 21 августида "Кабар" ахборот агентлиги (Бишкек) Қирғизистон раҳбарияти БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессияси муҳокамасига қирғиз давлатчилигининг 2200 йиллигини халқаро майдонда нишонлаш масаласини киритишни режалаштираётганлиги ҳақида хабар тарқатди. 2003 йил республикада "Қирғиз давлатчилиги йили" деб эълон қилинди. Ушбу ҳол тариҳдан сиёсий мақсадларда фойдаланиш мумкинлигига мисол бўла олади.

Қирғизлар давлати чамаси миллодан аввалги III аср охирида, тахминан, Мўғулистоннинг шимоли-ғарбий ҳудуди ёки Енисей ҳавзасида гангун қабилалари мулкида вужудга келганлиги таъкидланади, гўёки Хитой манбаларида қирғизлар шундай номланган эмиш (унинг бошқа шаклларицзянгун, гегун).

Одатда, давлатнинг ривожи аниқ бир белгиланган ҳудуд билан боғланади. Масалан, Шумер, қадимги Миср ёки қадимги Юнон давлатчилиги ҳақида сўз кетса, биз у ёки бу жараённинг қайси ҳудудда рўй берганлигини аниқ тасаввур қиламиз.

"Мулк" атамаси "давлат" тушунчаси билан тенг кучли эмас. Ҳали давлат даражасига эришмаган, уруғ ва қабила жойлашган ҳудуд ҳам мулк бўлиши мумкин, яъни бу шундай жойки, унда у ёки бу уруғлар яшаб, хўжалик фаолияти билан шуғулланадилар. Бунинг устига ёзма манбаларда гангунлар давлатининг ўзига хос аломатлари ҳақида маълумотлар мавжуд эмас, бу давлатнинг аниқ ҳудудий чегаралари ва жойлашган ўрни ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, ўрта асрларда Енисей бўйида, Жанубий Сибирда Енисей қирғизлари давлати номи билан аталувчи давлат мавжуд бўлганлиги ҳозирги тарихий адабиётларда қайд этилган. Ушбу давлат Чингизхон томонидан вайрон қилинган. Мазкур давлатнинг тарихи ва маданияти фанда кенг ўрганилганлиги диққатга сазовор, аммо бу давлат, унинг вужудга келиши милоддан авва́лги III-II асрларга тааллуқли эмас.

Замондошларимизнинг бундан 5 минг йил аввал "туркман ўғуз" халқи мавжуд бўлганлиги ёки "қирғиз" этнонимини 2200 йил илгари маълум эканлигини исботлашга интилишларини тушуниш мумкин, аммо бу маълумотларнинг тўғрилигига ишониш қийин. Бундай қадим замонларда ҳозирги Ўрта Осиёдаги халқлар барчасининг номи маълум бўлмаганлиги сингари, ҳозирги дунёнинг кўплаб халқларининг номлари ҳам маълум эмас эди. Ҳатто Урхун ёзувлари, Маҳмуд Қошғарий ва Рашидиддиннинг асарлари каби машҳур манбаларда ҳам "қирғиз" атамаси этноним сифатида қайд қилинмайди. Ушбу мавзуни давом эттириб, шу йил 22-23 апрель кунлари Ўш университетида бўлиб ўтган ҳамда қирғиз давлатчилигига бағишланган талаба ва ёш олимлар конференциясидаги маърузаларнинг тезисларига эътиборни қаратамиз. Маърузалардаги айрим тушунча-қарашлар қуйидагича: Енисейдаги "Буюк қирғиз давлати", "Қирғизларнинг буюк ва шонли даври (VI-XIII асрлар)", "Буюк қирғиз хоқонлиги", "қудратли салтанат", "қирғизлар улуғ давлатчилигининг ўрни ва роли" ва ҳ.к. Балки, ушбу ёш олимларни бир қадар тушуниш ва одатдан ташқари иборалар қўллаганлари учун уларни кўпам койимаслик мумкиндир. Аммо буларнинг бари "Улуғ Хуросон", "Буюк Сосонийлар", Сомонийлар ҳамда Ўғузхон "феномени", "Буюк туркман ўғуз давлати" сингари ғояларга афсусланарли даражада ҳамоҳангдир. Айрим олимлар, жамоат ва давлат арбобларининг асарларида ушбу ғояларнинг акс этиши ёшларнинг тафаккурига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Ўрта Осиё тарихий-маданий меросга ва айниқса, қадимги тарих муаммоларига ёндашувда ўзаро кимўзарлик хоҳиши мавжудлигини таъкидламасликнинг иложи йўқ. Бу борада Ўш шаҳрининг 3000 йиллик юбилейини ўтказиш масаласи қандай қизғин мунозараларга олиб келганлигини эсга олишимиз мумкин. Оқибатда ушбу тадбир Ўш манзилгоҳининг юбилейи сифатида нишонланди. Аммо Ўрта Осиёда шунга ўхшаш ва ундан қадимий манзилгоҳлар сони шунчалик кўпки, бу тарзда ҳозирги ва кейинги юз йиллик мобайнида ҳам бемалол йилига биттадан манзилгоҳнинг юбилейини нишонлаш мумкин бўлади.

2003 йилнинг 11 мартида Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасида "История: проблемы объективности и нравственности" ("Тарих: холислик ва маънавият муаммоси") мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди. Россиялик олим А.А.Куртовнинг маърузасида Туркманистонда тарихга "янги" қарашларнинг сиёсат ва мафкурага йўналтирилганлиги қайд этиб ўтилди. Буни "амалда кўз ўнгимизда тарихни қайта кўриб чиқишга уринишнинг ўта бемаъни даражага чиқиши" дея баҳолайди тадқиқодчи. Бугунга келиб туркманлар нафақат дунёда биринчи бўлиб аравани ихтиро қилган ҳамда ўнлаб қадимий ҳамда ўрта аср давлатларига асос солган халқ, балки замонавий инновацияннинг ҳам асосчиси ҳисобланмоқда. Туркманистонда амалга оширилган асосий янгиликлардан бири ҳафта кунлари ва йил ойларининг қайта, жумладан, тарихий номлар асосида номланиши бўлди: август — алп арслон, ноябрь — санжар, январь — туркманбоши. Дастлабки икки ном ўрта аср салжуқий ҳукмдорларининг номлари билан боғлиқ.

А.А. Куртовнинг фикрига кўра, Қирғизистон ва Қозоғистонда ҳам тарихий ҳақиқатни сохталаштириш анчайин оммалашган. Қирғиз давлатчилигининг 2200 йиллиги масаласи ҳамда Олмаотадаги Республика майдонида ўрнатилган сак жангчиси ҳайкалининг замонавий тасвири Беҳистун ёзуви мавзусини "мафқуравий сохталаштирганлиги" факти бунга мисол қилиб келтирилади. Маълумки, Беҳистун қоясида шоҳ Доронинг ғалаба ёзуви тепасида шоҳ Доронинг ўзи ва у маҳв этган исёнкор ҳукмдорларнинг бўртма тасвири акс эттирилган. Мағлуб ҳукмдорлар узун бир занжир ёрдамида бир-бирларига боғлаб қўйилган ҳолда тасвирланган. Мағлублар сафида сакларнинг тиғрахауда уруғи оқсоқоли ҳам тасвирланган. А.А.Куртовнинг таъкидлашича, Олмаотадаги барельефда барчаси аксинча бўлиб, қадимий халқлар саклар йўлбошчисига бош эгиб турганлиги тасвирланган. Қозоғистонда ҳозирги қозоқлар этногенезида саклар катта рол ўйнаган деб ҳисоблайдилар, аммо шу билан бирга, улар бизнингча, сакларнинг тарихдаги ролини бир қадар ошириб юборишади. Персеполдаги Доро I ва Ксеркс саройи деворларидаги бўртма тош тасвирларда саклар аҳмонийларга ўлпон тўлаётган бошқа халқлар сафида тасвирланган. Саклар жасур жангчи ва моҳир чавандоз бўлишган. Машҳур Марафон жангида (мил.авв. 490 й.) саклар қадимги форс шоҳи қўшинининг марказий қисмида муваффақиятли жанг қилганлар. Бу ҳақда Геродот ўзининг "Тарих" китобида ёзиб қолдирганки, бу асар ўта холислиги билан ажралиб туради.

Энди тарихга мурожаат қилишдаги ҳозирги жаҳон тажрибасига мурожаат қилайлик. Жаҳондаги кўплаб мамлакатларда тарих илмий, назарий ва амалий аҳамият касб этади. Француз ва инглиз тарихчилари халқларнинг қайси бири, шу билан бирга, Париж қадимийроқми ёки Лондон, деган масалада мунозара бошлашларини тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Италянлар немисларга қадимги Рим гуллаган даврда германлар ҳозирги Берлин ўрнидаги ёғоч иморатларда яшаганликларини ва гўё ушбу "варварлар" ўз қўшинларини кўролмаганликлари учун Римни вайрон қилганларини вақти-вақти билан эслатиб туришлари мумкинлигини ҳатто амалда ўйлаш ҳам мумкин эмас. Фақат қадим ўтмиш хотиралари билан яшаш, бунинг устига келажак ҳақида ўйламасдан, қўшнилар билан низога зўр бериш соғлом ақлга тўғри келмайди. Шу билан бирга, бир халқнинг иккинчи халқдан тарихий устунлиги ҳақида мақсадли ташвиқот олиб борилиши шовинизмни туғдириши ҳамда оқибатда минтақавий ва жаҳон урушларини келтириб чиқаришига тарихда мисоллар кам эмас. Шу маънода "орийлар" ва "орий ирқи" ҳақидаги назариянинг Иккинчи жаҳон урушидаги бошланишига олиб келганлигини эслашнинг ўзи кифоя. Бугунги кунда Европада бошқача тамойиллар устунликка эга. Тарих Европа интеграциясининг муҳим асосларидан бирига айланди. Бу тарихдан фойдали хулосалар чиқариб олишнинг ёрқин мисолидирки, инсонлар келажак ҳақида ўйлаб, бугуннинг муҳим муаммоларини биргаликда ҳал қилмоқдалар.

Ўрта Осиёнинг тарихий-маданий меросини бўлиш ва ушбу меросни қайси мезон ва аломатларга асосан тақсимлаш масаласини кун тартибига қўйиш ҳамда муҳокама қилиш жоизми? Ундан кўра қадимий тарихий-маданий вилоятларнинг чегаралари Марказий Осиё республикаларининг ҳозирги чегараларига тўғри келмаслигидан далолат берувчи объектив далилларга эътиборни қаратган маъқул эмасми? Мисол тариқасида айтиш мумкинки, Хоразмнинг қадимги шаҳар харобалари Ўзбекистон ва Туркманистон ҳудудларида, Бақтриянинг қадимги шаҳар ва манзилгоҳлари Ўзбекистон, Тожикистон ва Афғонистон ҳудудларида, Сўғдиёна ёдгорликлари эса Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида жойлашган. Худди шунингдек, Шошнинг қадимий шаҳарлари Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларида жойлашган.

Бўлғуси давлат ва халқлар ҳудудий чегараларининг ривожи дастлаб ягона этноснинг жойлашишига боғлиқ бўлмасдан, этник ҳамда маданий жараёнларнинг мураккаб ва доимий янгиланиб туришини акс эттирган. Этник ҳамда давлат-сиёсий чегаралар шаклланишидан анча илгари халқлар жойлашувининг табиий географик чегаралари қайд қилинади ва вужудга келади. Шундай қилиб, ҳудуд маданий, иқтисодий ва ижтимоий алоқаларнинг бошқа турлари ривожи учун асос вазифасини ўтаган. Шуларнинг барини инобатга олган ҳолда, умумий тарихий-маданий мерос ҳақида гапириш лозим. Мингйилликлар мобайнида кўплаб қабила ва халқлар, айниқса, уларнинг аралаш ҳудудда жойлашган вакиллари умумий маданий анъаналарга эга бўлганлар. Уларда ги яқин қўшничилик, узоқ давом этган алоқалар ва ўзаро таъсирлар нафақат маданий, балки этник бирикувга ҳам олиб келган. Бу қабила ва халқлар ҳеч қаерга йўқолиб кетгани йўқ, улар Ўрта Осиёдаги ҳозирги халқларнинг аждодларидирлар ва шу боисдан, масалан, ўзбеклар ва тожиклар орадаги лингвистик фарққа қарамасдан кўпроқ умумий, қадимий этник ўзакка ҳамда умумий маданий анъаналарга эгадирлар.

Аммо ҳозирги алоҳида бир халқ Ўрта Осиё ҳудудида 5 минг йил мобайнида яшаб келганлиги таъкидланар экан ва унинг энг қадимий халқлиги уқтирилар экан, бу ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки у манбалар асосида ўз исботини топмаган. Ўша қадим замонларда ҳали номаълум бўлган қайсидир этноснинг қадимийлиги ҳақидаги масаланинг қўйилиши асоссиздир. Буларнинг бари "Ким соҳибжамол ва оппоқ?..." деган саволга жавоб берган машҳур ойна ҳақидаги эртакни эслатди. Бугун уч нуқта ўрнига "Ким қадимийроқ? саволини қўйишга уринишлар кузатилмоқда. Маълумки, ҳақиқий ойна ҳамиша ҳақиқатни айтади. Фақат қийшиқ ойналар қироллигида бунинг акси бўлган. Қачонлардир бу эртак болалар учун, яъни улар чин ойнани қийшиқ ойнадан, ҳақиқатни ёлғондан фарқлашни ўрганишлари учун ёзилган эди. Бугунги мактаб дарсликлари саҳифаларининг ҳақиқатдан йироқ фактлар билан тўлдирилишини асло хоҳламас эдик. Болалар янги афсоналарни эмас, балки чиқакам тарихни ўрганишлари лозим.

Бизнингча, тарихий ҳақиқат шундан иборатки, у ёки бу вилоят аҳолиси ҳақида ёзма ахборотларга эга бўлмай туриб, биз уларнинг аниқ бир этноснинг, айниқса, бугунги халқнинг вакили эканлиги хусусида сўз юрита олмаймиз. Биз бундан 5-4 минг йил аввал Ўрта Осиёда яшаган қадимги элатларнинг на номини, на тилини биламиз. Бу ҳақда ҳеч қандай ёзма далиллар мавжуд эмас. Бу даврга оид археология материаллари жамият моддий ва маънавий маданиятининг турли томонлари хусусида етарли даражада аниқ фикр юритишга имкон беради. Аммо, ёзувгача бўлган тарих ҳақида гап борар экан, бу ўринда археология манбалари этник индикатор вазифасини ўтай олмайди. У ёки бу археология топилмалари ўзларига тааллуқли бўлган қабилалар, масалан, эрамиздан аввалги 3-2 мингйилликда ва ундан анча илгари яшаган қабилалар, гарчи улар ҳозирги халқларнинг қадимий аждодлари эканликлари шубҳасиз бўлсада, номсизлигича қоладилар.

Тарих қадимги воқеаларнинг ҳаддан ташқари идеаллаштирилиши ва сунъий қаҳрамонлаштирилиши нуқтаи-назаридан яратилмаслиги ва ўрганилмаслиги лозим. Жаҳон цивилизацияси ва умумбашарий тарихий-маданий мерос фақатгина "ўзига хослиги" бошқалардан кўра юқори бўлган айрим халқларнинг маҳсули эмас.

Ўрта Осиё халқлари дунё цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Ушбу жараён кўзбўямачиликдан йироқ аниқ — тарихий тарзда баҳоланиши лозим.

Бу ерда биз минтақавий бирлик ҳақидаги масалага, яхши қўшничилик муносабатларини сақлаб қолишдек долзарб муаммога яна бир бор қайтишимиз лозим. Ушбу муносабатларни сақлаб қолишнинг энг муҳим шартларидан бири тарихга холис ёндашишдан иборат. Битта минтақада яшовчи халқларда тарих ва маданият умумий бўлган ва ҳозир ҳам шундай. Яратувчилик фаолияти ҳамда ҳамкорликнинг чуқурлашувига боғлиқ равишда уларнинг келажаги ҳам умумийдир. Чин реаллик шундан иборатки, ҳеч ким вақтни ақалли бир дақиқага бўлса ҳам тўхтата олмайди, демак шундай экан, ўтмиш воқеаларини ўзгартиришнинг ҳам иложи йўқ. Бу воқеаларни аслида қандай бўлса, шундайлигича холис қабул қилмоқ лозим. Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида қадимги даврларда яшаган инсон биринчи галда меҳнаткаш бўлган. У бинокорлик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган, боғлар барпо этган ҳамда маънавиятга ва янги билимларга интилган. Аммо у ўзининг эзгу ниятлари ва интилишларидан мингйилликлардан кейин ўтмишни бўяб кўрсатиш ва сиёсий кўзбўямачилик мақсадларида фойдаланилиши мумкинлиги хусусида сира ўйламаган бўлса керак.

Яна бир ҳақиқат шундан иборатки, ҳозирги давлатларнинг чегаралари дахлсиздир, тарихий-маданий мерос эса чегара билмайди ва у умуминсоний меросликича қолади.

А.САГДУЛЛАЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Kasb-hunar kollejlarida



Ўзбекистон азалдан каштачилик, зардўзлик, сўзана тикиш, тикувчилик ва гилам тўқиш каби қадимий ҳунармандчилик сирларини эгаллаган моҳир усталари билан шуҳрат қозонган. Буюк Ипак йўли орқали етиб борган хонатлас, қўлда тўқилган гиламлар, чиройли сўзаналар ҳатто Европада ҳам машҳурдир. Илмий-техника тараққиёти бир жойда тўхтаб турмайди. Енгил саноат ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозир тикув машиналарининг келгусида ундан фойдаланувчиларни ўқитиш орқали дастурий таъминотини мунтазам янгилаш борасида муайян ишланмалар мавжуд.

Маълум бўлишича, Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази ва «Пфафф-Зингер» компанияси режасига жорий йилнинг июль ойида германиялик мутахассислар иштирокидаги навбатдаги семинардан ташқари, тиббий йўналишдаги коллежларда тикувчилик синфларини ташкил этиш ҳам киритилган. Бу эса мазкур коллежларда таҳсил олаётган қизларга тиббий билимларни ўрганиши билан биргаликда ҳаётда керак бўладиган тикувчилик касбини ҳам эгаллашига ёрдам беради. Фарғона вилояти Қувасой туманидаги тикувчилик коллежи ана шундай таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Ушбу ўқув юрти директори Бахтиёр Муродов бу ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Биз Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ташаббускори бўлган Юртбошимиздан ёшларимизнинг ҳар томонлама ва шу жумладан, касбий камол топиши тўғрисида кўрсатаётган ғамхўрлиги учун миннатдормиз.

Коллежимиз 1999 йилда ташкил этилган бўлиб, айни пайтда унда тикувчилик мутахассислиги бўйича 210 нафар киши таҳсил олаяпти. Улардан 50 нафари бу йил ўқишни битириб, енгил саноат корхоналарида меҳнат қилади. Ҳозир биз Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази ва «Пфафф-Зингер» компанияси билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдамиз.

2001 йилда «Пфафф-Зингер» компанияси Швейцариянинг жаҳонга машҳур Бернина компанияси ишлаб чиқарган бир синф учун мўлжалланган тикув машиналарини етказиб берди. Улар бир йўла 30 нафар кишини ўқитиш имконини беради. Биласизми, бу техникани биринчи марта кўрганимда, уни ишлатиш қийин бўлади, деб ўйлагандим. Бунгача 20 йил мобайнида ҳамма асосан совет даврида ишлаб чиқарилган ва ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб деярли модернизация қилинмаган тикув машиналарида ишлаган.

Ҳозирги XXI асрда коллежларни қайта жиҳозлаш дастури туфайли фарзандларимиз нафақат тикув машиналарини, балки энг замонавий компьютер асбоб-ускуналарини ҳам муваффақиятли эгаллаётганидан фахрланамиз.

Шунингдек, Интернет тармоғидан расмларни олиб, уларни ўз маҳсулотларимизга тикмоқдамиз. Албатта, бошида бу машиналарда ишлаш анча қийин бўлди. Ўшанда ускуналар монтаж қилиб бўлингач, коллежимиз ўқитувчилари ушбу машиналарнинг бирон-бир нарсасини бузиб қўйишдан қўрқди ҳам. Бу борада «Пфафф-Зингер» компанияси мутахассислари катта ёрдам қилди. Ускуналар монтаж қилинганидан кейин компания бешнафар ўқитувчини Тошкентга таклиф қилди ва қайта ўқитди. Улар эса ўз навбатида болаларни тикувчилик касбига ўқита бошладилар.



Бундан ташқари, ойига бир марта компания мутахассислари бу ерга келиб, ушбу ускуналарнинг дастурий таъминотини янгилайди. Хорижлик ҳамкорларбизнинг бўлган «Пфафф-Зингер» компанияси Тошкентда сервис марказини ташкил қилди. Марказда чет элда малака ошириб қайтган моҳир мутахассислар меҳнат қилмоқда. Улар бизга ҳар доим янги ғояларни таклиф қилади. Келажакда биз ҳам вилоятимизда «Пфафф-Зингер» компанияси билан ҳамкорликда сервис марказини ташкил этишни режалаштирмоқдамиз.

Илгари биз билан шартнома тузган корхоналар буюртмалари эвазига 10 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олардик. Бу бизга 2 та автобус ва битта енгил автомобил харид қилиш имконини берди. Буюртмачилар ҳисобланган йирик ишлаб чиқариш корхоналари учун биз пахта терадиган фартуклар, ҳарбийлар учун ички кийим, кўрпа-ёстиқ жилдлари ва кўплаб бошқа буюмлар тикамиз. Бу йил «Баркамол авлод» республика ўйинларида иштирок этган вилоятимиз жамоаси учун спорт кийимларини тикдик.

1999 йилда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази ва «ТД Пфафф-Зингер» шўъба корхонаси билан ҳамкорликдаги тикувчилик коллежларини қайта жиҳозлаш дастури 65 дан ортиқ коллежда ускуналарни янгилаш имконини берди. Бу эса ўз навбатида, енгил саноат тизими учун Европанинг Пфафф, Бернина ва Хускуарна каби энг яхши фирмаларининг юқори самарали асбоб-ускуналарида ишлаш кўникмаларига эга 5000 нафардан ортиқ мутахассис тайёрлаш имконини берди.

Албатта, бу борада қиладиган ишларимиз ҳали кўп. Бироқ тикувчилик соҳасида кўп йиллик тажрибага эга хорижий ҳамкоримизнинг борлиги республикамизда ушбу тармоқни муваффақиятли ривожлантиришнинг яна бир кафолатидир. «Пфафф-Зингер» компанияси Ўзбекистонда 9 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. 4 йилдан буён эса компания тикув коллежларимиз талабалари ва ўқитувчиларини замонавий тикувчилик ишига ўргатиш услубиятини ишлаб чиқиш масаласи билан шуғулланиб келаётир.



Жамшид РАУПОВ,
ЎзА мухбири

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

ИЖОДКОРЛАРНИ БАҲСЛАРГА ЧОРЛАЙМИЗ!

27 июнь куни оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами муносабати билан пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек боғида уюштириладиган тантаналарнинг янада қизиқарли кечишига «Ma'rifat» газетаси таҳририяти ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқчи. Шу куни у ерда шахмат бўйича «Ma'rifat» газетаси совринлари учун мусобақа ўтказилади. Унда барча ижодкор журналистлар иштирок этишлари мумкин.

Ақл ва ирода баҳси ғолибларини қуйидаги совринлар кутмоқда:

1-ўрин соҳибига — аудиомагнитафон;

2-ўрин соҳибига — «Tefal» чойқайнатгич;

3-ўрин соҳибига — дазмол.

Байрам байрамдек ўтиши, ўз имконият ва салоҳиятингизни синаб кўришингиз учун имкон туғилмоқда. 64 катак мўъжизаларига ихлосманд барча ҳамкасбларимизни баҳсларга чорлаймиз!

Eng ahamiyatli tomoni har bir yo‘nalish vakillari o‘z guruhlarini tuzishdi. Va kelgusida biror sohaga qiziqqan bolalar mana shu guruhlarga qo‘shilib, o‘z faoliyatlarini olib borishadi.

O‘quv jarayonida bolani sub’ekt darajasiga ko‘targan aynan shu yo‘nalish pedagoglari tomonidan birinchi bor e’tirof etilganligini ta’kidlash mumkin.

ЖАЖЖИ САМОЛЁТЛАР ПАРВОЗ ҚИЛДИЛАР

Куни кеча пойтахтимиздаги «Бобур» маданият ва истироҳат боғида «Ёш авиамоделчилар»нинг Республика биринчилиги мусобақаси якунига етди. Халқ таълими вазирлиги, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» марказий кенгаши, Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази ҳамкорлигида ўтказилган бу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан вилоят ва шаҳар миқёсида ғолиб деб топилган иқтидорли ўқувчилар иштирок этишди. Бешта тур бўйича бўлиб ўтган қизиқарли давом этган мусобақа якунида ғолибларга фахрий ёрлиқлар, эсталик совғалари улашилди. Бундай беллашувлар истеъдодли ёшларни аниқлаш, болалар спортини ривожлантириш, авиамодель спортини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шаҳноза ТУРСУНОВА

ИСТЕЪДОДЛИ БОЛАЛАР АНЖУМАНИ

Республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти бўлими “Истеъдод — 2003” иқтидорли болалар анжуманини ўтказди. Анжуман 5 июнь куни Тошкент шаҳридан бошланиб, Янгийўл туманидаги Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежида давом эттирилди.

Мазкур анжуманнинг асосий мақсади ёш авлоднинг юксак орзу-интилишларини мужассамлаштириб, уларнинг ҳаётий манфаатлари ва эҳтиёжларини ифодалаш ҳамда ҳимоялаш, ёш ўғил-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш ва қўллаб-қувватлашдир.

Анжуман “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши биносида иштирокчиларни кутиб олиш билан бошланди. Сўнгра ўзбек адабиётининг мутафаккири, шеърият мулкининг султони, ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Шундан сўнг иштирокчилар пойтахтимиздаги Абулқосим шайх мадрасасида бўлиб, наққошлик, ганчкорлик, кулолчилик ва ҳунармандчиликнинг бошқа санъат асарлари билан танишдилар. Айниқса, иштирокчиларда Ўзбекистон тарихи музейига қилган саёҳатлари ва Аброр Ҳидоятов номидаги театрда намойиш этилган саҳна асари катта таассурот қолдирди.

Анжуманнинг иккинчи кунида болалар Янгийўл туманидаги Гулбаҳор саноат касб-ҳунар колежида ҳунармандчилик, шеърият, техника, мусиқа, спорт ва бошқа йўналишларда ўз истеъдодларини намойиш этдилар.

Халқимизга таниқли бўлган санъаткорлар, адабиёт, театр ва бошқа соҳа вакилларининг анжуманда иштирок этиши эса барча қатнашчиларни руҳлантириб юборди. Энг аҳамиятли томони ҳар бир йўналиш вакиллари ўз гуруҳларини тузишди. Ва келгусида бирор соҳага қизиққан болалар мана шу гуруҳларга қўшилиб, ўз фаолиятларини олиб боришади.

Хуллас “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилган анжуманни келгусида янада кенгайтириш ва ҳар йили анъанавий равишда ўтказиш келишиб олинди. Анжуман 7 июнь куни ўз ниҳоясига етди ва фаол иштирокчилар ҳомийлар томонидан тақдирландилар.

Шерзод АҲМАТОВ,
“Ma’rifat” мухбири

Ko‘rgazma

ЎҚУВЧИЛАР МЕҲНАТИ МАҲСУЛИ

Андижонда бўлиб ўтган «Баркамол авлод»мусобақалари нафақат ўқувчи-ёшларнинг спорт соҳасида қўлга киритаётган ютуқларининг амалдаги кўриниши, балки бугунги ёшларнинг иқтисодий билимларини ошириш билан бирга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаларининг ҳам намойиши бўлди. Шу боис, мусобақалар доирасида ташкил этилган республикамиздаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилар томонидан ишлаб чиқарилган турли саноат ва халқ истеъмоли маҳсулотларининг савдо-кўргазмаси ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Андижон олимпия заҳиралари спорт коллежида республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари устахоналарида тайёрланган 31 млн. 400 минг сўмдан зиёд маҳсулотларнинг савдо кўргазмаси бўлиб ўтди. Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда касб-ҳунар коллежларидаги ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати ва ҳажми кескин суръатларда ортмоқда. Мисол тариқасида, биргина ўтган йилнинг биринчи чорагида таълим муассасалари томонидан 90 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2003 йилнинг шу даврида 137 млн. сўмлик маҳсулот тайёрланди.

— Кўргазмада тикувчилик, заргарлик, тўқувчилик, миллий ҳунармандчилик, гиламдўзлик маҳсулотлари, шунингдек, чилангарлик, қурилиш асбоблари ва бошқа кўпгина турдаги маҳсулотлар намойиш қилинди, — дейди ташкилий қўмита аъзоси, ЎМКҲТМ Ўқув-ишлаб чиқариш бошқармаси бош мутахассиси Тўлқин Миржамолов. — Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда барча касб-ҳунар коллежлари устахоналари замонавий ўқув-ишлаб чиқариш жиҳозлари, дастгоҳлар билан тўлиқ таъминланган. Эндиги асосий вазифа, ушбу имкониятларини оширишдан иборат.

Кўргазмада Қорақалпоғистон Республикасидан 52 турдаги 1 млн. 950,6 минг сўмлик, Сурхондарё вилоятидан 90 турдаги 110 минг сўмлик, Бухоро вилоятидан 75 турдаги 1 млн. сўмлик, Жиззах вилоятидан 76 турдаги 850 минг сўмлик, Сирдарё вилоятидан 57 турдаги 500 минг сўмлик, Тошкент вилоятидан эса 68 турдаги 1360 минг сўмлик маҳсулотлар иштироки кузатилди.

Кўргазмани кўздан кечирар эканмиз, бу ерда Хива гиламларию Фарғона кулолчилик мактабининг илғор намуналари, турли спорт либосларию ўймакорлик, наққошлик, дурадгорлик маҳсулотларини ҳам кўриш мумкин. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Тошкент шаҳар бошқармаси бош муҳандиси Абдураҳим Қосимовнинг таъкидлашича, савдо ярмаркасида пойтахтлик ўқувчилар томонидан тайёрланган 182 турдаги енгил саноат, халқ истеъмоли маҳсулотлари намойиш қилинди. Жумладан, ўнлаб турдаги спорт либослари Сирғали ҳамда Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари томонидан тикилган бўлса, Акмал Икромов миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган ўқувчилар асосан зардўзлик, заргарлик ҳамда попопчилик маҳсулотлари, Тошкент политехника касб-ҳунар коллежи ўқувчилари эса тикув маҳсулотлари, Тошкент рассомчилик коллежи ўймакорлик ва кулолчилик буюмларини харидорларга туҳфа этишди. Тошкент темир йўллари касб-ҳунар коллежида тайёрланган металга ишлов бериш ва асбобсозлик материаллари эса таълим муассасалари ўқув-ишлаб чиқариш амалиётида илк бор қўлланилаётган тажрибалардан биридир.

Наманганликлар кўргазмасидан спорт либослари ва буюмлари ўрин эгаллаган бўлиб, унинг сабабини вилоят ЎМКҲТ бошқармаси ишлаб чиқариш бўлими бош мутахассиси Исмонжон Ризаев шундай изоҳлади:

—Ҳозирда спорт либослари ва буюмларига талаб катта. Биз «Баркамол авлод» таркибига киритилган 14 спорт турига мослаб либослар тайёрладик. Хусусан, Чортоқ ва Косонсой маиший хизмат касб-ҳунар коллежларида тикилган спортчилар либослари ва сумкаларига харидор кўп. Шу йилнинг ўзида вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан сурхондарёлик ўқувчилар учун 2 млн. сўмлик, жиззахлик ўқувчилар учун 1,5 млн. сўмлик, ўзимизнинг вилоят мактаб ўқувчилари учун 2 млн. сўмлик спорт либослари ва сумкалари тайёрланиб етказиб берилди.

Муҳаммад АЗИМ,
«Ma’rifat» мухбири

САМАРА СИФАТГА БОҒЛИҚ

Oliy Majlisda

“Таълим сифатини ошириш унинг кейинги самарасини белгилайди. Шу боис мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида аввало таълим сифатини яхши йўлга қўйиб олиш лозим”. Куни кеча Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг Жиззах вилоятида ижро этилиши ҳақида ўтказилган йиғилиш қўмита раиси Нарзулла Жўраевнинг мазкур сўзлари билан бошланди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда таълим тизимида туб ислоҳотларни амалга ошириш борасида босқичма-босқич муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилаётир.

Маълумки, бугунги кунда Жиззах вилоятида 212 та мактабгача таълим муассасаси, 537 та умумтаълим мактаби, 38 та мактабдан ташқари таълим муассасаси, Жиззах давлат педагогика ва политехника институтлари, 34 та ўрта махсус таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Лекин, улар фаолиятида “Таълим тўғрисида“ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси қай даражада амалга оширилаяпти? Сўзга чиққан Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари Сайёра Тўйчиева мазкур мавзуда батафсил тўхталди.

— Вилоятимизда иқтидорли ўқувчиларни танлаш ва уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Айни пайтда умумий таълим муассасаларида 4 мингдан ортиқ иқтидорли болалар таълим олаяпти. Ушбу таълим муассасаларини битирган ёшларнинг 50 фоиздан ортиғи олий ўқув юртларга кирган. Шунингдек, умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштириш ва таълим самарадорлигини ошириш бўйича Давлат таълим стандартлари асосида ижтимоий, табиий фанлар бўйича ҳар бир синф учун ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган минимал талаблар ҳамда намунавий назорат материаллари ишлаб чиқилгани қўл келмоқда, — дейди С.Тўйчиева. — Айниқса, “Таълим тўғрисида“ги қонуннинг ижро этилиши бўйича Жиззах давлат педагогика институтида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Давлат бошқаруви маҳаллий идораларининг вилоят ҳудудида таълим тармоғини ривожлантиришга бўлган эътиборлари анча ортган. Ва бир қатор туманлар ҳокимликлари билан кўп йиллик ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузишган. Хусусан, халқаро ”Сорос“ жамғармаси қошида 46 нафар ўқувчининг уч ойлик курсни битириб келишгани ва жамғарманинг институтга 5202 доллар инвестиция қилгани эътиборга моликдир.

Шунингдек, йиғилишда вазирликлар, ташкилотлар ва муассасалар вакиллари ҳам Жиззах вилоятида “Таълим тўғрисида“ги қонун ижроси бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди ҳамда бу борада қатор камчилик ва муаммолар ҳам борлигини таъкидлашди. Хусусан, вилоятдаги мавжуд 537 та умумтаълим мактабларининг 62 фоизи мослаштирилган биноларда жойлаштирилгани, ўқувчи ўрни етишмаслиги туфайли 55 фоиз мактаб 2 смена ишлаши ва ўқувчиларнинг 28,5 фоизи иккинчи сменада шуғулланиши вилоятда ҳали қилинадиган ишлар анча эканини билдиради. Шунингдек, “Жиззахкитобсавдо” ҳиссадорлик жамиятининг айланма маблағлари йўқлиги учун 2002 йилдан бошлаб таълим муассасаларига дарслик ва қўлланмалар сотишини ташкил этишда қатор муаммолар пайдо бўлган. Шу боис вилоятга 1-11-синф ўқувчилари учун нашр этилган дарсликларни етказиб бериш Тошкент шаҳар “Китобсавдо” ҳиссадорлик жамиятига юклатилган. Вилоятда ўқувчи ёшларни дарслик билан таъминлаш ишига жавобгар ташкилотнинг ўзи йўқлиги ҳам ачинарли ҳол сифатида баҳоланди.

Шундай қилиб, йиғилиш сўнггида “Таълим тўғрисида“ги қонуннинг Жиззах вилоятидаги ижроси мобайнида муайян ютуқларга эришилгани, шу билан бирга талай камчиликлар борлиги эътироф этилгани ҳолда бу борадаги қўмита қарори муҳокамага қўйилди. Қарор тегишли вазирликлар, ташкилотлар ва муассасалар вакилларининг таклифлари инобатга олинган ҳолда қабул қилинди.

Шерали НИШОНОВ,
“Ma’rifat” мухбири



Ўқитувчилар ўз ўқувчиларини ҳаёт йўлига йўллашаётганда «олган билимингизни оқланг, ҳаётда ўз ўрнингизни топинг», дея такрор ва такрор айтадилар.

Суратда: Жиззах вилояти Зомин туманидаги 31-мактаб директори Зулҳайдар Қурбонбоев битирувчиларга оқ йўл тилаб, шаҳодатномаларни топширмоқда.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

СУБЪЕКТ ВА ОБЪЕКТ ТУШУНЧАСИ

ёхуд таълим жараёнида ўқувчи мавқеи қандай бўлиши керак?

Fikr

Жараён — бу яхлит педагогик ҳодиса ва педагогик фаолият акти сифатида таълим тизими ҳолатининг алмашишидир. Уни педагогика фанида қабул қилинган қуйидаги рамзий формула ёрдамида ифодалаш мумкин:

Дж = М + Ўф + Б:

Дж — дидактик жараён; М — ўқувчининг ўқишга бўлган мотивацияси; Ўф — ўқувчининг ўқув фаолияти; Б — ўқув фаолиятининг бошқарилиши.

Ўқувчининг фан (мавзу)га бўлган қизиқишини ҳар доим ўқитувчи таъминлайди. Бунинг учун у зарурий ўқитиш методларидан (муаммоли, тарихий материалдан фойдаланиш, аудиовизуалли таълим ва б.) самарали фойдаланади. Демак, бу босқичда ўқитувчи — субъект, бола шахси — объект экан.

Дидактик жараённинг иккинчи босқичи — ўқув фаолияти мутлақ ўқувчига тегишли фаолиятдир. Бу ерда ўқувчи — субъект мавқеини эгаллайди, объект эса — ўқув материаллари ҳисобланади. Ўқитувчи бу босқичда назоратчи — мувофиқлаштирувчи функцияни бажаради ва шубҳасиз, субъект мақомини эгаллайди. Айнан шу босқичда “субъект-субъект” тизими ишга тушади.

Учинчи босқич — ўқув-билиш фаолиятини бошқаришда икки ҳолатни кузатиш мумкин: бу фаолиятнинг ўқитувчи томонидан бошқарилиши ёки ўқувчининг ўз-ўзини бошқариши. Биринчи ҳолатда ўқитувчи — субъект, ўқувчи — объект мавқеини эгаллашини фарқлаш қийин эмас. Иккинчи ҳолатда ўқувчиларга берилган топшириқ эталонлари ёрдамида улар ўз-ўзини бошқариш имкониятига эга бўладилар. Демак, бу ерда ўқувчининг субъектга айланиши кузатилади. Шундай қилиб, дидактик жараён тузилмасини таҳлил қилиш асосида ўқувчи шахсининг субъект ёки объект мавқеларини эгаллаши учун нисбийлик моментини аниқлаш мумкин экан.

Фақат шу ҳолатларни ўзида аниқ тасаввур этган амалиётчи, ижодкор ўқитувчиларгина янги педагогик технологияларни жорий этиш имкониятига эга бўладилар.

Нурали САЙИДАҲМЕДОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор
Абдураҳмон ОЧИЛОВ,
Иштихон туманидаги 24-мактаб директори, педагогика фанлари номзоди

Мамлакатимизда таълимнинг янги тизими жаҳон таълим фазосига қўшилишга йўналтирилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида шаклланиб бормоқда. Иккинчи босқичда белгиланган асосий вазифалардан бири ўқув-тарбия жараёнини педагогик технология “рельс”ига ўтказишдир. Бу жараён осон кечмайди, албатта. Бунинг учун эса, аввало, ихтиёрий тарзда қурилаётган ва жорий этилаётган ўқитиш тизимини қатъиян илмий асосланган, муайян педагогик тизим доирасида кечадиган дидактик жараёнга айлантирмоқ зарур. Айниқса бу жараён босқичларида ўқитувчи ва ўқувчининг ўрнини аниқ белгилаб олиш жиддий педагогик муаммо бўлиб, кўзланган мақсадга эришишни кафолатлашга замин яратади.

Кейинги вақтларда технологияга оид педагогик нашрларда (“Маърифат“, “Учитель Узбекистана”, “Халқ таълими“ ва б.) эълон қилинаётган мақолаларда, ўтказилаётган илмий анжуманларда ўқитиш жараёнини “субъект-субъект” тизими асосида ташкил этиш зарурати қайд этилмоқда ёки ўқувчи шахси алоҳида “субъект” сифатида эътироф этилмоқда. Мисол учун, педагог-олим Б.Адизовнинг таъкидлашича, “фан соҳасида қўлланиладиган методларни таълим жараёнига олиб кириш, ақлий фаолият усулларини болаларга ўргатиш йўллари билан ўлар таълимнинг **ўқитувчи билан тенг ҳуқуқли субъектига айланади** (таъкид бизники — Н.С.“Халқ таълими”, 2002, № 1-сон) Яна бир жонкуяр амалиётчи — Й.Асадовнинг “даъвоси”да ҳам бу ҳолат яққол кўзга ташланади (қаранг: “Маърифат кўзгуси”, Бухоро, 2000, 3-сон).

Бу постулат нечоғлик асосли? Педагогикада қачондан бошлаб ўқувчи “субъект” сифатида эътироф этилган? Анъанавий (синф-дарс) тизимда ўқувчи мавқеи қандай баҳоланган?

Дастлаб мавзуни анъанавий ўқитиш технологияси доирасида тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Педагогика инсоний фаолият соҳаси сифатида ўз тузилмасида жараён субъектлари ва объектларини мужассамлаштириши табиий. Анъанавий технология ўзида биринчи галда авторитар педагогика талабларини ифода этади, ўқитиш ўқувчининг талаб-эҳтиёжлари, хоҳиш-иродалари, туғма истеъдод нишоналари, сўров ва талаблари билан бирмунча кучсиз боғланади, ўқувчи шахсининг индивидуал қобилиятларини юзага чиқариш, ижодий фаолият кўрсатишга шарт-шароитларнинг йўқлиги кузатилади.

Ўқитиш жараёнининг “авторитаризм”лиги қуйидагиларда намоён бўлади:

— фаолиятнинг чегараланганлиги, ўргатиш амалиётларининг мажбурийлиги;

— назоратнинг марказлаштирилганлиги;

— ўртача ўзлаштирувчи ўқувчига мўлжалланганлиги;

— ўқувчи бўйсунадиган объект ва ҳоказо.

Анъанавий ўқитиш технологиясининг камчиликлари тизимли ёндашув асосида биз томонимиздан бирмунча тўлиқ таҳлил этилган (қаранг: “Педагогикада янгича фикрлаш“. — Т., “Истиқбол”, 2002 й.) Шу билан бирга анъанавий — синфдарс тизимининг ютуқларидан ҳам кўз юмиш мушкулки, у оммавий мактабларда ўз мавқеини сақлаб турибди:

— ўқитиш жараёнида ўқитувчи шахсининг доимий ҳаяжонли (эҳтиросли) таъсири;

— ташкилий аниқликнинг кучлилиги;

— ўқитишнинг изчил амалга ошиши;

— ўқув материалининг тартибли, мантиқий узатилиши;

— оммавий ўқитишда ресурслар(вақт, куч, энергия)нинг мақсадга мувофиқ сарфланиши.

Хуллас, таъкидланганидек, анъанавий субъект-объект педагогикасида (Я.Коменский, И.Гербарт) ўқувчига объект роли ажратилиб, катта авлод (ўқитувчи) унга тажриба узатади.

XX аср бошларида бу тизим ҳаётдан, бола талаблари ва қизиқишларидан ажралиб қолаётганлиги учун қаттиқ танқидга учради. Бу танқиднинг яна бир сабаби — болани ақлий фаолиятга чорламасдан тайёр билимларни узатиш мақсадига қаратилганлиги, тафаккурнинг ривожланиши таъминланмаслиги боис у авторитар эди. Шундай қилиб, ўтган аср бошларида янгича ёндашувлар пайдо бўлди. Улар ичида америкалик педагог Дж.Дьюи асос солган “педоцентрик дидактика” (тараққийлашган, ислоҳотчиликка асосланган, ишчанлик орқали ўқитиш) алоҳида ўрин тутади. Олим ўқитиш жараёнини боланинг қизиқишлари ва қобилиятлари талабларидан келиб чиққан ҳолда қуриш лозимлигини уқтиради. 1916 йилда Дж.Дьюининг “Демократия ва таълим. Таълим фалсафасига кириш” китоби нашр этилди ва у педагоглар жамоасида катта қизиқиш уйғотди. Унинг қиммати шунда эдики, педагогик тафаккурга гуманистик (инсонпарвар) ғояларни олиб киришга ҳаракат қилинади: эркинлик, мустақиллик, боланинг ҳурлиги, унинг қизиқишларини улуғлаш ва ҳ.к. Унинг фикрича, болани ҳаётга тайёрлай бориб, уни демократияга тайёрлаш учун мактабнинг ўзи демократик бўлиши керак, яъни:

— юқоридан босим ўрнига — ўзини намойиш қилиш ва хусусий шахсиятни орттириш;

— матн ва ўқитувчи орқали ўқитиш ўрнига — хусусий тажрибасига таянган ҳолда ўқиш;

— алоҳида кўникма ва малакаларни машқ қилиш ўрнига — уларни ўқувчи учун бирмунча ҳаётий аҳамият касб этганлари билан алмаштириш асосида ривожлантириш;

— турғун (ҳаракатсиз) мақсад ва ўқув материаллари ўрнига — ўқувчиларни узлуксиз ривожланаётган дунё ва ундаги ҳаёт мазмуни билан таништириш ва ҳоказо.

Шу билан бирга бу ғоя ҳам кўп жиҳатдан танқидга учради: ўқитувчи мавқеининг пасайиши, таълимда изчилликнинг камайиши ва ҳоказо.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, янги педагогика вакилларининг фикрича, дидактиканинг асосий муаммоси — ўқитиш жараёни боланинг фаоллиги орқали амалга ошади. Демак, ўқув жараёнида болани субъект даражасига кўтарган айнан шу йўналиш педагоглари томонидан биринчи бор эътироф этилганлигини таъкидлаш мумкин.

XX асрнинг охирига келиб, аниқроғи, 80-йилларда Россияда “ҳамкорлик педагогикаси” пайдо бўлди ва унинг мағзига айнан “педоцентрик дидактика“ ғояси асос қилиб олинди. Унинг вакиллари — новатор-педагоглар Ш.Амонашвили, Н.Пальтышев, В.Давидов, И.Волков, С.Лисенковалар таълим мақсадини қуйидагиларга йўналтирдилар:

— талаблар педагогикасидан муносабатлар педагогикасига ўтиш;

— болага инсонпарварлик нуқтаи назардан ёндашиш;

— таълим ва тарбия бирлигига эришиш.

Ҳамкорлик педагогикаси асосида катталар ва болалар ҳамкорлигини ривожлантирувчи фаолият сифатида қараш, ўзаро англашувчанликни мустаҳкамлаш, бир-бирининг маънавий дунёсига кириб бориш, бу фаолиятнинг бориши ва натижаларини биргаликда таҳлил этиш ётади. Ҳамкорлик аслида муносабатлар тизими сифатида кўп қирралидир, бироқ унда асосий ўринни “ўқитувчи-ўқувчи” муносабатлари эгаллайди. Юқорида таъкидланганидек, анъанавий ўқитишда ўқитувчига педагогик жараённинг субъекти, ўқувчига эса объекти сифатида қаралган. Ҳамкорлик концепциясида бу ҳолат қисман алмашади, яъни ўқувчи ўз ўқув фаолиятининг субъекти ҳисобланади. Шу боис бир жараённинг икки субъекти ўзаро ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда бири иккинчисидан устунликка йўл қўймаган ҳолда ҳаракат қилишлари лозим.

Шундай қилиб, ўқув-билиш жараёнида ўқувчи шахсининг субъект сифатида эътироф этилишини замонавий педагогик технология назариясига тегишли концепция, деб қараш ярамайди. Чунки педагогик технология бугун пайдо бўлган феномен эмас, у ҳар доим ва ҳар вақт таълим-тарбия бор жойда иштирок этади. Ёхуд ўқитиш (тарбия) жараёни мутлақ технологик жараёндир. XX асрда таълимни технологиялаштиришга бўлган уриниш ва йўналишлар ниҳоятда кўп бўлган, бугун ҳам давом этмоқда ва келажакда ҳам давом этади. Анъанавий ўқитиш тизими ҳам анъанавий технологиядир.

Энди замонавий педагогик технологияда ўқувчи ва ўқитувчининг тутган мавқеини аниқлаштиришга ҳаракат қилайлик. Дастлаб фалсафий луғатга мурожаат қилган ҳолда субъект ва объект тушунчаларининг моҳиятини белгилаб оламиз.

Субъект — (юнонча - subjectum) — 1 ташқи борлиқни (оламни) билишга интиладиган ва ўз амалий фаолияти билан унга таъсир кўрсатадиган инсондир; 2) қандайдир хусусиятларни ташувчи инсон, шахсдир.

Объект — (юнонча-objectum) - 1) биздан ташқарида мавжуд ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ташқи олам бўлиб, билишнинг, шунингдек, субъектнинг амалий таъсир предмети ҳисобланади; 2) қайсидир фаолият йўналтирилган предмет, ҳодиса.

Борлиқни англаш билиш субъекти ва объектларининг ўзаро ҳаракати маҳсули ҳисобланади. Билиш субъекти — бу онгли ва билимлар тизими билан қуролланган, фаолият усулларини эгаллаган инсондир. Субъектга қарши турадиганларнинг барчаси — бу объектдир. Шу билан бирга “субъект” ва “объект” тушунчалари ўртасида нисбийлик моменти мавжуддир: агар бирор нарса бир муносабатда объект сифатида намоён бўлса, бошқа муносабатда субъект бўлиши мумкин. Бу ҳолат инсон, унинг фаолиятига ҳам тегишлидир. Шу ўринда таниқли немис файласуфи Л.Фейербахнинг қуйидаги фикрини келтириш жоиз: “ўзим учун “мен” — субъектман, бошқалар учун эса — объектман, хуллас, “мен” ҳам субъект, ҳам объект ҳисобланаман”.

Демак, инсон турли ҳолатларда турлича — бирида субъект, бошқа ҳолатда объект сифатида ҳам намоён бўлиши, фаолият кўрсатиши мумкин экан. Хўш, педагогик жараёнда ўқувчи қачон субъект ва қачон объект бўла олади? Қандай қилиб нисбийлик моменти аниқланади?

Маълумки, ҳар қандай таълимий технологиялар асосини чегараланган вақт доирасида амалга ошириладиган дидактик жараён ташкил этади.

TENGI ЙЎҚ БЕШ ЙИЛИМ

Умримнинг ҳеч бир беш йилини университетда ўтган йилларга тенглаштира олмайман. Чунки...

Биринчи синфлигимиздан бизни пахта теримига жалб этган. Юқори синфларга борганда пешиндан кейин далага чиқмасдим. Қишлоғимизга вакил қилиб қўйилган муаллимга жавобим тайин эди: мактаб бизга тушгача хўжайин! Шу-шу бу ўқитувчи мени ёмон кўрди. Мактабни битириб, журфакка ҳужжат топширганимда, жўраларим орқали қишлокдан ўша муаллимнинг гапи етиб келди: «Медаль олгани билан, университетда иншодан ҳеч ким беш ололмайди, ҳамма қатори тўртта имтиҳон топширади, барибир, кўрасизлар...»

Шу сабаб иншо баҳоси мен учун ҳаёт-мамот масаласидек эди гўё. Иншони-ку ёзарсан, лекин «беш»ни қўйишса оласан-да, дейдиган одам йўқ.

Адолат бор экан. Орзумга етдим. Лекин тақдиринг яхши одамлар қўлига тушсагина адолат бўлиши мумкин. Кейин аниқласам, Фат-ҳиддин Насриддинов домла «Ҳа, мен журналист бўлмоқчиман!» деган жумла билан тугалланган иншом учун «беш» қўймаса бўлмайди, деб талашибдилар, ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича ўша йилги имтиҳон комиссиясининг раиси Озод Шарафиддиновга ўқитиб, у кишининг ҳам розиликларини олишга эришибдилар. Иншо баҳоси айтилган куннинг эртасига ўзбек тили ва адабиётидан оғзакини Анвар Каримов билан бир тилшунос опахонга топширдим. Улар жавобларимга қараб мени комиссия раиси Озод Шарафиддинов билан у кишининг ўринбосарлари Умарали Норматов ҳузурларига олиб боришди. Иншонинг ҳам ҳурмати бўлди, чамамда, бундан ҳам «беш» олиб, тарих ва чет тили бўйича имтиҳон топширишдан қутулдим – 9 август куниёқ ўқишга кирганим аниқ бўлди .

Шунинг учун университет менинг кўнглимга чинакам адолат тимсоли бўлиб бир умрга ўрнашган. Кейин ҳам беш йил ўқиб, бирон-бир фан муаллими менга баҳо қўйганда адолатсизлик ё тама қилганини кўрмаганман.

Шу мўътабар даргоҳда қишлокда номларини эшитганда, телевизорда кўрганда, газета-журналда бирон нарсасини ўқиганда юракларимиз ҳаприқиб кетадиган, умрини илму маърифат йўлига тиккан не-не зотларни кўрдим, кўпларидан таълим олдим.

Бир гал университет ҳовлисида ректоримиз – академик Тошмуҳаммад Саримсоқовга салом берганимда, қўл чўзиб сўрашганлар. Айрим катта-катта домлаларимиз билан трамвайда бирга университетга қатнаганмиз. Бир сафар трамвайда Зуҳриддин Исомиддинов деган курсдошимиз Расул Муҳаммадий домлага билет олган.

– Ие-ие, гоҳ пирдан, гоҳ муриддан, дегандай, бу гал сиздан бўпти-да. Майли-майли, таксига чиққанда «пир»дан бўлади-да, ро-

Ehtirom

зимилар? – деганлар ҳазиллашиб.

Бу гаплардан мурод шуки, университетда олим аҳлининг кўп камтар одамлар бўлишини ичдан ҳис қилганман.

Бир муаллимдан: «Ўзбек филологияси, география, математика, физика каби факультетлар педагогика институтларида ҳам бор, университетда ҳам, фарқи нимада?» – деб сўраганмиз. Шунда у киши: «Институт педагог тайёрлайди, университет – олим-педагог», – деб жавоб берган.

Шу фикр ҳануз мени тарк этмайди: университет деса, олимлар тайёрлайдиган даргоҳни тушунаман. Назаримда, ҳатто, журфакда ҳам ўқув дастурлари шунга мувофиқ тузилгандай эди: беш йил мобайнида нимаики ижодий иш ёзган бўлсак, уни минбардан ўқиб берар эдик, дарсда курсдошлар муҳокама қилиб, ютуқ-камчилигини юз-кўзинг борми демасдан қарс-қарс айтар эди. Ижодий мавзулар рўйхати берилар, ҳар ким ўзига ёққанини танлаб олар эди.

Бор гапни борича айтиш керак. Университетда ўша 70-йиллар биринчи ярмида ҳам зимдан зиёлиларимиз имкон қадар ўзбек халқи мақсад ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган ғояларни ёшлар онгига сингдириш учун кураш олиб борар эди. Бундай ғоя эса моҳиятан ҳукмрон мафкурага ё зид бўларди, ё камида у билан чиқиша олмас эди.

Умумлаштириб ифодаланса, биз талабалар – Файбулла Саломовдан: «Ўзбек тили – амалда ҳар қандай лисондаги матнни тўла ифодалай оладиган қудратга эга буюк тил, ҳеч кимнинг уни заррача камситишга ҳаққи йўқ!» деган ҳақиқатни; Нажмиддин Комиловдан: «Ўзбек тилида қалам тебратадиган ижодкор, аввало, эски ўзбек тилини, араб алифбосини, мумтоз адабиётни, иложи бўлса, форсий тилдаги шеъриятни, тасаввуфни яхши билиши керак!» деган ўгитни; Талъат Солиҳовдан: «Қайси тузумда яратилаётганидан қатъи назар, чет эл сўз санъатида рўй бераётган ўзгаришларни ўзлаштирмай туриб ўзбек адабиёти, жумладан, публицистикаси замон талаб қиладиган даражада тараққий этиши мумкин эмас!» деган ғояни; Бегали Қосимовдан: «Жадид адабиёти амалда миллатни уйғотишга қаратилган эди, унинг ғоялари халқнинг ички эҳтиёжи ҳосиласи янглиғ пайдо бўлган, Чўлпон, Фитрат...-лар ижодини ўрганиш, халқ мулкига айлантиришдан кўрқиш учун ҳеч қандай асос йўқ!» деган ғояни юқтирганимиз рост.

Миртемир, Воҳид Зоҳидов, Мирзакалон Исмоилий, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби соҳиби қаламларни ҳам илк бор шу олий даргоҳда кўриб, ёниқ учрашувлардаги суҳбатларига мушарраф бўлганмиз...

Хизмат юзасидан кўп ерда маъруза ўқишга тўғри келади. Этлар ўлиб, ҳаяжонлар сўнган. Лекин қачон жонажон университетимизда сўзлашга тўғри келган бўлса, ҳар гал мени яна қайтадан устозларга имтиҳон топшираётгандаги болаларча ҳаяжон босади.

Назаримда, энди умримнинг охиригача шундай бўлаверади...

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари номзоди, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари.

Tarbiyaviy soatlarda

ҲУНАРСИЗ ОДАМ ДОИМ МАШАҚҚАТ ЧЕКАДИ

Гиёҳвандликка қарши кураш давримизнинг энг долзарб масалаларидан биридир. Бу ҳақда мактаб ўқувчилари билан фақат ўқиш вақтида эмас, таътил кунларида ҳам суҳбат уюштириш керак. Негаки, айрим ўқувчилар таътилда бекорчиликдан зарарли одатларга ўрганиб қолишлари мумкин. Бунинг олдини олиш мақсадида ёзги оромгоҳларда, мактабдаги ва мактабдан ташқари туман, вилоят, шаҳар болалар ижодиёт марказларида тез-тез ушбу мавзуга бағишланган фильмлар, саҳна кўринишлари намойиш қилинса, ўқувчилар баҳс-мунозара орқали ўзларига керакли хулоса чиқарсалар, фойдадан холи бўлмайди.

Пойтахтимиздаги 274-мактабнинг олий тоифали она тили ва адабиёти муаллимаси, халқ таълими фидойиси Ёқутхон Мўминова қарийб 20 йилдирки, "Ёш актёрлар" драма тўгарагини бошқариб келади. Тўгарак аъзолари учун бир неча сценарийлар ёзиб саҳналаштирган. "Қуруқни тўғрилар фақат ўт-оташ" номли саҳна кўринишидан оромгоҳлардаги машғулотларда фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиб, тадбир сценарийсини таълим ходимлари эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Оромгоҳдаги 14-17 ёшли дам олувчиларни қизиқишларига кўра 3 гуруҳга ажратиб 1-гуруҳга "Аср вабосига мубтало бўлишнинг оқибатлари" мавзусида иншо, рисола ёзиш топширилади. 2-гуруҳдагилар шу мавзуга оид расм чизадилар, 3-гуруҳдагилар эса саҳна кўриниши тайёрлайдилар.

Аввал иншолар ўқилади, рисолалар ҳимоя қилинади, расмлар кўргазмаси ташкил қилиниб, айрим расмлар шарҳланади. Сўнг саҳна кўриниши намойиш қилиниб, дам олувчилар оқловчи ва қораловчиларга ажратилиб, баҳс уюштирилади.

Азиз: - Дада, менга пул керак?

Ота: - Нега?

Азиз: - Мактаб таъмири учун 3000 сўм, фаррошга 300 сўм, обунагаям, винеткагаям, синфдошларимнинг туғилган кунларига 1000 сўмдан.

Ота: - Ҳаммаси майли-ку, синфдошларингнинг туғилган кунига нима бор, пул йўғида, кўрпангга қараб оёқ узатсангчи?

Она: - Бу нима деганингиз, дадаси, нима ўртоқларидан ажралиб қолсинми? Уззукун телевизорга тикилмасдан ишланг-да.

Ота: - Бекор ўтирганим йўқ. Ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа телефон қиляпман, тузукроқ иш йўқ. Топаётган вақтимда овозинг чиқмасдику! Намунча ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ дейсан? Ўчир овозингни!

Она: - Сизга тўғри гапни айтишга юрагим безиллайдиган бўлиб қолди. Топган маошим рўзғорга зўрға учма-уч бўлаяпти, бўлмаса, айрим аёлларга ўхшаб мен ҳам чет элга бориб ишлаб келай.

Ота: - Эй, бор, хоҳлаган жойингга бор!

Азиз: - Дада, мен нима қилай?

Ота: - Кап-катта йигит бўлиб қолдинг, ишла!

Азиз: - Мактаб-чи?

Ота: - Ўқиганинг билан шаҳар олиб берармидинг?

Она: - Вой, вой, бу нима деганингиз? Қонунда, Ҳадиси шарифларда болани вояга етгунча боқиш, тарбиялаш, илм-ҳунар ўрганиш ота-онанинг вазифаси ҳисобланади, дейилган. Айнитманг, ўқисин.

Ота: - Хархашаларинг жонимга тегди. Чой ичмасам қутуламанми? (Аччиқланиб чиқиб кетади)

Она: - Азиз, отангдан хафа бўлма, жаҳл устида айтдилар. Тирикчилик тошдан қаттиқ, дейишади, қийналиб юрибдилар. Бугун мен, худо хоҳласа, маош оламан, эртага олиб чиқарсан.

Азиз: - Ойи, барибир, ишлашим керак, шекилли. Ўтган куни спорт тўгараги раҳбари ҳам тўлов муддати етиб келганини эслатган эди.

Она: - Ўғлим, бу ойда тўгаракка бормай қўя қол, кейинги ой бир гап бўлар.

Азиз: - Майли, мен кетдим. (Азиз йўлда синфдоши Аброрни учратади).

Азиз Абрордан мактабга қатнамаётгани сабабини суриштирганда, у ишлаётганини айтади, иш масаласида Азизга ҳам ёрдам бериши мумкинлигини сўзлаб, унга дискотекадан иш топиб беради. Азиз у ерда тамаки чекишни, спиртли ичимликлар истеъмол қилишни ўрганади. Бекордан-бекорга дарс қолдириб, мўмай пул топиш йўлларини излай бошлайди. Синф раҳбари Азиздаги бу ўзгаришлардан хавотирланиб, ота-онасига мурожаат қилади, ота эса на онанинг, на ўқитувчининг гапларига қулоқ солади, рўзғор тебратишда ўғлининг ёнига кирганига хурсанд бўлади. Йигит секин-аста гиёҳванд моддаларни ҳам истеъмол қилишга ўрганиб, боридан ажрайди. Аброрнинг акаси учун шундай қулай имконият керак эди. Анвар Азизга агар чекишни хоҳласа хумори тутиб чидай олмаётган бўлса, мактабдаги ўзига тўқ хонадонларнинг фарзандларини ҳам дискотекага олиб келишини буюради. Мабодо рози бўлмаса, мактабга, маҳаллага, ота-онасига айтиб шарманда қилиши мумкинлиги ҳақида гапириб, Азизни қўрқитади. Ноилож қолган Азиз Анварнинг гапларига рози бўлади ва ўзини хароб қилади.

Дам олувчилар оқловчи ва қораловчи гуруҳларга ажратилиб, шу саҳна кўриниши бўйича баҳс-мунозара ўтказдилар.

Тарбиячи: - Анварнинг бу йўлга киришга ким сабабчи деб ўйлайсиз?

Қораловчи: - Менинг фикримча, ўқувчининг бу йўлни танлашига отаси сабабчи, деб ўйлайман. Чунки ота ишламайди, онанинг топгани рўзғордан ортмайди, отанинг ибрати — болага мактаб, деб бежиз айтилмаган. Ҳадисларда болаларнинг солиҳ, қобил бўлишлари Аллоҳ Таолонинг тавфиқи билан бўлади, аммо уларни боқиш, уларга ахлоқ-одоб ўргатиш оталарнинг вазифаси ҳисобланган.

Оқловчи: - Мен бу фикрга умуман қўшилмайман. Бизнинг дунёга келишимизга сабабчи бўлган оталаримизни айблашга ҳаққимиз йўқ. Улар бизга ёмонликни раво кўрмайдилар.

Қораловчи: - Мен кўпроқ отани айбдор деб биламан, сабаби ота фарзандига ҳунар ўргатганида, тарбия берганида бола бу йўлни танламасди. Саъдийда шундай фикрлар бор:

Кимга ёшлигидан берилмас одоб,
Улғайгач бўлади бахтсиз, дили ғаш.
Ҳўл новда эгилар, қай хилда эгсанг,
Қуруқни тўғрилар фақат ўт-оташ.

Оқловчи: - Тўғри, отаси ҳам озгина бўлса-да айбдор. Лекин ҳаёт қийинчиликларидан, тошдан қаттиқ тирикчиликдан қийналгани учун балки индамагандир, ўғли ўз йўлини топар, деб ўйлагандир?

Қораловчи: - Мана, ҳозир кўпчилик ота айбдор, деб ҳисоблаяпти, мен Азизнинг ўзи айбдор, деб ҳисоблайман. Тўғри, Азиз аъло баҳога ўқийди, лекин иродасиз, чунки иродасиз одам озгина машаққатга ҳам асир бўлиб қолаверади. Дискотекага бориб ишламаса, бозорда арава тортиши ҳам, кўчада машина ювиши ҳам мумкин эдику. Масаланинг иккинчи томони, у данғаса, оғир меҳнат қилишга тоби йўқ.

Оқловчи: - Бир нарсага фикрингизни қаратишни хоҳлайман. Нима бўлганда ҳам, Азиз ҳали бола, буни унутмаслик керак. Оғайниси бунақа ёмонликни раво кўради, деб ўйламади.

Қораловчи: - Халқимизда ёмон мақсад билан яхшилик қилувчидан қоч, деб бекорга айтилмаган. Менинг ўйлашимча, энг катта айбдор Аброр. У мактабдаги болаларнинг кўпчилиги Азизни хурмат қилишидан фойдаланиб, ўзининг қабиҳ ниятини амалга оширмоқчи бўлди.

Оқловчи: - Биз бу ишда Аброрга ҳам кўп айб қўя олмаймиз. Аброр акасининг ниятидан балки хабардор бўлмагандир. Балки ўртоғини яхши ният билан ишга олиб кириб қўймоқчи бўлгандир.

Қораловчи: - Болалар, биз ҳозир Аброр ва Азиз ҳақида фикр билдираяпмизу, лекин бу ҳолатнинг келиб чиқиши ҳақида ўйламаяпмиз. Мен шуни айтмоқчиманки, бу ишда энг катта айбдор синф раҳбари. Синф раҳбари болани қизлар ва оғайнилари олдида изза қилиб сўрайвермаса, улар пул топишга мажбур бўлмасди.

Оқловчи: - Синф раҳбарини айблашингизга умуман қаршиман. У ўз ҳамёнини тўлдириш учун пул сўраганми йўқ-ку! Қолаверса, бу пул мактаб таъмири учун сўралган, юқоридан мажбур қилинса ўқитувчи нима қилиши керак?

Қораловчи: - Ўқитувчи бу ишни ота-оналар билан ҳал қилиши керак. Пул топмайдиган ўқувчидан нимага пул сўраши керак?

Оқловчи: - Устоз отангдай улуғ, деган нақл бор. Синф раҳбарини айблашга ҳаққимиз йўқ. Ёдингизда бўлса, Азиздан хавотирланган ўқитувчи, унинг ота-онасини огоҳлантирган эди-ку!

Қораловчи: - Менимча, бу ишларга бош сабабчи оиладаги муҳит. Халқимизда ўғрини шароит туғади, деган нақл бор. Сабаби, оилада ота-она доимо келишолмай келган, бола айтганини қилмайди, кўрганини қилади.

Оқловчи: - Адашмасам, фарзанд — ота-онадан доимо қарздор. Боланинг жамиятда топадиган ўрнини ота-она кўрсатмайди, ўзи топади. Биров чуқурга йиқилса, унга чуқур айбдор эмас, буни унутмаслик керак.

Тарбиячи: - Болалар, мана тайёрланган саҳна кўриниши юзасидан баҳс-мунозара ўтказдик. Ҳар биригизнинг фикрингизда жон бор, албатта. Азизнинг шу кўйга тушишининг бош сабаби ҳунар ўрганмаганидир. У ёшлигидан бирор ҳунарга қизиққанда эди, енгил-елпи иш қидирмасди. Бир донишманд фарзандларига шундай панду насиҳат қиларди: "Азиз ўғлонларим, ҳунар ўрганинглар, зероки, молу дунёга эътимод йўқ ва олтин-кумуш сафарда хатарлидир. Қароқчи ўғирлаб кетади ёки эгаси еб-ичиб тамомлайди. Аммо ҳунар — қайнар булоқ, туганмас давлатдир, агар ҳунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. Ҳунарманд қаерга борса, қадрланади ва уйнинг тўридан жой олади. Ҳунарсиз одам ҳамиша машаққат чекади. Машаққат чекмаслик учун, ёшликни беҳуда ўтказмай, илм, ҳунар эгалланг.

Баҳс-мунозаралардан сўнг, гиёҳвандлик ва унинг асоратларига бағишланган фильм кўрсатилиши мумкин.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
ёзиб олди

Gurung

МИЛЛАТ ҚОНИ ВА ЖОНИ, УНИНГ ТИЛИ АДАБИЁТИДАДИР

Суҳбатдошимиз — Ваҳоб Раҳмонов, филология фанлари номзоди, доцент. Гулистон давлат университети талабаларининг устози. «Ўзбек адабиёти (8-синф учун дарслик мажмуа) китобининг муаллифларидан бири. У киши муаллифлигидаги китоблар: «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат», «Шеър санъатлари» (1972, 2001); домла нашрга тайёрлаган китоблар: Алишер Навоий «Лисонут тайр», Машраб «Девон», Аваз «Девон», Аваз «Сайланма»; Ваҳоб Раҳмонов юзга яқин китобларнинг масъул ва махсус муҳаррири, тақризчиси, юзлаб илмий мақолалар ижодкори.

— Ваҳоб ака, сиз тажрибали матншуносларсиз. Матнларни аёвсиз танқид қиласиз... Наҳотки улар шунчалик танқидга лойиқ бўлса?

— Сиз менинг оппонентларим тили билан гапиряпсиз. Нашрга тайёрловчилар матн мазмунини идрок этолмасалар, матнни эски ёзувдан бузиб кўчирсалар; ҳар бир китобда юзлаб хатолар учраса, мен дод демай ким дод десин?! Балки сиз улуғ олимларимиздай менга тасалли берарсиз: «Қайғурманг, домла. Биринчи нашрида бузилса, кейинги нашрида тузалар» деб... Йўқ, биринчи ғишт эгри қўйилдими — тамом. Масалан, Навоийнинг қуйидаги бузуқ байти икки асрдан буён китоблардан китобларга ўтиб келмоқда:

Эй Навоий, гар вафосиз чиқти ул Султон Ҳусайн,
Топтинг элдинким, тиларсен эмди султондин вафо?!

Ҳатто Омон Мухтордай зукко адибимиз ана шу нуқсон қурбони бўлди. У киши Алишер Навоий ҳақида ёзган «Аҳли ишқ» романида ўқувчига, мана Ҳусайн Бойқарога Навоий қандай муносабатда эди, деган маънода Навоийнинг юқоридаги «ўз» байтини келтирган.

Юқоридаги байт мазмунига боқсак, муаллиф шоир Ҳусайн Бойқарони очиқчасига вафосиз деб ҳақорат қилмоқда... Бунга нима дейсиз? Бу усул Алишер Навоий руҳини қақшатиш эмасми? Ҳолбуки шоир ёзган эди:

Эй Навоий, гар вафосиз чиқти ул султони ҳусн,
Топтинг элдинким, тиларсен эмди султондин вафо?

— Сизнинг 1972 йилда эълон қилган «Шеър санъатлари» номли қўлланмангиз ўқитувчилар учун кейинги ўттиз йилда асосий қўлланма бўлди. Шеър санъатларини мактабга киритишнинг аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

— Бадиий адабиётнинг барча замонлардаги маҳсулларида таъсирчанлик яратувчи омиллар бадиий санъатлар бўлади. Буларнинг дарсликка киритилгани, яхши. Бу, адабиётнинг назарий соҳаси, албатта. «Назария бадиий адабиёт ўқувчисига нима керак?» деб савол қўйялик ва мен жавоб берай.

Бадиий сифатлар илми — «Илми саноеъ» Шарқ адабиётшунослиги илмидир. У биз ўрганган ғарб адабиётшунослик илмидан қуйидагиларга кўра фарқ қилади: Европа адабиётшунослиги олимгагина керак: таҳлил учун. Илми саноеъ эса ўқувчи, шоир ва олимга бирдай зарур. Чунки ўқувчи ўрганса, ўқиган асарини чуқур тушуниб, оладиган бадиий лаззати икки баравар кучли бўлади; шоир ўрганса — бадиий маҳорати юксалади; олим ўрганса, теранроқ таҳлил қилишга ўрганади.

Ўқитувчи шеър санъатларини ўргатса, ўқувчида қадриятларимизга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат ортади. У мумтоз адабиёт савиясига қойил қолади. Мана бир мисол: Шермуҳаммад Мунисниинг қуйидаги байтида ўн тўртта бадиий восита иштирок этган:

Кўз қаро қилма ғайр қонига,
Қоним ич қона-қона, эй қаро кўз.

Бадиий санъатларни изоҳлаб санайман:

биринчиси: байт «кўз» сўзи билан бошланиб, шу сўз такрори билан якунлангани учун тасдир санъати бўлади;

иккинчиси: биринчи мисра охиридаги «қон» сўзи иккинчи мисрани бошлаб такрорланмоқда — тасбе санъати;

учинчиси: биринчи мисрадаги «кўз қаро» сўзлари ўрин алмашиб иккинчи мисрада такрорланмоқда: тарди акс санъати;

тўртинчиси: «кўз қаро қилмоқ» — ибора қўлланганки, бунинг маъноси: биров-ўн биринчи: байтдаги бирор сўз ёки сўз бирикмаси бошқа сўзларга нисбатан қаттиқроқ товушда айтилса илтифот санъати бўлади: «эй қора кўз!»;

ўн иккинчи: «қон» ва «қона» сўзлари нисбатида тажниси зойид бор;

ўн учинчи: байт мазмунида бировга бирор нарса буюрилса — амр санъати бўладики, мазмундан сезилиб турибди;

ўн тўртинчи: байтда бировни бирор хатти-ҳаракатдан тийиш, қайтариш ёки ман этиш мазмуни бўлса наҳй санъати бўлади...

Бунақа санъатпардозликни ким, қайси шоирдан кўрсатиб бера олади? Буни ўқувчи тингласа, идрок этса, Мунис маҳоратига қойил қолмайдими?

Ўтган йили «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг Алишер Навоийга бағишланган сонида шоирнинг «Қора кўзум» ғазали матлаидан — бир байтдан ўнта бадиий санъат кўрсатган эдим... Саккизинчи синф ўқитувчиси шуни ўқувчиларга тушунтиролса қандай яхши бўларди...

— Сизни нималар хафа қилади?

— Кўп шоир ва олимларимизнинг мумтоз адабиётимиздан кам баҳраманлиги ва халқимизнинг ўзбек мумтоз адабиётидай буюк хазинадан бебаҳралиги хафа қилади.

Айрим шоирларимиз шакл ва мазмун излаб жаҳон шеъриятини ғалвирдан ўтказадилару, ўз ёмбиларига — мумтоз адабиётимизга қайрилиб қарамайдилар?.. Уларнинг назарида мумтоз адабиёт археологларга керак бўладиган, эл учун қиммати бўлмаган осори атиқа. Оламдаги бирор миллат ўзбек халқи каби мумтоз адабиётдан бебаҳра яшамайди. Ҳатто зиёлиларимиз: олимлар ва филолог ўқитувчиларнинг мумтоз адабиёт ўқийдиганларини бир фоизга етмайди, деб ўкинаман. Бу ҳол, менинг қисқа ўйимча, қадриятларга юз бураётган бир даврдаги катта маданий нуқсонимиздир.

Барча синфларда ўзбек мумтоз адабиётини ўргатишга йўналтирилган адабиёт дарси бўлмоғи керак. Эски ўзбек тилини ўқувчи ўрганса: тилимиз бойлиги Навоий тилидан ҳам бойроқ бир адабий тилга айланадики, миллат қони ва жони унинг тили, адабиётидадир.

Айрим олимларимиздан кўнглим тўлмагани: мумтоз адабиётимиз мутахассислари форс-тожик адабиётини мукаммал билмайдилар. Бу жуда хижолатли ҳол. Негаки, айрим жанрлар ва достонлар сюжети ўша адабиёт таъсирида экан, биз асл илдизлардан бирига боқмасак бўладими?

— «Ma'rifat» ўқувчиларига тилагингиз?

— Умр бўйи маънавий камолот ҳосил қилишдан толмангиз. Бу эса, жуда осон: маза қилиб бадиий асар ўқинг ва ёққанларини ёдланг.

Ҳусан НИШОНОВ суҳбатлашди.

ЭРКАК ВА АЁЛ ЎРТАСИДАГИ МУВОЗАНАТ БУЗИЛСА

қандай оқибатларга олиб келади?

Фарзанд — эр-хотиннинг меҳр-муҳаббати асосида қурилган ихтиёрий иттифоқ мевасидир. Абдурауф Фитрат айтганидек: "Уйланишнинг биринчи мақсади фарзанддир. Авлодни тарбиялаш инсониятнинг хизматидир. Қачонки, биз яхши ахлоқ эгаси бўлган фарзандларни тарбияласак, шундагина бўйнимиздаги бу хизмат мажбуриятидан соқит бўламиз. Кимки, бадахлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, душманлик қилган бўлади. Жамият уларнинг фарзандларидан безор бўлади. Хуш ва яхши ахлоққа эга бўлган фарзанд иймон соҳиби бўлган ота-онадан бўлади, агарда ота-она ахлоқсиз бўлсалар, уларнинг тарбияси соясида ўсган фарзанд ҳам бадахлоқ бўлади".

"Қуш уясида кўрганини қилади". Оилада отанинг, онанинг мавқеига қараб ҳам тарбия турлича шаклланади. Ота раҳбарлигида оилада қаттиққўллик, меҳнатсеварлик, оила шаъни ва шуҳратини кўтаришга интилиш, рўзғорга бўлган масъулият каби хислатлар кўпроқ шаклланса, она раҳбарлигида эса саранжом-саришталик, соғлик, саломатлик, меҳр-мурувват, оқибат қарор топади. Афсуски, барча оилаларда ҳам шундай эмас.

Қадимги Шарқда аёлларни қизғангани учун эмас, аяганлари учун кўча юмушларидан озод қилишган. Минг эгилиб, минг букилишни талаб қиладиган рўзғор ишлари аёл учун етарли заҳмат эканлигини, улар бажарган ишларни эркаклар асло уддалай олмаслигини тан олиб, баҳосини берган аждодларимиз аёлларга ғоят марҳаматли бўлганлар. Оилани боқиш, унинг муҳофазаси, иморат солиш, деҳқончилик қилиш, ўтин ёриш, сув ташиш каби куч талаб қилинадиган ишларни эр кишининг мажбурияти деб билганлар. Аллоҳ минг йил аввал эркак билан аёлнинг куч-қувватини қай ўлчовда яратган бўлса, ҳозир ҳам шундай, эркаклар кичрайиб, аёллар йириклашиб кетгани йўқ. Аммо бир фожеа юз бердики, аёллар зиммасидаги юклар ортганидан ортиб, эрлар маъсулиятсиз бўлиб қолдилар.

Miatto

Айрим кишиларимиз соатлаб бугунги аёллар кўнгилдагидек эмаслигини писанда қиладилар. Хўп, бугунги эркакларчи? Оилада эркаклар билан аёл орасидаги мувозанатнинг бузилишида, аёлларда аёлларга хос бўлмаган унсурларнинг пайдо бўлишида асосий сабаб эркаклардаги салбий ўзгаришлар эмасми? Агар миллий тарбияни эркаклардан, ўғиллардан бошламас эканмиз, уларни шарқона қиёфага қайтаришга шошилмас эканмиз, аросат фаъолли бўлиб қолаверамиз. Келинг, бу муаммоларни ечишда, бартараф қилишда, эркакларимиз, йигитларимиз ўрни ҳақида мулоҳаза қилиб кўрайлик.

Йигитларнинг биринчи ютқазиши замонларнинг зайли билан, уларнинг "бир йигитга қирқ ҳунар оз" иборасидан йироқ бўлиб қолишларидир. Ёки "Мен меҳнатда эзилиб катта бўлдим, у заҳматни болам кўрмасин" қабилидаги ота-оналаримизнинг хатолари йигитларимизни маъсулиятсизроқ қилиб қўйди. Ота-оналар бор-будини сарфлаб, фарзандларини баланд, нуфузли ўқишларда ўқитадилар. Шу тариқа фарзандлар биргина касбга суяниб қоладилар. Ваҳоланки, йигит кишига ҳеч бўлмаганда 2-3 ҳунарни ўрганмоқлик жоиз. Мана бугунги бозор иқтисодиёти шароитида бу қусурларимиз, камчиликларимиз ўз натижасини кўрсатмоқда. Баъзида эркакларимизнинг жамиятдан, замондан нолиганини кўп эшитиб қоламиз. Сен замонга боқма, замон сенга боқсин. Ҳозирги қийин, мураккаб иқтисодий шароитда ҳар биримизни ишбилармон, тадбиркор бўлишга ундаяпти. Ҳа, ишбилармон, тадбиркор бўлиш учун ҳунар керак бўлади. Ҳунарманд киши эса ҳеч қачон оч қолмаган. Ҳаётда шундай оилалар борки, кўчада зиёли, уйида ҳунарманд. Шу ҳунари орқасидан рўзғор тебратаётганлар жуда кўп. Ҳунар эгаллашнинг эрта-кечи бўлмайди.

Ҳунар фақат пул топиш учун эмас, балки эр кишининг вазифасини бажариш учун ҳам зарур. Одамнинг мукаммали йўқ, анча-мунча хато, андишаларни кечириб бориш мумкин. Аммо оилада кишининг фарзанд тарбиясига беписандлик, эътиборсизлик, маъсулиятсизлик — бу кечирилмас хато ва гуноҳдир. Ота-оналарнинг йўл қўйган хатолари эвазига фарзандлари жар ёқасига келиб қоладилар.

Пул топиб, мол топиб, европаликларга ўхшашни етуклик ҳисоблаб, миллийлик қолоқлик деб миллатдошларимизга беписанд бўлганлар ҳам топилади. Аёлу эркак ўғил-қизлари билан спиртли ичимликларни ичиб ўтириши, фарзандларнинг ота-онасига бемалол гап қайтариши, ота-она ўтирган жойда оёқ узатиш ёки узала тушиб ётиш бизга хос эмас. Уйда аёлнинг устувор бўлишига йўл қўйиб қўйган, ўғил-қизига сўзини ўтказолмаган эркак ҳам бизники эмасдир. Умуман оилага тегишли кўча юмушлари аёл зиммасида бўлиши, бу ўзбек йигитига, шарқ эркагига хос иш эмасдир. Турмуш қуриш борасида ҳам ўзимизга хос миллий анъаналаримиз бор.

Ҳар бир миллат ўз удумлари, қон-қонига сингиб кетган ўзига хос хусусиятларига таяниб иш кўриши керак.

Бувижонлар, буважонларимиз ҳам ўз момолари ва оталари сингари неваралари тақдирига масъулдирлар. Баъзан "Ўғлимни қайта уйлантирмоқчиман" ёки "қизимни эрдан чиқариб олдим" каби сўзлар қулоққа чалинади. Уларнинг фарзандлари ўртасидаги ришта ҳисобланган набиралари тақдирига бефарқлик ҳолатларини кўриб кўнгил бузилади.

Одинахон СОДИҚОВА

Repetitor yollash hamma ota-onaning ham qo'lidan kelmaydi, cho'ntagi «ko'targan»largina bolasiga bunday imkoniyatni yaratib beradi.

—O'qituvchining bilimi sayoz bo'lsa, o'quvchini qoniqtira olmasa, darslar vaqtida o'tilmasa, xullas turli sabablarga ko'ra egallanmay qolgan bilimning o'rnini to'ldirmoqchi bo'lsa, bola repetitor izlay boshlaydi.

Bugungi kun mavzusi

АБИТУРИЕНТ ВА РЕПЕТИТОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

АБИТУРИЕНТ УЧУН «АХБОРОТНОМА»ЛАР

Қўлида олий таълимнинг қайсидир йўналиши бўйича квалификацияланган дипломи бор мутахассис, албатта, қачондир абитуриентликнинг ҳаяжонли ташвишларини бошидан ўтказган. Абитуриентларнинг ҳаммаси ҳам талабалик бахтига эриша олмайди, бу ҳаётий ҳақиқат. Уларнинг билими синаб кўрилганда эса, қайси бири талабаликка муносиб эканлиги ойдинлашади.

Бугунги абитуриент аввалги даврникидан кескин фарқ қилади. Уларнинг билимини синаб кўришга мўлжалланган тест ахборотномалари 1996 йилдан бери чоп этилмоқда. Ҳозирги кунда Давлат тест маркази ҳажми 140 мингдан зиёд топшириқни қамраб олган. Абитуриентлар чиғириқдан ўтказилгач, улар энг юқори баллдан бошлаб рўйхат қилинади. Ўтиш балида уларга чизиқ тортилгач, қолганлари талабаликка қабул қилинмаганлиги ҳақидаги хулосани беради. Қайси таълим йўналишига ҳужжатлар кўп тушган бўлса, ўша жойда рақобат кучайиб, энг юқори баллар кузатилмоқда. Хусусан, 2002 йилда Тошкент юридик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси, Қорақалпоғистон давлат университети, Ўзбекистон Миллий, Тошкент давлат иқтисодиёт университетларида энг юқори яъни 210-220 баллик натижага эришган абитуриентлар бюджет таълимига биринчи навбатда қабул қилиндилар. Кўп вариантли тест топшириқларини осонлик билан ечишга муваффақ бўлаётган бу абитуриентлар қандай қилиб шундай натижага эришган эканлар? Уларнинг ўзларида билим пухтами? Ёки омад кулиб боқиб, осон саволлар тушяптими? Ёки умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида билим бериш шу қадар мустаҳкамми?

РЕПЕТИТОРГА ЁЛЛАНИШ ЗАРУРАТИ

Ўз билимидан қониқмаслик, фанлар олами сари дадил одимлаётган кишининг миясини банд этиб олгач, у имконият ахтара бошлайди. Чунки етук мутахассис бўлишни ҳар бир йигит-қиз орзу қилади. Бунинг йўли эса битта: юқори балл тўплаб, талабалик бахтига эришиш. Агар умумтаълим мактаблари, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежларида фанлар бўйича билимнинг «пойдевори» берилса, репетитор бу «пойдевор»ни пишиқлайди, мустаҳкамлайди. Абитуриент учун яна бир қулайлик шундаки, олий таълим муассасасига кириш учун у 23 та фан бўйича тайёрланиши шарт эмас, балки 3 та фанни пухта ўрганиши етарли.

Давлат тест маркази томонидан ҳар йили чиқарилаётган таҳлилий материалларда ўтиш балларининг ортиб бораётганлиги умумтаълим мактабларида ўқитиш сифати яхшиланиб бораётганлиги билан боғлиқ эканлиги таъкидланади. Аслида эса бу репетиторликка ёлланишнинг маҳсули эканлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Қайсики олий таълим даргоҳида танлов катта бўлса, ўз-ўзидан ўша жойда баллар юқорилайди. Юриспруденция, молия, иқтисод, гуманитар йўналишларида баллар юқорилашмоқда. Тест синовларида фанларга турлича натижанинг олдиндан белгиланиши абитуриентнинг битта фан билан кўпроқ, қолганлари билан «номига» шуғулланишига имкон бермасмикан? Биринчи блокдаги фанга 3,1, иккинчи блокка 2,1, учинчисига 1,1 балл. Агар у биринчи ва иккинчи блокдаги 36 та саволдан 111 балл тўпласа, қолган биттасидан пастроқ балл тўпласа ҳам ўқишга кириши мумкин бўлиб қоляпти.

Бу ҳақда мутахассислардан бирининг фикрини келтириб ўтсак, асослироқ бўларди:

— ОТМга қабул синовларида фанлар учун балларни бир хил, яъни 2,1 қилиб белгилаш зарур. Бу ҳолатда талабаликка интилувчининг учала фанга ҳам муносабати бир хил бўлади. Албатта, репетиторлик хизматининг кенг қулоч ёйиши ва улар меҳнатининг сув юзасидаги пўкакдек қалқиб кўриниши абитуриентларни талабалик бахтига эриштирмоқда. Ота-оналарда эса сарфлаган маблағи беҳуда кетмаганлигидан қониқиш ҳиссини пайдо қиляпти. Аммо, репетитор ёллаш ҳамма ота-онанинг ҳам қўлидан келмайди. Чўнтаги «кўтарган»ларгина боласига билимни сотиб олиб беради.

Бундан бир неча йил муқаддам таҳририятимизга Қорақалпоғисион Республикасидан мактуб келган эди. Хат муаллифи кўп йиллардан бери абитуриентлар билан ишлаётганлигини, улардан аксарияти ўқишга кириб кетаётганлигини қувонч билан ёзган эди. Мактуб охирроғида эса у битта саволни кўндаланг қўйганди: «Агар репетитор тайёрлаган бола омади чопиб, ўқишга кириб кетса, нур устига нур. Мабодо киролмаса-чи, унда абитуриент учун тўланган пуллар ҳавога учди, дегани эмасми?»

Хат муаллифи бир жиҳатдан ҳақ. Аммо абитуриент ўқишга киролмаган тақдирда ҳам сарфлаган пулига афсусланиши унчалик ҳақиқатга тўғри келавермайди. Ҳеч бўлмаганда унинг мияси маълум даражада билим захиралари билан бойиди ва тасаввури кенгайди-ку?!

Қорақалпоғистонлик ўша ўқитувчининг ўзи эса хатда кўрсатилишича, абитуриентлардан бир сўм ҳам олмас экан. Балки, у бошқача усулдаги келишув билан йўл тутар, бу ёғи бизга қоронғу. Чунки репетиторларнинг ҳақ олиш усуллари ҳар хил, бириники юқори, бириники «чидаса» бўлади, учинчиси берганига рози. Аммо абитуриентларда уларни танлаш имконияти бор.

РЕПЕТИТОР НИМА ДЕРКИН?

Репетиторликни бугунги кунда ўқитувчининг иккинчи касби дейиш мумкин. Бошқача айтганда, у репетиторлик орқасидан қўшимча даромад топади. Бу нафақат унинг интеллектуал салоҳиятидан дарак беради, балки репетитор ақлий меҳнат қилувчилар орасида ўз мавқеини эгаллаб бораётганлигидан ҳам бир далолатдир. Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасининг тегишли бўлимидан ҳозирги вақтда қанча репетитор ҳисобда туриши ҳақида сўраганимизда, аниқ жавоб ололмадик. Умуман олганда эса, ҳар қандай ўқитувчи ҳам репетитор бўлиши мумкинми, деган савол пайдо бўлади. Бунга бош чайқаб қўя қолайлик. Чунки репетиторликнинг ҳам «тош-тарозуси» бор. Тўғрисини айтганда, репетитор ўз меҳнатининг натижаларини амалиётда кўраётган бўлса, кимнингдир тавсиясига кўра, янги абитуриентлар уни сўраб-суриштириб, ўзлари топиб келишади.

—Ўқитувчининг билими саёз бўлса, ўқувчини қониқтира олмаса, дарслар вақтида ўтилмаса, хуллас турли сабабларга кўра эгалланмай қолган билимнинг ўрнини тўлдирмоқчи бўлса, бола репетитор излай бошлайди. Албатта, бу ота-она розилиги билан бўладиган иш. Чунки репетиторга пул ота-онанинг чўнтагидан кетади.

Маълумки, давлат тест тизими ўта мураккаб, саволлар изчил, абитуриентни ўйлашга, ўрганишга, изланишга мажбур қилади. Бу, албатта яхши. Лекин айрим ўқитувчилар ва ўқувчилар бу саволлар дарсликда йўқ, дейишади. Мен эса бу фикрни кескин рад этаман. Давлат тестлари фақат дарсликлар асосида тузилади. Бешинчи синфдан то ўн биринчи синфгача бўлган дарсликларни бирма-бир варақлаб кўринг, саволга жавоб топасиз. Ўша фикрни ўз фанини чуқур билмайдиган ўқитувчиларгина айтишади.

Адабиёт фанидан берилаётган тестлар дарсликдан ташқари бадиий асарларни ҳам қамраб олади. Ўқувчи асардан берилган парча билан кифояланса, ўша саволларни еча олмайди. Тўлиқ ҳолда ўқиган бола саволга жавобни тўғри белгилайди. Масалан, Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», ҳикоялардан тортиб давлат таълим стандартида берилган жаҳон адабиёти дурдонаси Маркеснинг «Ошкора қотиллик қиссаси»гача тест саволлари бор. Туркий ва мумтоз, ҳозирги замон, шунингдек, жаҳон адабиёти намуналарини тўлиқ ўзлаштирмаган ўқитувчи-репетиторни абитуриент тан олмайди. Репетиторга қанчалик қийин эканлиги фақат унинг ўзига аён. Чунки бутун масъулият унинг зиммасидадир.

Маълум муддат давомида «қўлида» тайёрланган ўқувчининг тақдирини ўйлаб, репетиторнинг тинчи йўқ. Ўқувчиси тест синовларидан қандай ўтар экан? Неча балл тўплайди? Репетиторнинг миясини ана шу фикр доим банд этиб туради.

Кўп йиллардан бери репетиторлик қиламан. Шукрки, тайёрлаган ўқувчиларим ҳозиргача уялтириб қўйишгани йўқ. Тинимсиз изланиш, ўқиш, ўрганиш, тунларни тонгларга улаш, тестлар тузиб, болани руҳан, маънан «пишитиб» бориш орқали яхши натижаларга эришаётган бўлсам, ажаб эмас. Асар қаҳрамонлари тили, ғоявий мазмуни, бадиий эстетик қиммати, таълимий, ахлоқий даражаси ҳам эътиборимдан четда қолмайди.

Қачон ўқувчи репетитор излайди? Менимча, бу саволни барча фан ўқитувчилари чуқур ўйлаб кўришлари керак. Тўғри, айрим ҳамкасбларимиз ўқувчиларидан хафа бўлиб юришади. Чунки бола унга эмас, бошқа ўқитувчига мурожаат қилади. Сабаби, ўқувчи ундан ўзи истаган даражадаги билимни ололмаган. Бундай ўқитувчилар айбни ўзларидан ахтарсалар, яхши бўлармиди?

Мен ҳеч қачон ўқувчи ёки абитуриент излаб, эълон берган эмасман. Масалан, ўзбек тили ва адабиётидан камида 27-28 та саволга тўғри жавоб бандини аниқлаган абитуриент ўз танишига мени тавсия қилади, демак ўқувчининг ўзи репетиторни ким орқалидир топиб келади.

Ота-оналар билан ҳамкорлик ўрнатмай туриб, ўқувчилар билан ишлаб бўлмайди. Боланинг қобилиятига қарайман, агар у бадиий адабиётдан яхши хабардор бўлмаса, дангалини ота-онасига айтаман. Агар улар шунда ҳам қатъий туриб олишса, болани ўқиб-ўрганишга мажбур қиламан. Тест деганлари, билар-билмас, таваккалига белгилаш дегани эмас, балки унинг мағзини чақиб, тўғри жавобни аниқлашдир. Шуни қувонч билан эътироф этаманки, ҳозирга қадар менинг қўлимда ўзбек тили ва адабиёти бўйича тайёрланган болалар уялтириб қўйишгани йўқ. Уларнинг аксарияти институт, университетларни тамомлаб, ҳаётдан ўз ўринларини топиб ҳам олишди. Айримлари эса, ҳали талаба, баъзилари чет элларда таҳсил олишмоқда. Битта айбим бор, у ҳам бўлса ўз билимимдан қониқмаслик. Алломаларимиз айтганидек, «Илмнинг поёни йўқдир».

Бу — Тошкент шаҳридаги республика ихтисослашган лицей ўқитувчиси, ижодкор ўқитувчилар танлови ғолибаси Ҳалима Жуманиёзованинг мамнуният билан эътироф этганлари. Фақат ўзига ишонган ўқитувчи-репетиторгина ана шундай фикрларни дадиллик билан айтса керак.

СОБИҚ АБИТУРИЕНТНИНГ ФИКРИ

Тест синовларидан ўта олмаган абитуриент билан суҳбатлашиб кўринг, ҳасратидан чанг чиқади. У ўзини заррача ҳам айбдор деб билмайди. Аксинча, юқори балл тўплаб, талабалик бахтига эришганлар билан гаплашсангиз, бутунлай бошқача ҳолатнинг гувоҳи бўласиз. Унга тест синовлари ҳеч гап эмас. Демак, айб тест саволларида эмас, балки абитуриентларнинг билим даражасида.

Иккинчи тоифага мансуб собиқ абитуриент, ҳозирги вақтда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети 2- курс талабаси Нафиса Абдуллаева билан суҳбатлашдим:

— 2001 йилда ўрта мактабни тамомладим. Аввало, мактабда пухта билим олганимданми, репетитор керак эмас, деб ўйлардим. Аммо абитуриентга репетитор барибир керак экан. Чунки ахборотномаларни кўздан кечириб чиққан пайтда айрим саволларга «тишим» ўтмай қоларди. Шу тариқа тил-адабиётдан тараддудни бошладим. Чунки журналистика йўналишида биринчи блокда ана шу фанлар турарди.

Қайси ҳудуд бўлишидан қатъи назар, репетиторлар сараланиб қолади. Фалончи тайёрлаган бола юқори балл тўплаб, фалон институтга кирибди, деган хабар орқали репетиторлик қилаётган кишининг обрў-эътибори ошади. Ҳафтасига уч марта бир ярим соатдан бир муаллимам қўлида шуғулланардим. Опа ахборотномаларни кўр-кўрона ечиш эмас, кўпроқ нимага эътибор бериш кераклиги тўғрисида йўл-йўриқ берарди. Қўшимча адабиётларни ҳам қараб чиқишимга тўғри келган. Репетиторим худди лекция ўқигандек, мавзуларни бирма-бир тушунтирган. Аниқ эсимда йўқ, тил-адабиёт бўйича 27-28 та саволга жавобни тўғри белгилаганман.

Инглиз тили бўйича эса, «пойдеворим» анча мустаҳкамлиги наф берди. Инглиз тилидан, агар жавобни тўғри белгиласам, репетиторим индамасди. Агар нотўғри эканлигини сезиб қолса, «тақќа» тўхтатарди ва камида ярим соат ана шу саволнинг моҳиятини тушунтириб берарди. У билан ҳафтасига икки марта 1,5 соатдан куннинг иккинчи ярмида шуғулланганмиз. 36 та саволдан 34 таси тўғри бўлиб чиққан.

Тарих эса учинчи блок эди. Аммо бу учинчи даражали фан деган фикр миямда бўлмаган. Борига барака деб бундан ҳам ўзимча репетитор ёлламасдан тайёрландим. Натижам тенг ярим бўлди. Умумий натижам эса, 264 балл эди.

Айрим ўқитувчилар репетиторлик қилганда, кўпчилик абитуриентларни йиғиб олади. Яъни бир ўқ билан 5-6 та қуённи «уради». Бу ҳам бир жиҳатдан яхши. Баҳс-мунозарада болалар бир-биридан эшитиб, кўп нарсани ўрганишади. Яккама-якка ишлаганда эса абитуриент зерикиб қолиши мумкин. Аммо асосий эътибор фақат унга қаратилгани боис, кўпроқ билим олиши аниқ.

Тест синовлари мавсуми олдидан кўча-кўйда, симёғочларда, автобус бекатлари пештоқида «Ответы на тесты» деган эълонлар пайдо бўлади. Бу — айрим олғир шахсларнинг пул ишлаб топиш йўлидаги уринишларидан бошқа нарса эмас. «Шпаргалка»даги белгиланган жавобларнинг тўғри эканлигига кафолат бериш жуда қийин. Мен шпаргалка сотиб олиш ҳақида умуман ўйламаганман. Фақат ўз ақл-заковатим ва билимимга ишондим.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ТАЙЁРЛОВ МАРКАЗИ

Бугунги кунда ота-она, абитуриент ва репетиторнинг ўзаро келишуви асосида ташкил қилинадиган таълим хизматидан ташқари давлат миқёсидаги курслар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Аслида бундай хизмат турларини кенгайтиришга ҳар бир таълим муассасасининг ҳуқуқий кафолати бор. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги **«Бюджет ташкилотларини ривожлантириш тартибини такомиллаштириш ҳақида»**ги қарори бунга имконият яратади. Аммо бу имкониятдан барча таълим даргоҳлари ҳам фойдаланаётганлари йўқ.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли хўжалик ҳисобидаги тайёрлов маркази 1994 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаяпти. Олий таълим муассасаларига тайёрлов маркази ягона, кўп қиррали ва доимий ҳаракатдадир. Марказ битирувчиларининг олий ўқув юртларига кириш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, улар репетиторлик ва профессионаллик маҳоратлари орқасидан ўз орзуларига эришмоқдалар. Марказда якка ва гуруҳ тартибидаги машғулотлар олиб борилади. Тестларни ечиш кўникма ва малакаларини шакллантириш мақсадида назарий ва амалий машғулотлар биргаликда уюштирилади. Ҳафтасига белгиланган 4-5 кунлик машғулотлар ҳар бир фан бўйича кунига 4 соатдан шуғулланишга имконият яратади.

Республика хўжалик ҳисобидаги олий таълим муассасаларига тайёрлов марказида ижтимоий, иқтисодиёт, техника ва тиббиёт йўналишлари бўйича абитуриентлар хоҳласа 10 ойлик, хоҳласа 8 ойлик таълим дастурларига жалб қилинадилар.

—1994 йилда илк бор 132 нафар бола марказимизга қабул қилинган эди. Ўша йили уларнинг 93 фоизи турли ОТМларига қабул қилиндилар. Шундан бери 90, 87, 88, 90, 92 фоиз ва шу сингари кўрсаткичлар қайд қилинмоқда.

Ўқувчининг ёки абитуриентнинг билим савияси, қизиқиш доираси аниқлаб олингач, унга таълим йўналишини танлашда ёрдам берамиз. Ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган тавсияларда фанлар бўйича тестларни ечиш кўрсатилган. Китоб, услубий тавсия, профессионал ўқитувчиларнинг консультациялари ҳамда хоҳиш ва интизом муваффақиятга эришиш гарови эканлиги ҳар бир абитуриентга уқдириб ўтилади. Марказимизда ўтказилган ҳар томонлама таҳлилда тингловчининг барча фанлар бўйича ютуқларини кўрсатиш, унинг ўрни ва билим савиясини кўтариш, ўзлаштиришини назорат қилиш, таълим йўналиши, мутахассислик ва олий ўқув юртини танлашда охирги қарорга келишига ёрдам бериш катта аҳамият касб этади, — деб ҳикоя қилади марказ директори Сайёра Русова.

Марказнинг махсус курслар бўйича машғулотларида тингловчилар қабул қоидалари билан танишадилар. Улар олий ўқув юртлари ҳақида керакли маълумотлардан ташқари, абитуриентнинг саволлар китоби ва жавоблар варақаси билан ишлашга ҳам ўрганишади. Бундай машғулотларда олий ўқув юртларининг кириш имтиҳонларида қўлланадиган тест вариантлари вақт сарфи ҳисобга олинган ҳолда ечилади. Жавоб варақалари текширилади, баллар ҳисобланади ва нотўғри жавоб берилган савол рақамлари кўрсатилади. Кейинги дарсларда ҳар бир блок бўйича хатолар устида ишлаш ўтказилади.

Якуний тест ўтказиш олий ўқув юртига кириш учун бир машқдир. Бу машқдан сўнг жавоблар варақаси яна бир карра текширилади, тўпланган баллар ҳисобга олингач, қайдномада кўрсатилади.

Бундай марказлар ҳозирги вақтда барча олий таълим муассасаларида ҳам очиб қўйилган. Қисқа муддатли бундай тайёрлов курсларига қабул қилинган тингловчиларнинг тақдирлари бир-бирига ўхшамаган тарзда ҳал бўлади. Айрим йўналишларда 60-70 баллар ҳам ўқишга қабул қилинса, айрим ихтисосликларда 150 баллик натижага эришганлар ҳам «йиқилиши» мумкин. Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги тайёрлов курси директори, доцент Абдунаби Абдураҳимовнинг таъкидлашича, мумкин қадар тингловчилар сони камайиб кетишига йўл қўймаслик керак. 10 ойга мўлжалланган курсда агар профессор-ўқитувчи жонини жабборга бериб, тингловчини билимлар захираси билан бойита олса, у охирига қадар ойма-ой пул тўлаб ўқийди, ўрганади. Агар ўқитувчи зўрма-зўраки, номига машғулот уюштирса, тингловчи қўлини ювиб, қўлтиғига уради.

... Абитуриентнинг орзулари бир олам. У яқин ойлардан сўнг ўзининг тақдири қандай ҳал бўлишини билмайди. Айни кунларда мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг қабул ҳайъатларига ҳужжатлар келиб туша бошлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига асосан давом этадиган мавсум билимдон, зукко, зийрак, ақл ва билимни ўзида мужассамлаштира олган ёшларни саралаб беради. Агар мажозийроқ маънода айтадиган бўлсак, абитуриентларга талабалик учун қуръа ташланмоқда. Бу қуръа кимларга насиб қилади, билмаймиз. Лекин шу нарса аниққи, ўз билимига ишонган, бутун шуурига фан асосларини сингдира олган абитуриентгина ТАЛАБА деган номга сазовор бўлади.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

МАҚСАДЛАРИ ЭЗГУ УЧ ИНСОН

Заминимиздан илму урфон йўлида умрини бахшида этиб, юртимиз шуҳратини жаҳонга ёйган кўплаб алломалар етишиб чиққан. Уларнинг буюк илмий мероси, эзгу ишларини яқин ўтмиш зарварақларида ҳам учратиш мумкин.

Мақоламизда тақдир чизгилари, ҳаёт йўллари бир-бирига ўхшамаса-да, аммо мақсад ва орзулари бир эзгу нуқтада туташган уч инсон ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Fanimiz fidoiylari

КАМТАРИН УЛУШИ БОР

Иқтисод фанлари доктори, профессор Ҳамид Абдуллаевни кўпчилик юртимиздаги таълим-тарбия равнақини юксакларга кўтариш учун камтарин улуш қўшган жонкуяр инсон, буюк педагог ва олийжаноб раҳнамо сифатида эсга олишади.

У кишининг олий ўқув юртлари кафедра ва лабораторияларини ташкил қилиш, илмий иш йўналишларини кенгайтириш ва энг асосийси, талабаларни институтга кенг жалб қилиш борасидаги хизматлари ҳали-ҳануз ёш авлод вакиллари учун катта мактаб вазифасини ўтамоқда.

Болалигидан ота-она меҳрига муштоқ бўлиб улғайган ва машаққатли даврларни бошидан кечириб, ўзидан ёркин из қолдирган бу ажойиб инсон, афсуски бугун орамизда йўқ. Аммо олимнинг илмий фаолиятини, буюк хизматларини неча-неча авлодлар фахр билан тилга олиши, шубҳасиз.

БИРИНЧИ ЎЗБЕК ПРОФЕССОР АЁЛИ

Ҳа, Хосият Камолова ушбу номга сазовор бўлган илк ўзбек аёли, халқимизнинг севимли фарзанди, оқила онахон эди. Илм эгаллаш — мураккаб ва ниҳоятда машаққатли йўл. Бу йўл инсондан катта куч, сабр-бардош талаб қилади. Шу маънода Х.Камолова жасур, бардошли ва катта истеъдод соҳибаси эди.

Хосият Камолованинг филологияга иштиёқи болалигидаёқ уйғонган эди. Кейинчалик ушбу соҳа бўйича мутахассисликни эгаллаб, Бухоро ва Тошкент давлат педагогика институти ҳамда Самарқанд давлат университетида фаолият юритиш бўлажак олиманинг илмий фаолиятига бир қадар туртки бўлди.

Х.Камолова ўзбек тилида олмош, гапда сўзларнинг боғланиши, ҳозирги замон ўзбек тилида лексикология, фонетика, орфография, морфология каби мавзуларда илмий қўлланма ва дарсликлар яратди.

Х.Камолова нафақат олима, балки буюк устоз, етук педагог ва ажойиб фарзандларнинг онаси ҳам эди. Бугунги кунда олиманинг эзгу ишларини унинг шогирдлари давом эттирмоқда.

ИККИНЧИ УМР

Гинекология соҳасида нафақат юртимиз, қолаверса хорижда таникли бўлган изланувчан олима Зоҳида Жалолова жуда кўп халқаро илмий анжуманларда фаол иштирок этди. У алоҳида хизматлари учун Чехословакия ва Мўғулистон давлатларининг орденлари билан тақдирланган.

1978 йилда Ўзбекистон гинекология илмий-тадқиқот институти ташкил қилиниши, етук малакали кадрлар билан таъминланиши ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши, энг асосийси, институт довруғининг ошиши Зоҳида Жалолова номи билан чамбарчас боғлиқ.

Малакали шифокорнинг турли масканларда, турфа лавозимлардаги фаолияти уни халқимиз орасида обрў-эътибор қозонишига имкон берди. Айниқса, Зоҳида Жалолова Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари лавозимида ишлаган йилларда, юртимиз тиббиёт соҳасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Инсонга умр аслида икки марта берилади. Бири унинг тириклигидаги умри, иккинчиси эса вафотидан кейинги умри. Модомики, бу фикрни Зоҳида Жалоловага нисбатан қўллар эканмиз, унинг иккинчи умри давом этмоқда...

Абдурашид НОРМУҲАММЕДОВ,
доцент

ТИЛ БИЛГАННИНГ ИШИ ЮРИШАДИ

Anjuman

Агар бизнес билан шуғулланувчи ўзбекистонлик хорижий мамлакатга борадиган бўлса, уни ваҳима босади. Ахир тил билмайди-ку, қандай қилиб хорижлик ҳамкорлар билан муносабат ўрнатади?

Дарвоқе, кимки тил билса, унинг ишлари юришаверади. Худди шу умумбашарий ғоя яқинда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманнинг умумий руҳини белгилади. Етук мутахассисларни бу ерга йиғишдан мақсад «Бизнесни ривожлантиришда тил маданияти ва билимдонликнинг аҳамияти»дан уларни бохабар этиш эди. Анжуманнинг бу мавзуда белгиланиши юқорида таъкидлаганимиздай, умуман тасодифий эмас.

Ялпи йиғилишда ўндан зиёд маърузалар ҳавола этилди. Олим ва олималар ялпи мажлисдаги маърузаларни диққат билан тинглаб, тегишли хулоса чиқаришди.

Анжуман шўъба йиғилишларида мавзулар янада чуқурлаштирилди ва умумлаштирилиб, яхлит хулоса қилинди.

МУХБИРИМИЗ

«НОМАЪЛУМ ШАХС» АНИҚЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ИИБга тушган хабарга кўра номаълум шахс Лисунова — 4 даҳасида яшовчи Тошкент давлат ахборот технологиялари университети 2-босқич талабалари 1984 йилда туғилган Х.Тўйчиев ва 1983 йилда туғилган Т.Яхшибоевларнинг хонадонига кириб, унга тан жароҳати етказган ва кийим-кечаклари ҳамда 12 минг сўм пулини олиб кетган.

Кўрилган тезкор тадбирлардан сўнг жиноятни содир этишда гумонланиб, шу даҳадаги 18-уйда яшовчи В.Первов ушланган.

Терговни ички ишлар бўлими олиб бормоқда.

НИЯТИ БУЗУҚ ТАЛАБА

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида Қодиров кўчасида яшовчи Алоқа коллежи 1-босқич талабаси Д.Ермаковнинг уйидан консерва банкасига жойлаштирилган портловчи модда топилган. Ҳозирда Д.Ермаков сўроқ қилинмоқда.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
милиция майори

ФИЗИКЛАР ФИЗИКА ҲАҚИДА

Андижон давлат университетида Ўзбекистон физика жамиятининг «Физика фани ва илмининг долзарб муаммолари» мавзусидаги кенгайтирилган семинар-йиғилиши бўлиб ўтди. Етук физик-олимлар ҳозирги кунда бу фанни ўқитиш, илмий йўналишлар ва тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг савиясини янада кўтариш каби масалалар муҳокамаси учун йиғилишди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ёшларнинг физика фанига бўлган қизиқиши сезиларли даражада сусаймоқда. Бу — соҳада ёш олимлар ва мутахассислар сонининг камайиб бораётганлигида, физикадан халқаро олимпиада ва танловларда юқори кўрсаткичларга эришилмаётганлигида ҳам сезилмоқда.

Кириш имтиҳонларида абитуриентларга физикадан тест топшириқлари зарур бўладиган мутахассисликлар сонини кўпайтириш, шу мақсадда тест синовлари блокидаги фанлар сонини учтадан бештагача етказиш зарурлиги ва ўрта таълим муассасалари битирув имтиҳонлари қаторига физикадан ҳам синовлар киритиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Физик тадқиқотларнинг энг муҳим йўналишларини белгилаш, мамлакатимиз миқёсида ёш олимлар ва мутахассислар меҳнатини рағбатлантириш усулларини ишлаб чиқиш, физикани олий ва ўрта мактабда ўқитиш услубиётини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ҳам бир овоздан маъқулланди. Бу тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон физика жамияти бош-қош бўлмоғи керак.

Семинар қатнашчилари физика жамияти фаолиятини илмий асосланган тарзда ташкил қилиш ва унда барча таълим тизимлари вакиллари фаол қатнашишини таъминлаш физик таълим ва илмий-ишлаб чиқариш сиёсатига муҳим таъсир ўтказиши масаласида якдил эканликларини билдирдилар.

Йиғилиш аҳли жамият Низомига айрим ўзгартишлар киритди. Аввалги Низомда жамият раҳбари Президент деб аталарди, энди эса жамият раиси деб қабул қилиш таклиф этилди. Жамият таъсисчилари ва унинг раҳбар органи бўлган ҳайъат аъзолари тартибига ҳам бир қатор тузатишлар киритилди. Жамиятга аъзо бўлиш тартиби ва аъзолик бадаллари тўғрисида ҳам янги таклифлар инобатга олинди.

Абдулла ХОЛБЕКОВ,
Ўзбекистон Физика жамияти аъзоси

ИРОҚ: НЕФТ ҚУДУҒИДА ЁНҒИН



Ироқнинг Сурия билан чегарадош ҳудудидаги нефт қудуғида ёнғин юз берган. Мамлакат нефт саноати вазирлиги вакилининг билдиришича, ушбу кўпорувчилик Туркиянинг Жейхан портида сақланаётган Ироқ «қора олтин»ларини урушдан сўнг биринчи бор экспорт қилиш амалиёти бошланиши билан бир пайтда содир этилган. Айни пайтда Бағдоднинг Туркияда экспорт учун тайёр бўлган 8 млн. баррелдан ортиқ нефти турибди. Собиқ нефт саноати вазири, ҳозирда америкаликлар томонидан нефт тармоғига масъул этиб тайинланган Тамир ал-Гадбаннинг айтишича келаси ойдан нефт қазиб олиш ишлари тикланади ва ундан тушадиган даромад Ироқ халқи манфаатлари учун сарфланади.

НАБЛУСДА МАХСУС ОПЕРАЦИЯ



Кеча Исроил армияси Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида жойлашган Наблус яқинидаги Касбах шаҳарчасида жангариларни тугатишга йўналтирилган операцияни бошладилар. Икки томон ўртасида қуролли тўқнашувлар юз бераётган бўлиб, қурбонлар ҳақида аниқ маълумот йўқ. Хеврон шаҳрида эса 100 га яқин фаластинликлар Исроил кучлари томонидан ҳибсга олинганлар ва ҳозирда сўроқ қилинмоқдалар. Тахминларга кўра, уларнинг кўпчилиги ХАМАС ташкилоти аъзоларидир. Шанба куни эса АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Кондализа Райс Яқин Шарққа келади. Ташриф чоғида у Исроил ва Фаластин бош вазирлари Ариэл Шарон ҳамда Маҳмуд Аббослар билан «Йўл харитаси» номини олган тинчлик режаси бўйича музокаралар ўтказиши кутилмоқда.

ЕТТИ МЎЪЖИЗАНИНГ БИРИ



Дунёдаги етти мўъжизанинг бири саналган Тож-Маҳал мақбараси ҳудудида сайёҳлик мажмуаси барпо этишга киришган ҳинд компанияси ишлари тўхтатиб қўйилди. Ҳиндистон маданият ва сайёҳлик вазири Жагмохоннинг билдиришича, бўлғуси мажмуа туфайли мавсумий ёғингарчиликлар вақтида Жамна дарёси ўзанидан чиқиб, тарихий ёдгорлик ва унинг атрофида ташкил этилган боғга жиддий зарар етказиши мумкин. Шу сабабли қурилиш тўхтатилган. Ундан аввалроқ эса ЮНЕСКО ташкилоти агарда сайёҳлик мажмуаси қурилиши давом этса, у ҳолда Тож-Маҳал дунёнинг энг бебаҳо тарихий бойликлари рўйхатидан чиқарилиши мумкинлигини билдирган эди.

Тож-Маҳал мақбараси XVII асрда Ҳиндистон пойтахтидан 180 км. узоқликдаги Агра шаҳрида Бобурийлар сулоласи вакили Шоҳ Жаҳон томонидан ўз рафиқаси Мумтоз Маҳал учун қурдирилган.

ЭРОН ТЕРРОРЧИЛАР НОМИНИ ОШКОР ЭТМАДИ



Эрон ҳукумати «Ал-Қоида» ташкилотига алоқадорликда гумон этилиб ўз қамоқхоналарида сақланаётган маҳбусларнинг бир нечтасининг шахслари аниқлаштирилганлигини маълум қилди. Бироқ уларнинг исм-шарифи ва неча киши эканликлари ошкор этилмайди. Эрон ҳукумати матбуот котиби Абдулло Рамазонзоданинг айтишича, хавфсизлик нуқтаи-назаридан уларнинг номлари ошкор этилмади. Шунингдек, расмий Теҳрон маҳбусларни фақат дўстона алоқалар ўрнатилган давлатларгагина бериши мумкин. Бироқ, Эрон ҳудудида жиноят қилганлар шу давлатнинг ўзида суд қилинадилар.

БМТнинг билдиришича, «Ал-Қоида» ўзининг 800 нафарга яқин аъзоларини дунёнинг турли давлатларида террор актларини амалга оширишга шай қилиб қўйган. Яхши тайёргарликдан ўтган террорчилар 2001 йилнинг ноябр ойида АҚШнинг Толибонга қарши уруш бошлашидан аввалроқ Афғонистондан олиб чиқиб кетилган, дейилади баёнотда.

ВЛАДИМИР ПУТИН БУЮК БРИТАНИЯДА



Кеча Россия Федерацияси президенти Владимир Путин 4 кунлик ташриф билан Буюк Британияга келди. Ташрифнинг биринчи куни қиролликнинг нуфузли вакиллари билан, хусусан қиролича Елизавета II билан учрашган Владимир Путин бугун Шотландия сиёсатдонлари, давлат арбоблари олдида чиқиш қилади. Эртага эса унинг бош вазир Тони Блэр билан учрашуви кутилмоқда. Музокаралар чоғида икки томонлама алоқалар, хавфсизлик масалалари, Ироқ ҳамда Яқин Шарқ масалаларига эътибор қаратилади.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилда Буюк Британия — Россия дипломатик алоқаларининг ўрнатилганлигига 450 йил тўлади.

ҚАМОҚХОНАДА ИСЁН



РИА «Новости»нинг хабар беришича, Бразилиянинг Амазонас штатининг маъмурий маркази саналган Манаус шаҳридаги қамоқхонада маҳбуслар исёни юз берган. Маълум бўлишича, маҳбуслар ўртасида икки қарама-қарши гуруҳларнинг ўзаро низолари жанжалга сабаб бўлган. Аммо тўқнашув вақтида 13 нафар маҳбус ҳалок бўлган. Шунингдек, қамоқхонанинг бир неча қўриқчилари ва яқинларини кўриш учун келган оддий фуқаролардан ҳам айримлари гаровга олиниб, сўнгроқ улар қўйиб юборилган. 13 нафар марҳумнинг жавобгарлиги эса исён ташкилотчилари зиммасига юклатилади.

«Интернет» хабарлари асосида
Умид АЛИМОВ, Дилдора НУРИМОВА тайёрлади

26-iyun — Xalqaro giyohvandlikka qarshi kurash kuni

“ОҚ АЖАЛ” АСОРАТИ АБАДИЙМИ?

Барчамизга аёнки, бугун гиёҳвандлик дунё бўйлаб чуқур илдиз отди. Гарчи сўнгги йилларда бу борада сезиларли натижаларга эришилган бўлса-да, ушбу муаммо ҳали-ҳануз долзарблигича қолмоқда.

Хўш, мазкур муаммо халқаро миқёсда қандай ҳал қилинмоқда? Уни бартараф этиш учун ҳуқуқий асослар етарлими? Инсоннинг «оқ ажал» чангалига тушиб қолишига нималар сабаб бўлаётир? Гиёҳвандликнинг туб илдизлари нимада? Бу офатга қарши курашда жамоатчиликнинг иштироки қандай? Қуйида мана шу саволлар теварагида мулоҳаза юритишга уриниб кўрамиз.

ЯНГИ АСР ВАБОСИ

Ўтган асрда жаҳондаги қарийб барча мамлакатларга тарқалган, бутун инсониятни даҳшатга солган хасталик — ОИТС “Аср вабоси” дея аталган эди. Эндиликда инсоният бошига яна бир офат ёғилмоқдаки, у гиёҳвандлик балосидир. Жаҳондаги нуфузли мутасадди ташкилотлар ва таниқли мутахассисларнинг таърифига қараганда, бу хасталик ўзининг ниҳоятда тез тарқалиши ва кексаю ёшни, ҳатто болаларни-да домига тортиши билан XX аср вабосидан ҳам даҳшатлироқ кўринади. Уни ер юзидаги барча мамлакатларнинг амалий ҳамкорлиги, мавжуд барча куч ва имкониятларни бирлаштириб кураш олиб бориш йўли билангина маҳв этиш мумкин.

Тасаввур қилиб кўринг: агар хонадонда биргина гиёҳванд бўлса, бутун оила азият чекиши турган гап. Маҳаллада пайдо бўлган битта гиёҳванд ўнлаб қўшниларнинг тинч ҳаётини остин-устун қилиши мумкин. Афсуски, гиёҳвандлик иллати бутун жамият ҳаётига — оддий оиладан тортиб, давлат тузилмаларигача ўз таъсирини ўтказмоқда. У меҳнат қобилиятининг ва даромад манбаининг йўқотилишига, кўплаб оилалардаги аҳволнинг ёмонлашуви ва бузилишига, соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтириладиган сарф-харажатларнинг кескин ортишига, ОИТС ҳамда сариқ касалликларининг кўпайиб кетишига сабабчи бўлмоқда.

БМТ маълумотларига кўра, ҳозирга келиб дунёдаги гиёҳвандлар сони 200 млн. нафарга етди. Шундан 164 миллиони каннабис, 14 миллиони кокаин, 13 миллиони опиатлар, 9 миллиони героин истеъмол қилувчилардир. Бунинг оқибатида 20 минг киши заҳарланди. Кези келганда шуни айтиш лозимки, аксар ривожланган мамлакатларда бугунги кунда гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ бўлган жиноятлар ортиб бормоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бугун жаҳон “қора бозор”ида гиёҳванд моддалар савдо айланмаси 400 миллиард долларни ташкил этади. Бу умумий савдо айланмасининг қарийб 10/1 фоизи демакдир. Ер юзининг турли нуқталарида содир бўлаётган қонли тўқнашувлар, ҳатто айрим урушлар айнан гиёҳвандлик савдосидан тушаётган даромад ҳисобидан таъминланмоқда.

Афғонистонга опийнинг, Колумбияга кокаиннинг ватани, дея бежиз таъриф беришмайди. Маълумотларга кўра, биргина 1999 йилда Афғонистонда 4565 тонна опий, Колумбияда 520 тонна кокаин ҳосили олинган. 1999 йили Афғонистонда 4600 тонна ёки дунёда ишлаб чиқарилган гиёҳванд моддаларнинг 75 фоизи етиштирилган. Бу кўрсаткич 2000 йилда 7000 тоннага етган. Худди шу йили Афғонистонга қўшни давлатларда 56 тоннадан зиёд гиёҳвандлик воситалари етиштирилган. Ўрта Осиё давлатлари чегараларида қарийб 3.5 минг тонна героин ва 12 минг тонна опийнинг пайи қирқилди.

Сўнгги 10 йил мобайнида мамлакатимиз божхона хизмати ходимлари томонидан 30 тонна гиёҳвандлик воситалари, 77 тонна прекурсорлар ушланиб қолинди.

ГИЁҲВАНДЛИК ВА ЖИНОЯТЧИЛИК

Гиёҳванд моддалар билан жиноятчиликнинг ўсиши ўртасида бевосита боғлиқлик бор. Ҳозирги пайтда оғир жиноятларнинг 4/1 қисмини гиёҳвандлар содир этмоқдалар. Зеро, хумор тутиб, гиёҳванд модда учун пул топиш йўлида улар ҳар қандай оғир қилмишга ҳам қўл уришга тайёрлар.

Афсуски, кейинги пайтларда ноқонуний наркобизнес билан шуғулланишга аёллар ҳам жалб этилмоқда. Чунончи, Ўзбекистонда қўлга олинган наркотик модда тарқатувчиларнинг 25 фоизи аёллардир.

Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида содир этилаётган жиноятларининг 75 фоизи гиёҳвандлик билан боғлиқ. Давлатлар ўртасида жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликни БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши тартибга солади. Унинг қошида бир қанча ёрдамчи органлар (масалан, гиёҳвандлик воситалари, халқаро терроризм бўйича комиссиялар ва ҳоказолар) ташкил этилган.

Кураш кучайгани сари оғуга ружу қўйиш ҳам авж олмоқда. Буни айримлар дунё бўйлаб стресс ҳолатларнинг, асаб хасталикларининг ва уни келтириб чиқараётган турли ижтимоий муаммоларнинг ортаётгани билан оқлашга уринишмоқда. ЮНИСЕФ экспертлари томонидан 35 та мамлакатда болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, уларнинг 60 фоизи мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиб кўрганлар.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга жалб этиш билан боғлиқ жиноятларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда ушбу жиноятга вояга етмаганлар кўпроқ жалб қилинмоқда. Натижада, ёшлар ўртасида кучли таъсир этувчи ва заҳарли моддаларни тайёрлаш, сотиш ҳоллари билан бирга, талончилик, ўғирлик, номусга тегиш каби жиноятларга қўл урилиши ҳам кузатилмоқда.

ИЛЛАТГА ҚАРШИ КУРАШ

Шуни унутмаслик керакки, гиёҳвандлик, бу — касаллик, демакдир. Бундай адашган кишиларни жамиятга, қолаверса, ҳаётга қайтариш учун уларни даволаш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш зарур.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига кўра, 2000 йилда - 5894, 1999 йилда 3424 нафар киши наркологик муассасалар томонидан қайд қилинган. Улар орасида 700 дан зиёд аёлларнинг мавжудлиги ачинарли ҳол, албатта. Ҳозир мамлакатимизда 18 та махсус диспансер, 3 та шифохона ва руҳий касалликлар шифохоналари таркибидаги 9 та бўлимда, туманларнинг наркология хоналарида гиёҳвандликка чалинган беморларга хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, юртимизда 10 дан ортиқ хусусий наркология клиникалари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Пойтахтимизда стационар бўлимга эга бўлган Республика наркология маркази барпо этилди. Ушбу марказ энг замонавий хорижий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Унда фаолият олиб борувчи кадрлар эса Европанинг етакчи наркологик клиникаларида таҳсил олиб, малака ошириб қайтганлар.

«Ибн Сино» халқаро жамғармаси ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамкорликда ташкил этган «Гиёҳвандликни олдини олиш бўйича маслаҳат маркази»да мазкур институтнинг наркология, психиатрия, психотерапия кафедралари ходимлари иш олиб бормоқдалар. Уларнинг асосий мақсади гиёҳвандликка ҳали у қадар ружу қўймаган, аммо, шу хавф орқали жар ёқасига яқинлашиб қолган ёшлар ўртасида олиб бориладиган огоҳлантириш, олдини олиш тадбирлари тамойилларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Шунингдек, биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтида «Наркология» мутахассислиги бўйича магистрлик даражасига эга бўладиган мутахассисларни тайёрлаш тизими йўлга қўйилдики, бу ҳам муаммонинг илмий асосда ҳал қилинишига кўмак беради. Наркология муаммолари бўйича тузилган махсус комиссиянинг асосий вазифаси эса, шу соҳадаги илмий тадқиқотларни уйғунлаштириш ва уларни амалиётга жорий этишдан иборат.

АВСТРИЯ ТАЖРИБАСИ

Гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларда Австрия тажрибаси кўпгина мутахассисларнинг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. Хусусан, мазкур давлатда фаолият кўрсатаётган «Саге» («Ғамхўрлик») жамғармаси 60 та мамлакатда махсус дастурларни амалга оширмоқда. Ташкилот ходимлари ўз васийликларидаги беморларга имкон борича яқинроқ интилиб, «Аутрич» дастурини туздилар. Унга мувофиқ ходимларнинг ўзлари уйма-уй юрадилар ва нохуш оилаларда бўладилар. Бундай суҳбатлар чоғида доимо ёнларида олиб юрадиган рисола, плакат ва суратлардан фойдаланадилар. Шунингдек, Австрияда гиёҳванд моддаларни сотувчилар ва уни истеъмол қилувчилар бир-биридан кескин фарқланади. Масалан, гиёҳванд моддаларни тарқатувчиларга нисбатан қатъий жазо чоралари қўлланилса, гиёҳвандликка мубтало бўлганларга эса муносабат мутлақо ўзгача — улар хаста кишилар ҳисобланади. Демак, бу тоифа кишиларга ёрдам бермоқ керак. Шу боис полициячиларнинг уларга нисбатан ҳуқуқлари чекланган. Гиёҳвандлар бир йилдан икки йилгача бўлган муддатда стационарларда даволанадилар ва соғлом ҳаётга қайтадилар. Барча сарф-харажатлар суғурта табобати томонидан тўланади. Маданият намояндалари, ижтимоий соҳа ходимлари, ўқитувчилар гиёҳвандларнинг ёрдам сўраб мурожаат қилишдан қўрқмасликлари учун бор имкониятларини ишга соладилар.

Эътиборли жиҳатлардан яна бири, гиёҳвандликнинг олдини олиш мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб йўлга қўйилган. Турли-туман эртаклардаги севимли қаҳрамонлар китоб, плакат ҳамда телеэкранлардан кичкинтойлар ҳузурига келиб, агар болалар гиёҳванд моддаларни истеъмол қила бошласалар, уларнинг қандай аҳволга тушишлари ҳақида ҳикоя қилиб берадилар.

Австрияликларнинг бу масаладаги шиори — «Камроқ панд-насиҳат, кўпроқ ҳазил-мутойиба»дан иборат. Зеро, ёшларни қўрқитиш керак эмас. Аксинча, уларга бор ҳақиқатни тўлалигича кўрсатиб бериш муҳим.

БМТнинг Наркотикларни назорат қилиш халқаро қўмитаси маълумотлари асосида
Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ тайёрлади

ГИЁҲВАНДЛИКДАН САҚЛАНИНГ

Пойтахтимизнинг, Шайхонтоҳур тумани Оқ тепа мавзесида «26 июнь — халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни»га бағишланган «Гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Бош прокуратураси ва «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда 48 та маҳалладан келган вакиллар, оқсоқоллар ва ўқувчи ёшлар иштирок этди. Тадбирни очар экан, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби Қ.Аъзамов шундай деди: «Гиёҳванд деган сўз халқимиз, миллатимиз учун иснод. Шуни ишонч билан айтишим мумкинки, маънавият ва спорт ёшларимизни гиёҳвандликдан батамом қутқара олади. Гиёҳвандлик фақат давлат сиёсати эмас, унга қарши кенг жамоатчилик онгли равишда курашиши лозим».

– Эътибор қилинг гиёҳванд ҳам, «заҳри қотил»ни сотувчи ҳам маҳаллада яшайди. Демак, гиёҳвандликка қарши курашда маҳалланинг ўрни катта. Гиёҳвандликнинг нохуш оқибатлари тўғрисида «Аср вабоси» фильми яратилди. Бу эса ёшларимизга ижобий таъсир кўрсатади деган умиддамиз,— дейди республика «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Гадойбоев. Тадбир давомида «Гиёҳвандсиз маҳалла – обод маҳалла», «Гиёҳвандлик–иллат» мавзуларида қизиқарли суҳбатлар ва баҳсли мунозаралар бўлиб ўтди.

Муниса ЯШНАРБЕКОВА

ЛЬЮИС ҚАЧОН РИНГДАН КЕТАДИ?

ёхуд унинг 41-ғалабаси

Ринг — курашаётган томонларнинг бирини ғолиб, иккинчисини мағлубга айлантиришдан ташқари, иккисидан бирининг жиддий жароҳат олишига ёки бундан ҳам бошқачароқ тарзда соғлигига салбий таъсир қилишга сабаб бўлиши мумкин. Худди шундай ҳолат 21 июнь куни Лос-Анжелесдаги «СТЭПЛС ЦЕНТР» саройида оғир вазнли профессионал



боксчилар – англиялик Леннокс Льюис ҳамда украиналик Виталий Кличколар ўртасида кечган жангда кузатилди. Аввалига биринчи, иккинчи раундларда Кличко WBC, IBF йўналишлари бўйича жаҳон чемпиони саналган Льюисни шошилтириб қўйди. Бироқ учинчи раундда рақибининг жиддий ҳужумларини ҳис қила бошлаган жаҳон чемпиони ўнг ёнбошдан кучли зарба берди ва Кличконинг чап қошининг устини ёриб ташлади. Айнан шу зарбани ўтказиб юбориш украиналик боксчига қимматга тушди. Негаки, жароҳат етказилган жойдан қон оқиши Виталийнинг зарбаларини кучсиз тарзда етиб боришига хизмат қилди. Бунинг салбий таъсири айниқса, бешинчи, олтинчи раундларда яққол кузатилди. Ҳакам томонидан биринчи, иккинчи раундлар Кличко, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи раундлар Льюис фойдасига ҳал этилганидан сўнг, еттинчи раунд олдидан берилган танаффус чоғида Виталийнинг қоши устидаги жароҳатини яна бир бор текширган шифокор Пол Уоллес рефери Лу Мореден жангни тўхтатишни талаб этди. Гарчи украиналик чарм қўлқоп устаси учрашувни давом эттиришга тайёрлигини билдирса-да, Лу Море Льюис рақибини техник нокаутга учратди, дея англиялик боксчини ғолиб деб топди. Шундай қилиб 16 минг томошабин олдида Льюис ўз чекига 41-ғалабасини, Кличко эса профессионал рингдаги иккинчи мағлубиятини ёзиб қўйди.

Учрашувдан сўнг «Los Angeles Times» газетасига интервью берган шифокор Пол Уоллес ўйинни тўхтатиш ҳақидаги талабини изоҳлар экан, агарда Кличконинг ёрилган қоши устига яна бир шундай зарба келиб тушса, у ўта жиддий асорат қолдириши мумкин эканлигини айтди. Энди WBC ҳамда IBF йўналишлари бўйича чемпионлик камарини ўзида сақлаб қолган Льюис Рой Жонс ва Майк Тайсонлар билан жанг ўтказганидан сўнг, катта ринг билан хайрлашмоқчи. Бироқ катта миқдорда пул қўйиладиган бўлса, у Кличко билан такрорий учрашиши ҳам мумкин.



«РЕАЛ« ИСПАНИЯ ЧЕМПИОНИ

«Атлетик» клуби устидан 3:1 ҳисобида ғалабага эришган Мадриднинг «Реал» жамоаси ўзининг 100 йиллик тарихида йигирма тўққизинчи бор Испания чемпионлигини қўлга киритди. Мадридликлардан Роналдо 2 та, Роберто Карлос 1 та гол муаллифи бўлишган бўлсалар, «Атлетик»лардан Алькис орадаги фарқни қисқартиришга муваффақ бўлди. Эндиликда, «Реал» билан бирга Испания чемпионатида биринчи тўртликдан ўрин эгаллаган «Реал Сосьедад», «Депортиво», «Сельта» жамоалари УЕФА кубоги баҳсларида қатнашадилар.



Яқинда англиялик Дэвид Бекхэмнинг «Реал»га ўтиш учун розилигини олган клуб президенти Флорентина Перес эса Франциянинг «Пари Сент-Жермен» жамоасида тўп сураётган Рональдинони келгуси йили ўз жамоасига таклиф этишини маълум қилди.

«БЕЗОРИ» ТАЙСОН ЯНА СУДГА ЧАҚИРИЛМОҚДА

Нафақат рингдаги санъати билан, балки қайсидир маънода безорилик билан ҳам ном чиқарган собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон яна суд маҳкамасига чақирилмоқда. Боиси, 21 июнь куни Лос-Анжелесда Льюис — Кличко ўртасида бўлиб ўтган учрашувни томоша қилиш учун аэропортга кетмоқчи бўлиб, Бруклиндаги «Мэрриот» меҳмонхонасидан чиқаётган вақтида, Тайсонни икки эркак ва бир аёл тўхтатиб, дастхат ёзиб беришини сўрашади. Аммо, боксчи томонидан илтимос рад этилгач, ишқибозлардан бири ўзида тўппонча борлигини айтиб, Майкни қўрқитмоқчи бўлади. Шундан сўнг собиқ чемпион улар билан муштлаша кетади. Ва жанжал полициячилар томонидан тўхтатилади. Муштлашув чоғида қаттиқ жисм орқали темир Майк қўлидан енгил жароҳатланган бўлса, унинг рақиблари пенсильваниялик 31 ёшли Самюэль Велес ва унинг рафиқаси ҳамда 24 ёшли Нестор Альвареслардан икки нафари ўртача даражадаги жароҳат билан шифохонага ётқизилади. Воқеадан сўнг, ҳибсга олинган Тайсон эса бир неча соат ўтиб, қўйиб юборилади. Ҳозирда суд ҳар икки томонга ҳам жамоат тартибини бузиш айбини қўймоқда. Бундай воқеалар Тайсон ҳаётида авваллари ҳам кузатилган.

Ниҳоят ўтган йили Льюис — Тайсон учрашуви олдидан ташкил этилган матбуот анжуманида Льюиснинг тан соқчисига мушт туширади.



Муҳтарам Бурхонхожи ака НИҒМОНОВ!

Сизни таваллуд айёмингизнинг 70 йиллик ва педагогик фаолиятингизнинг 50 йиллик шодиёналари билан самимий муборакбод этамиз!

Сирғали тиббиёт билим юртида сизни олий тоифали услубчи- ўқитувчи ҳамда халқ таълими аълочиси сифатида қадрлаймиз ва кейинги авлод ўқитувчилар — ёш мутахассисларга ўзингизнинг бой тажрибангизни улашишда асло толиқмаслигингизни тилаб қоламиз.

Камоли эҳтиром билан
СИРҒАЛИ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ ЖАМОАСИ

Боровский номидаги тиббиёт билим юрти томонидан 1993 йилда Ибрагимова Умида Исломовна номига берилган СТ-1 483476 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши томонидан етакчи мутахассис Набиев Соҳибжон Абдуғаниевичга берилган 58-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ

ОЛИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИ

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда илмий-педагогик иш стажига, илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, хорижий тиллар, информацион технологиялар бўйича юқори малакали мутахассис бўлган, ҳарбий ўқув юртида ишлай олиш салоҳияти ва истаги бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қатнашишлари мумкин.

Барча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 3-уй, Давлат божхона қўмитасининг кадрлар бошқармаси. Телефонлар: 120-76-31, 144-34-74.

Oilaviy sharoit to‘g‘ri kelmaganligi bois o‘qiy olmadim. Shu sababli she’r ovunchog‘im bo‘lib qoldi. Kollejimizda “Ma’rifat”ni sevib o‘qiydilar. Shuning uchun ushbu maktubni senga yozdim.

O‘qituvchi-murabbiylar bayramiga “Muallimim” nomli qo‘shiq jo‘natgan edim. Bu qo‘shiq Sizlarning e’tiboringiz tufayli “Ma’rifat”da berildi. Ko‘pchilik muallimlar menga rahmat aytishdi.

Маърифат манзили соҳиби — муаллимлар мамлакатимизнинг барча масканларидаги “Маърифат” мададкорларидир. Таҳририятимизга ҳар куни улардан кўплаб мактуб келади. Таълим соҳасида бўлаётган ислоҳотларнинг мактабдаги акси, маънавий-маърифий янгиликлар, газета саҳифаларида эълон қилинган мақолаларга муносабатлар билан бирга хатларнинг аксар қисмида муаллимларнинг шеърий, насрий машқлари жўнатилган бўлади. Уларнинг кўпчилигини “Қўнғироқ чалингунча” саҳифамизда, “Ko‘ngil bitiklari“ рукнида эълон қилиб бормоқдамиз.



«Ma’rifat»ga maktublar

ШЕЪРГА СИҒМАГАН ТУЙҒУЛАР АКСИ

Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманидаги 28-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Амирқул Қўшмурод ўғлининг Ғаллаорол тумани Обуз қишлоғида яшаб ўтган гапга чечан кишиларнинг ижод қилган қизиқ-қизиқ иборалари ҳақидаги “Тегирмончи кўнса ҳам, Эсиргапбой кўнмади”, “Мамақодирчаси бўлмасин”, “Бердибекбойникига келмайди“, “Хуржун йўқотган кўп бўлди” каби қатралари, Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси Улуғбек Раҳимовнинг “Муаллимлик бахтим менинг”, Фарғона вилояти, Риштон туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Шаҳнозахон Сиддиқованинг “Армон қолди у кўзларда...”, Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси Момо Султон Ёқуб қизининг “Севгилимга ўхшайсиз”, “Йўқлов“ сарлавҳали ҳикоялари образлар қиёфаси яхши тасвирлаб берилмаганлиги, ижодкор концепцияси англашилмаслиги, бадиий бўёқлар равшан эмаслиги боис газета саҳифаларидан ўрин олмади. Ушбу муаллимларимиздан ҳам келажакда пишиқ ҳикоялар, ҳажвиялар кутиб қоламиз.

Ҳам журналист, ҳам муаллим, ҳам муштарий сифатида “Ma’rifat” газетамизнинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутаман. Шу билан бирга қўлим бўшади дегунча,бадиий китоблар мутолаасига шўнғиб кетаман. “Ma’rifat” саҳифаларида газетхонларнинг адабий машқларига ҳам кенг ўрин берилаётганлиги кўнглимни тоғдек ўстиради.

Асад САФАРОВ,
“Баҳористон” газетаси муҳаррири, Баҳористон ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

ШЕЪР ИШҚИДА ЁНАЁТГАН МУАЛЛИМЛАР

Асакалик халқ таълими фахрийси Ўктам Йўлдош,Андижон туманидан Дилора Маҳмудова, Ғиждувон туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Моҳигул Орипова, шу тумандаги 4-мактаб муаллимаси Шамсиябону Нажмиддинова, Элликқалъа туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси Абдулла Латипов, Хўжайли туманидаги 1-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Феруза Собирова, Чироқчи туманидаги 70-мактаб ўқитувчиси Қаландар Бекмуродов, Наманган туманидаги 9-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Дилбар Тошканова, Пойариқ туманидаги Эшимоқсоқ қишлоғида яшовчи муҳандис-технолог Қилич Мирзаев, Иштихон туманидаги 48-мактаб илмий бўлим мудири Қувват Отабоев, Каттақўрғон шаҳрида яшовчи Сўфи Меҳрий (Меҳриддин Раҳматов), Нарпай туманидаги 43-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Гулнора Бўронова, Қўшработ туманидаги 66-мактаб ўқитувчиси Жўрабой Ўролов, Денов туманидаги 7-ихтисослашган мактаб-интернат ўқитувчиси Ҳалима Хушбоқова, Сариосиё туманидаги 55-мактаб тарих фани ўқитувчиси Раҳмиддин Равшанов, Жарқўрғон туманидаги 33-мактаб ўқитувчиси Рустам Ҳимматов, Шеробод туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Холбой Шердонов, Ангор туманидаги 18-мактаб ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Тилов Менгниқулов, Бағдод туманидаги 38-мактаб ўқитувчиси Мирза Абдулла (Мирзаабдулла Холдоров), Фурқат туманидан Элдор Худойназаров, Марғилон шаҳридаги 4-мактаб директори Рўзимуҳаммад Умрзоқов, Янгиариқ туманидан Абдулла Абдуллаев, Шовот туманидаги 32-мактаб ўқитувчиси Бурҳон Норбоев, Хатирчи туманидаги 39-мактаб ўқитувчиси Нурмуҳаммад Сиддиқов, Навбаҳор туманидаги 17-мактаб муаллимаси Назокат Рўзиева жўнатган шеърий машқлар бадиий жиҳатдан ҳали газета саҳифасига чиқиш даражасида эмаслиги боис чоп этилмади. Аммо улар машқларидаги умидли сатрлар, агар янада кўп изланиб, ижод қилишса, келажакда яхшиям яхши шеърлар дунёга келишидан дарак беради.

Газетада чоп этилган Узун туманидаги 14-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Ферузабону қизимнинг шеърлари бутун вужудимни қамраб олди. Қалбимда халқимиз келажакда яна бир истеъдодли шоира билан мулоқотда бўлади, деган умид гунчаси туғилди.

Убайдулло МАМАШАИПОВ,
Кўргонтепа туманидаги 34-мактаб ўқитувчиси

Гарчанд физика фани ўқитувчиси бўлсам-да, шеърият ошносиман. Бўш вақтларимда Зулфия, А.Орипов, Э.Воҳидов шеърларини ўқиб баҳра оламан. Физика дарсларимда, тадбирларни ўтказишда айрим шеърий машқларимдан фойдаланиб, физика ва адабиёт ўртасидаги боғлиқликни тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Замира МУРОДОВА,
Ромитан туманидаги 26-мактаб ўқитувчиси

Газетанинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутамиз. Янгиликларни, болалар ижодидан намуналарни ўқувчиларга ҳам ўқиб эшиттирамиз. Улар ўзлари ёзган шеърларини беришади. Ўқиб, тўлқинланиб кетаман. “Ma’rifat” болалар ижодига эътибор бераётганидан қувонаман.

Одина ҲАСАНОВА,
Жалолқудуқ туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси

ҲАМКОРЛИКНИ ДАВОМ ЭТТИРИНГ

Шу йил 10 май куни XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакили, истеъдодли шоир Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан “Ma’rifat”га улкан адиб ижоди ҳақидаги кўплаб мақолалар келди. Уларнинг баъзиларини эълон қилдик.

Андижон тиллар педагогика институти фалсафа кафедраси доценти Ёқубжон Тошпўлатов Ғ.Ғуломнинг болаларга атаб ёзилган асарларини таҳлил қилган. Урганч шаҳридаги 16-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси Зумрад Матқурбонова мактаб саҳнаси учун Ғ. Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган кеча сценарийсини ёзиб юборган. Қашқадарё ВПХҚТМОИ кафедра мудири Баҳром Маҳмудов, Термиз давлат университети доценти Болтажон Содиқов ҳам Ғ.Ғулом ижоди юзасидан фикр билдирганлар. Тошкент вилоят ДПИ ўқитувчиси Гулнора Эшчонова Ғафур Ғуломнинг насрдаги маҳорати ҳақида сўз юритса, Низомий номидаги ТДПУ профессори Ҳакимжон Каримов академик Ғ.Ғуломнинг адабиётшунос олим сифатидаги фаолияти, фалсафий қарашлари юзасидан мулоҳазаларини билдирган. “Хоразм зиёкори“ газетаси муҳаррири Исмоил Оллаберганов Урганч шаҳридаги 16-мактабда Ғ.Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир ҳақида ёзади. ТДЮИ қошидаги академик лицей директор ўринбосари, филология фанлари номзоди Муҳаммади Жуманов, Зарбдор тумани ҳокими ўринбосари Маъмур Носиров ва Низомиддин Усмонов, ЎзМУ доценти Қоражон Тошмуродова, Мирзо Улуғбек тумани ХТБ ходими Розия Арапова, ҚаршиДУ профессори Дамин Тўраевлар ҳам улуғ шоиримиз ижоди, у ҳақдаги хотиралар ҳақида фикр юритишган.

Ушбу муаллифларимизни газетамиз билан ҳамкорликларини давом эттиришларига ундаб қоламиз.



БЕҒУБОР ҚАЛБ САДОЛАРИ

Газетамизни нафақат муаллимлар, мактаб ўқувчилари ҳам қизиқиш билан ўқиб боришларини улардан келаётган мактублар исботлайди. Болажонларимиз жўнатган хатларнинг кўпчилигида “Bolalar dunyosi”, “Қўнғироқ чалингунча“ саҳифаларини иштиёқ билан ўқиб боришлари изҳор қилиниб, ўз шеърий машқларини ушбу саҳифаларда кўриш истаги билдирилган.

Избоскан туманидаги 15-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Манзура Абдужабборова, Бухоро шаҳридаги 4-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Маржона Ражабова, Лоиш шаҳарчасидаги 45-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Учқун Ўсаров, Каттақўрғон шаҳридаги 13-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Каромат Каримова, Пахтачи туманидаги 27-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Ферузабону Тожиева, Шарғун шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 9-синф ўқувчиси Ситорахон Тожиддинова, Деҳқонобод туманидаги 85-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Шоҳиста Нуруллаева, Деҳқонобод тумани, Галабулоқ қишлоғидаги Қори Ниёзий номидаги мактаб ўқувчиси Дилафрўз Чориева, Навоий туманидаги 9-мактаб ўқувчиси Гулрух Худойбердиева, Бўка туманидаги 49-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Нурхон Шодиева, Зангиота туманидаги 32-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Муножот Тиллаева, Оққўрғон туманидаги 23-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Марҳабо Исабоева, 44-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Камола Раҳматова, Бешариқ туманидаги 33-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Наргиза Жумаева, Оҳангарон туманидаги 44-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Камола Раҳматова, Бешариқ туманидаги 33-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Наргиза Жўраевларнинг қалами янада чархланиб, келажакда етук ижодкор бўлиб етишишларига тилакдошмиз.

Севимли газетамга айланган “Ma’rifat”им! Сенга беҳисоб мактублар йўлладим. Балки, таниш исмга кўзинг тушиб, яна ўша қизми, дерсан. Ҳа, мен ўша қизман. Мана, яна сенга мактуб йўллаяпман. Чунки, ҳаётдаги ўз ўрнимни топишим керак. Ўз келажагимни ўзим яратишим керак. Бунинг учун ўқияпман, ижод билан шуғулланаяпман. Сенга суянаман.

Лайло ШОМУРОДОВА,
Оқдарё туманидаги 23-мактаб ўқувчиси

Азиз ва қадрли таҳририят аъзолари! Мен сизларга ўхшаб журналист бўлмоқчиман. Ўзим алоҳида газета яратмоқчиман.

Аброр БОБОҚУЛОВ,
Пастдарғом туманидаги
35-мактаб ўқувчиси

Мен Яккасарой туманидаги 118-мактабда физика фанидан сабоқ бераман. Ўзим асли Хоразм фарзандиман. Отам математик, онам физик. Мен ҳам онам касбини эгаллаб, мана, 13 йилдан буён ўқитувчиман. Шеър — жону жаҳоним. Математика, физика ва адабиёт фанлари ўртасида боғлиқлик бордай туюлади менга.

Меҳрибон МАТНИЁЗОВА,
Яккасарой туманидаги
118-мактаб ўқитувчиси

Талабалик йилларимда буюк рус ёзувчиси Л.Н.Толстойнинг Озод Шарафиддинов таржимасидаги “Иқрорнома” асарини ўқиган эдим. Одамзоднинг дунёга келиб-кетиши, ҳаётнинг маъно ва мазмуни ҳақида фикр юритилган бу асар мени бутқул ўзига ром қилиб қўйди. Бу китобдан энди бир дақиқа, бир лаҳза бўлса-да, айрила олмайдиган шу кунларда 9-синф адабиёт дарслигида Абдулла Ориповнинг “Кеттанлар ёди бу ...” шеърини ўқиб қолдим. Шу қисқагина шеър менга “Иқрорнома”нинг назмий баёнидай таъсир қилди ва асарнинг мазмун-моҳиятини очиб берди гўё.

Абдували НАРЗИЕВ,
Навоий туманидаги
22-мактабнинг она тили
ва адабиёт ўқитувчиси

“Ёғду” клуби Хоразм вилоят “Маънавият ва маърифат“ маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда “Хоразм” нашриёти ташаббуси билан ташкил қилинган. Клубда вилоятимиздан етишиб чиқаётган ёш ижодкорлар ижоди ўзаро таҳлил қилинади, етук шоирлар билан учрашувлар уюштирилади. Энг яхши ижодкорларнинг шеърлари китобча ҳолида чоп қилинади. Бу клубдан етишиб чиқаётган, ўз истеъдод ёғдусини таратаётган ёшлар бисёр.

Нодира ЯНГИБОЕВА,
клуб аъзоси, Урганч туманидаги
47-нафис санъат гимназиясининг
10-синф ўқувчиси

ТИЛСИЗ “ТАБИБ”ЛАР ТИЛИДАН

Халқимизда: Дардини берган худо давосини ҳам яратиб қўйган, деган гап бор. Ўйлайман... Назаримда дунёда қанча касаллик бўлса, унинг давосини унданда зиёда қилиб она табиат — гиёҳлару меваларга тақсимлаган. Одамзодга эса ақл-идрок берилганки, ана шу давони у кузатиши, ўзини, табиатни ўрганиши орқали топиши даркор. “Тилсиз “табиб”лар тилидан“ туркум шеърларим ана шу масалага қаратилган. Унда турли ўсимлик ва мевалар қандай касалликларга даволигини юмор тили билан, ҳар бири ўзига хос усулда, ўзлари гапиради. Шу жиҳатдан қараганда шеърларим нафақат ўқувчи-болаларни, зиёлиларни, балки турли ёшдаги, соҳадаги кишиларни ҳам қизиқтирар, деб ўйлайман.

ЁРДАМГА БОРАМАН

Ассалом, мен Турпман,
Тупроқда тик турибман.
Егуликман — таомман,
Сабзавотга қавмман.
Карам, пиёз — оғамдир,
Шолғом тўра тоғамдир.
Емаганга армонман,
Еганларга дармонман.
Таъмда тахир бўламан,
Ошни ҳазм қиламан.
Гар муаммо туғилса,
Томоқ оғриб,бўғилса,
Ёки йўтал тинмаса,
“Тин!” деганга кўнмаса,
Мен ёрдамга бораман,
Дардга дармон бераман.
Егуликман — шифоман,
Танга соғлиқ — сафоман.

ПИЁЗНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Тўним ечиб олишди,
Сўнг оғизга солишди.
Чайнаб-чайнаб эзғилаб,
“Аччиқсан” деб нолишди.
Мени кўзга илмади,
Кўнглим учун куймади.
“Моҳир табиб” эканим,
Наҳот, улар билмади.
Чимиртирдим қошини,
Оқизиб кўз ёшини,
“Тумов” деган душмандан
Фориғ этдим бошини.

ИСИРИҚМАН

Тингла айтган сўзимни,
Ўтда ёқиб ўзимни,
Вужудимдан кечаман,
Тутун бўлиб учаман.
Кўзлар кўрмас ёвларни,
“Тумов” деган “дев”ларни,
Тутун бўлиб бўғаман,
Мен соғлиққа оғаман.
Чақалоқни, онани,
Уй, бешикни, хонани,
Ёмон кўздан сақлайман,
Номини пок оқлайман.
Гоҳ қайнатма бўламан,
Шамоллашни оламан,
Оғриқ милку тишингни,
Хаста бўлган бошингни,
Дарддан фориғ қиламан,
Уз ишимни биламан.
Минг бир дардга давоман,
Соғлиқ куйи — навоман.
Лек, ачитсам кўзингни,
Бужмайтириб юзингни,
Мени сўкиб қўймагин,
Қовоғингни уймагин.

Солижон ХУДОЁРОВ,
Нуробод туманидаги
56-мактаб ўқитувчиси

Мен туғилиб, ўсаётган оилада Ватан туйғуси жуда кучли, халқимиз ўтмиши, аждодларимизнинг битмас-туганмас, адабий, илмий, маърифий, маданий ва диний меросига чексиз ҳурмат йўлга қўйилган бўлиб, оиламиз аъзолари ҳар хил соҳа вакиллари бўлишларига қарамай, бўш вақтларимизда, айниқса, кечқурунлари ёки дам олиш кунлари мириқиб адабий-маърифий суҳбатлар қурамиз ва шеърхонлик қиламиз.

Ҳалимахон МУҲАММАДИЕВА,
НамДУ инглиз филологияси факультети талабаси

Кишилар, жумладан, ўқувчилар онгида тўғри илмий дунёқарашни шакллантиришда матбуотдан унумли фойдаланиш керак. Қанийди радиогазета ва телегазеталар ташкил қилинса. Турли сериал кинолардан биттагинасининг ўрнига Алишер Навоий ижодини ўрганиш дарслари ташкил қилинса...

Раҳматулла ҲАМИДОВ,
Касби туманидаги ихтисослашган мактаб физика фани ўқитувчиси

РАҲМАТ ДЕЙИШДИ

Аёлларга ва оналаримизга бўлган дил изҳоримни шеърий сатрларда ифодалашга ҳаракат қилиб, болалар учун мусиқий асар таййёрлаб, Сизларга жўнатаяпман. Ушбу қўшиқ орқали оналаримизга бўлган меҳрни чуқурроқ ўйғота олсам ўзимни бахтиёр ҳис қилардим. Зеро, “Жаннат оналарнинг оёғи остидадир” деган муқаддас ҳадис бор.

2002 йил октябрь ойидаги нишонланган ўқитувчи-мураббийлар байрамига “Муаллимим” номли қўшиқ жўнатган эдим. Бу қўшиқ Сизларнинг эътиборингиз туфайли “Маърифат”да берилди. Кўпчилик муаллимлар менга раҳмат айтишди.

Маҳмуджон ДАДАБОЕВ,
Наманган педагогика коллежи ўқитувчиси

ОНАЖОНИМ

Маҳмуджон ДАДАБОЕВ
шеъри ва мусиқаси

Онажоним,
Меҳрибоним.
Мен гул бўлсам,
Сиз боғбоним.

Кўзим очиб,
Сизни кўрдим.
Сиз туфайли,
Инсон бўлдим.

Дуо қилинг,
Тезроқ ўсай.
Тинчлик учун,
Ҳисса қўшай.

Ушбу қўшиқ боғча тарбияланувчилари ва бошланғич синф (1-4 синф) болалари учун яратилган.



Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-476.
Тиражи 26856. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Назокат ХОЛМЕТОВА,
Навбатчи:
Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят руxсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00. Топширилди — 21.00

Саҳифани Ҳусан НИШОНОВ тайёрлади